

ВЕСТНИК
Высших учебных курсов
Генеральной прокуратуры



BULLETIN
of the High training courses
of the General prosecutor's office

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

АХБОРОТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги
201/3-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган

ISSN 2181-5011



www.vuk.uz

№1 (25)
2016



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Ихтиёр Абдуллаев
Ниғматилла Йўлдошев
Нуриддинжон Исмоилов
Светлана Ортиқова
Зоҳид Дўсанов
Ҳақимбой Халимов
Шўҳрат Узаков
Улугбек Суннатов

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул котиб:

Гофуржон Алимов

Таҳрир ҳайъати:

Музаффар Мамасиддиқов
Бобокул Тошев
Матлюба Аминжанова
Фаҳри Раҳимов
Миродил Боротов
Марат Палванов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг илмий даража талабгорлари чоп этиши лозим бўлган журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Тараққиёт кўчаси, 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

web-site: www.vuk.uz
e-mail: axborotnoma@vuk.uz

Буюртма №
Адади: 1000

Журнал «Мир полиграфии»
МЧЖ ҚК босмаҳонасида
чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Авлиё ота кўчаси, 7-уй.

МУНДАРИЖА

Р.КАМИЛОВ

Миллий божхона сиёсати ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашда янги таҳрирдаги Божхона кодексининг аҳамияти

1

Н.ЖУРАЕВ

Многоступенчатость судебных инстанций в гражданском судопроизводстве: теоретико-практические вопросы

4

И.ТУРҒУНОВ

Ҳуқуқий ислохотларнинг ички ишлар идоралари ходимларида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришдаги аҳамияти

9

А.ОТАЖОНОВ

Амалга ошмаган иштирокчилик: жавобгарлик ва ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари

14

Х.АБДУРАХМАНОВ

Новый этап в развитии избирательной практики в Узбекистане

20

Ф.РАХИМОВ

Ярашув институтини қўллашни янада такомиллаштириш масалалари

26

М.РАХИМОВА

Практика международных организаций и Республики Узбекистан по противодействию коррупции

29

Д.ЧИНIEВ

О некоторых аспектах передачи имущества в доверительное управление

35

С.НИЁЗОВА

Жинсий жиноятлар виктимлигининг олдини олишда суд амалиётига доир масалалар

38

М.ПАЛВАНОВ

Зарубежный опыт внедрения информационно-коммуникационных технологий в деятельность судебных и правоохранительных органов

42

З.АМООНОВ

Давлат бошқарувида қонунийлик ва уни таъминлашда прокурор назоратининг тутган ўрни

48

Ш.АБАКУЛОВ

Жиноят қонунчилигида амалда пушаймон бўлишнинг хусусияти ва ҳуқуқий аҳамияти

52

А.ҲИДОЯТУЛЛАЕВ

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакли сифатида аккредитив ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари

56

Х.КАРИМОВ

Жиноят қонунчилигида инсонпарварлик принципининг моҳияти

60

Б.АЛИМОВ

Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокининг ўзига хос хусусиятлари

63

М.ДЎСТҚОРИЕВ

Фуқаролик процессида гувоҳ иштирокининг процессуал хусусиятлари

67

Ш.ГАНИЕВ

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш билан боғлиқ қилмишларнинг ҳуқуқий тавсифи

70

Б.КАЮМОВ

Основные модели и формы государственно-частного партнерства

74

Х.ҚОДИРОВ

Мансабдор шахслар томонидан ҳужжатларни сохталаштирганлик учун жиноий жавобгарликни такомиллаштириш истиқболлари

77

Рустам КАМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

МИЛЛИЙ БОЖХОНА СИЁСАТИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШДА БОЖХОНА КОДЕКСИНИНГ АҲАМИЯТИ

- ◆ Мақолада мамлакатимизда божхона соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда мазкур соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ёритилган.
- ◆ В данной статье освещены вопросы совершенствования законодательства в таможенной сфере, а также реализуемые в нашем государстве мероприятия в данной сфере.
- ◆ In the article it is considered the issues of improvement of the legislation in the sphere of customs as well as the realized works in this sphere in our state.

Таянч сўзлар: Божхона, кодекс, имтиёзлар, божхона режими, чегара, товарлар
Ключевые слова: Таможня, кодекс, льготы, таможенный режим, граница, товары
Key words: custom house, privilege, customs regime, border, commodity

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил ислохотлар халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатимиз кудратини мустаҳкамлаш, дунё микёсида юксак обрў ва ишончини таъминлаш, ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий алоқаларни жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Иқтисодиётни модернизация қилиш ва диверсификациялаш орқали жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш ва қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳиятини ошириш, инвестицияларни жалб этиш, юқори технологияли саноатга эга мамлакатлар билан интеграциялашувни кучайтиришнинг устувор йўналиши сифатида шакллантирилган миллий божхона сиёсати бугунги кунда самарали рўёбга чиқарилмоқда.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, Ўзбекистон саноати тез суръатлар билан ривожланиб бораётган, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши 25 фоизга етган, экспортбоп ва рақобатдош маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиғи юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётган, куч-қудратли ва салоҳиятли мамлакатга айланди. Биргина кейинги йилларда экспортни рағбатлантириш ва энг мақбул ишбилармонлик муҳитини яратиш мақсадида, товарлар экспортида божхона расмийлаштируви учун йиғимлар ставкалари ўртача 2 бараварга-

ча пасайтирилди. Стратегик аҳамиятли хўжалик тармоқларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорлари билан божхона тўловларини тўлашда имтиёзлар берилди.

Бинобарин, Президентимизнинг 2014 йил 3 мартдаги давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда янгича ёндашув асосида илғор халқаро стандартлар негизида замонавий божхона ишини ташкил этиш, амалда бўлган норма ва тартибларни унификациялаш орқали ягона ҳамда тўғридан-тўғри таъсир этувчи ҳуқуқий базани шакллантириш ва ташқи иқтисодий фаолиятда шаффофликни кучайтиришга оид кўрсатмалари ижроси доирасида ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги Божхона кодекси ўз мазмун-моҳиятига кўра ушбу концептуал мақсадларни кўзлайди.

Маълумки, 1997 йилда қабул қилинган Божхона кодекси 11 та бўлим, 19 та боб ва 165 моддадан иборат бўлиб, божхона ишининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди. Аммо, Божхона кодекси ва "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонунда кўпгина қоидалар тартибга солинмаганлиги туфайли улардаги қоидаларнинг тўлиқ амалга оширилиши учун 350 дан ортиқ турли қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган эди.

Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида ҳуқуқий тизимда "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Чет эл инвестициялари

тўғрисида"ги, "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги каби Қонунлар қабул қилинди. Айрим қонунларга хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташқи иқтисодий фаолият, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга, уларни жадал ривожлантириш борасида бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилиниши билан миллий ҳуқуқ тизимимизда бир қатор сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида иқтисодий ислохотларни янада либераллаштириш ва чуқурлаштириш борасидаги фармон ва қарорларида белгиланган талаблар, яъни ташқи иқтисодий фаолият юретишининг янада қулай қонунчилик шартларини яратиш ва либераллаштириш вазифалари кодексни мазмун жиҳатдан жиддий янгиланишига асос бўлди.

Шу боис янги таҳрирдаги Божхона кодексини ишлаб чиқишда божхона ишида халқаро стандартларга мос бўлган ягона қонунчилик базасини шакллантириш, миллий божхона тартиботларига оид халқаро норма ва амалиётига оид қоидаларни имплементация қилиш мақсадида Божхона жараёнларини уйғунлаштириш ва соддалаштириш тўғрисидаги халқаро конвенцияси (Киото конвенцияси 1999 йил), Бутунжаҳон почта конвенцияси (Женева 2008 йил), Вақтинча олиб кириш тўғрисида халқаро конвенцияси (Истанбул конвенцияси 1990 йил), Бутунжаҳон савдо ташкилотининг 1994 йилдаги Тарифлар ва савдо бўйича Бош битими каби муҳим ҳужжатлардаги илғор халқаро стандартлар ва божхона қоидалари эътиборга олинди.

Айниқса, божхона органларининг барча даражаларида ҳуқуқий норма ва муносабатларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни божхона томонидан тартибга солинишида комплекслик ва шаффофликни ошириш мақсадида, божхона расмийлаштируви жараёнларининг барча иштирокчилари ваколатлари аниқлаштирилди ҳамда уларнинг ўз ваколатларини қўллашда субъектив характердаги эҳтиمولларни бартараф этиш механизмлари аниқ белгилаб қўйилди. Хусусан, божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг ва транспорт воситаларининг божхона назоратини

амалга оширишга доир ҳужжатлар ва маълумотларнинг киритилишини, ҳисобга олинишини ҳамда мониторинг қилинишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг автоматлаштирилган тизимига оид нормалар шулар жумласидандир. Бу орқали пировард натижада, божхона расмийлаштируви бўйича интерактив хизматлар кўрсатилишини кўзда тутувчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ҳамда юкларни божхона расмийлаштируви муддатлари ва субъектив омилларни кескин қисқартиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кодексга божхона жараёнларини "бир дарча" тамойили асосида амалга оширишнинг янги механизми назарда тутилди. Божхона расмийлаштируви учун ҳужжатларни "бир дарча" тамойили асосида тақдим этилиши айрим бюрократик ғовларни бартараф этиш, шунингдек ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг вақт ва маблағларини тежашга хизмат қилади. Бунга божхона органларининг самарали идоралараро ҳамжиҳатлилигини таъминлаш орқали эришилади.

Янги таҳрирдаги Божхона кодексининг амалдаги кодексдан концептуал нуқтаи назардан фарқ қиладиган яна бир муҳим хусусияти, белгиланган норма ва қоидаларнинг талқин қилиниши ҳамда қўлланилишида бирхилликни таъминлашга қаратилган тушунчаларнинг ишлаб чиқилганлигидир. Жумладан, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун муҳим саналган бир қатор божхона мақсадлари, товар ва транспорт воситаси, товарнинг кузатув ҳужжатлари, божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш, ваколатли шахс, декларант, божхона брокери, божхона операцияси, божхона режими, божхона тартиб-таомили, декларациялаш, иқтисодий сиёсат чоралари, товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш, товарларнинг эркин муомаласи, товарни чиқариб юбориш, юк операциялари тушунчаларига аниқ таърифлар берилди.

Бу каби жиҳатлар товар ва транспорт воситаларининг божхона чегараси орқали ҳаракатлиниши ва товарни муайян бир божхона режимига жойлаштириш тартиби ҳамда божхона органлари ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ўртасидаги муносабатлар механизмининг аниқ тартибга солиниши, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар учун қонун билан тақиқланмаган фаолият эркинлиги кафолатларини кучайтиради. Бундан ташқари, кодексда божхона органлари мансабдор шахслари томонидан қарор қабул қилиниши муддатлари бирмунча қисқартирилгани, божхона иши соҳасидаги рухсатнома бериш жараёнларидан ўтиш ва рухсатнома характердаги ҳужжатларни бериш тартибларининг аниқ белгиланганлиги фуқаролар учун қўшимча қулай-

ликлар яратади.

Янги кодексда ҳар қандай манфаатдор шахс мамлакатимизга товар олиб киришдан олдин уни ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига мувофиқ, таснифлаш бўйича дастлабки қарор қабул қилиш хусусида божхона органига сўровнома билан муурожаат қилиши механизми тартибга солинди. Кодексга мувофиқ, "Божхона органлари товарларнинг таснифланишига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатурасига мувофиқ товар божхона органига тақдим этилгунга қадар дастлабки қарор қабул қилиши мумкинлиги, бунда сўров божхона органига келиб тушган кундан эътиборан йигирма кун ичида кўриб чиқилиши" белгиланди. Мазкур янги механизм айрим товарлар билан боғлиқ таваккалчиликларнинг олдини олиб, қонуний товарни расмийлаштиришда божхона жараёнларидан ўтишни сезиларли даражада енгиллаштиради.

Шу боисдан кодексга "Божхона экспертизаси" деб номланган алоҳида боб киритилди. Унга мувофиқ, божхона экспертизаси товарларни идентификациялашга қаратилган ҳамда эксперт томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунармандчилик соҳасидаги махсус билимлар асосида тадқиқотлар ўтказиш ва хулоса беришдан иборат процессуал ҳаракат сифатида ифодаланган. Божхона экспертизасининг мақсади товарларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатурасига мувофиқ, товарнинг таснифланиши тўғри бўлишини назорат қилиш учун уларни қайта ишлаш маҳсулотларида, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларга риоя этилиши учун идентификациялашга қаратилган.

Кодексда жисмоний шахслар томонидан ноtijорат мақсадларда олиб ўтиладиган товарларни декларациялашга оид янги тартиблар жорий этилди. Жисмоний шахслар томонидан товарларни оғзаки декларациялаш имкониятлари кенгайтирилган бўлиб, бундай декларациялаш жисмоний шахслар томонидан қўл юклари ва багажидан ёзма декларацияланадиган товарлар мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳаракатлар орқали амалга оширилади. Бу билан жисмоний шахслар учун "яшил ва қизил йўлаклар" қонуний аснода белгилаб берилмоқда.

Шунингдек, кодексда божхона назорати шаклини танлашда хавфни бошқариш тизимидан фойдаланиш кўзда тутилган. Бу тизим доимий характерга эга бўлиб, қонунчиликни бузиш ҳоллари, божхона тўловларидан бўйин товлаш билан боғлиқ тез-тез содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган. Хавфни таҳлил қилиш услублари товарлар, транспорт воситалари, ҳужжатлар ва шахслар, шунингдек бундай текширув даражасини аниқлаш учун қўлланилади.

Хавфни бошқариш тизимининг қўлланилиши мақсади, биринчидан, божхона органларининг ваколатлари доирасида давлат хавфсизлигини, инсоннинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини таъминлашга; иккинчидан, юқори хавфга эга бўлган соҳаларга эътиборни жамлаш ва божхона органлари тасарруфидаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланилишини таъминлашга; учинчидан, товарлар божхона чегараси орқали олиб ўтилаётганда божхона операцияларининг ўтказилишини тезлаштириш; тўртинчидан, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг турғун хусусиятга эга бўлган, божхона тўловларини тўлашдан бош тортиш билан боғлиқ бўлган, риоя этилишини таъминлаш божхона органлари зиммасига юклатилган бошқа турдаги божхона назоратига дахлдор бўлган кўринишларини аниқлаш, прогноз қилиш ва уларнинг олдини олишга йўналтирилгандир.

Бугунги кунда Божхона кодексига битта божхона режими сифатида қараб келинган вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими алоҳида вақтинча олиб кириш ва вақтинча олиб чиқиш божхона режимларига ажратилди. Ушбу божхона режимларнинг алоҳида божхона режимлари сифатида белгиланиши уларнинг шартлари, талаблари ва товарларнинг ушбу божхона режимларига жойлаштириш учун тақдим қилинадиган ҳужжатларини алоҳида белгилаш имкониятини яратади. Божхона органларига рухсат берувчи тусдаги ҳужжатни олиш учун ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини камайтириш мазкур тамоилнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бунга божхона органлари билан идоралараро самарали ҳамкорликни қуриш йўли билан эришилади.

Божхона кодексининг янги таҳририда божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини қисқартириш кўзда тутилган бўлиб, жумладан божхона бождари ва солиқларни тўлашдан озод этилган товарлар экспортида божхона қиймати декларациясини тўлдириш бекор қилинди. Булар ўз навбатида экспорт товарлари божхона расмийлаштируви жараёнини соддалаштириш ва тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини қисқартиришга хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, Божхона кодексининг янги таҳрири мамлакатда кичик бизнес ҳамда ташқи фаолият соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитларни яратади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида самарали божхона назоратини таъминлаш, товар айланмасини тартибга солиш, ташқи савдони ривожлантириш ҳамда ички бозорни сифатсиз ва контрафакт маҳсулотлардан ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади.

Нодир ЖУРАЕВ,
Директор Исследовательского центра при Верховном суде
Многоступенчатость судебных инстанций в гражданском
судопроизводстве: теоретико-практические вопросы

МНОГОСТУПЕНЧАТОСТЬ СУДЕБНЫХ ИНСТАНЦИЙ В ГРАЖДАНСКОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ: ТЕОРЕТИКО- ПРАКТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ

◆ *Мақолада судлар томонидан турли босқичларда фуқаролик ишларининг кўрилиши ҳамда уларнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш масалалари муҳокама этилган.*

◆ *В данной статье обсуждено вопросы рассмотрения судами на различных стадиях гражданских дел, а также совершенствования их процессуальных механизмов*

◆ *In the article it is discussed the issues of consideration of the civil cases by courts on the different stages as well as improvement of their proceeding mechanisms*

Таянч сўзлар: фуқаролик суди, инстанция, шикоят, қарор, кодекс.

Ключевые слова: гражданский суд, инстанция, жалоба, постановление, кодекс.

Key words: Civil judge, instance, complaint, resolution, code.

С обретением независимости, Узбекистан выбрал путь построения демократического правового государства и сильного гражданского общества с социально ориентированной рыночной экономикой. Основу "узбекской модели" развития и масштабного реформирования всех сторон общественной жизни составляют пять принципов, сформулированных Президентом Узбекистана И.Каримовым, среди которых особое место занимает принцип верховенства закона. "Верховенство закона — основополагающий принцип правового государства. Он предполагает установление безраздельного господства закона во всех сферах жизни"¹.

Верховенство закона как принцип демократического строительства суверенного Узбекистана закреплено в статье 15 Конституции Республики Узбекистан, а также в ряде других законов, касающихся судебной-правовой сферы.

В широком смысле принцип верховенства закона предусматривает деятельность законной и справедливой системы правосудия. При возникновении спора касательно права, окончательное решение по спору должно быть вынесено судом. Помимо этого, Конституция Республики

Узбекистан закрепляет право граждан на обжалование в судебном порядке действий, решений, нарушающих их права. Порядок деятельности судов закреплен в процессуальных кодексах, которые способствуют реализации прав граждан на правосудие.

Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан (ГПК) предусматривает судопроизводство в 4-х инстанциях, при этом судом первой инстанции, как правило, являются межрайонные (районные) суды. Основной инстанцией судопроизводства является первая инстанция, с которой начинается подача заявления (иска), изучение дела по существу и вынесение решения. Из смысла ГПК, остальные судебные инстанции относятся к контрольным инстанциям, осуществляющим проверку законности, обоснованности и справедливости судебных постановлений.

К контрольным судебным инстанциям ГПК относит апелляционную, кассационную и надзорную инстанции. Контрольные инстанции могут отменить судебное постановление, вынесенное нижестоящей инстанцией, по основаниям, предусмотренным в статье 312 ГПК. Таким обра-

зом, прослеживается, что законодатель установил общие для всех контрольных инстанций критерии, служащие основанием для пересмотра постановления суда нижестоящей инстанции.

Многоступенчатость судебных инстанций в процессуальной судебной системе Узбекистана имеет свои особенности. В отличие от правовых систем общего права и континентального права западноевропейского образца, рассмотрение дела в апелляционной и кассационной инстанции не возможно в порядке последовательности. Так, дело, рассмотренное в суде первой инстанции, в случае обжалования постановления суда может быть рассмотрено либо в апелляционной инстанции, если жалоба подана не позднее дня вступления в силу постановления суда первой инстанции, или в кассационной инстанции, если жалоба подается после вступления в силу постановления суда первой инстанции.

Последней инстанцией является надзорная инстанция, но в то же время следует отметить, что имеются 4 судебных органов, обладающих полномочием рассмотреть дела в качестве надзорной инстанции. Так, в порядке надзора, дела могут рассмотреть президиум областного суда по гражданским делам, судебная коллегия по гражданским делам Верховного суда, Президиум Верховного суда, Пленум Верховного суда. Полномочия этих надзорных судебных органов вытекают из Закона "О судах" и ГПК. Законодательство допускает возможность рассмотрения одного и того же дела в надзорном порядке всеми перечисленными надзорными судебными органами и в судебной практике имеются случаи рассмотрения одного спора многократно, разными надзорными инстанциями.

Решение президиума областного суда по гражданским делам по делу, рассмотренному в порядке надзора, может быть опротестовано заместителем генерального прокурора или заместителем Верховного суда. В этом случае дело рассматривается в порядке надзора в судебной коллегии по гражданским делам Верховного суда. При принесении протеста, решение судебной коллегии Верховного суда может быть пересмотрено Президиумом Верховного суда, далее, на основе протестов дело может дойти до рассмотрения в порядке надзора и в Пленуме Верховного суда, который является последней и окончательной инстанцией.

Срок, в течение которого можно обжаловать постановление суда в апелляционной и кассационной инстанции, составляет соответственно 20 дней и 1 год, для надзорной инстанции

данный срок составляет 3 года.

Многоступенчатая система судебных инстанций по замыслу законодателя призвана обеспечить право граждан на законное и справедливое судебное разбирательство путем предоставления возможности перепроверять решения судов нижестоящих инстанций.

Хотя Конституция и закон "О судах" устанавливает принцип независимости судей, внутри судебной системы допускается и осуществляется судебный контроль и надзор за деятельностью нижестоящих судов.

Так, в Конституции и ГПК предусмотрено полномочие вышестоящих судов по надзору за судебной деятельностью нижестоящих судов по иерархической последовательности. Хотя законодательство конкретно не перечисляет подробный механизм надзора за судебной деятельностью нижестоящих судов, но общий анализ норм закона "О судах" и процессуального законодательства позволяет выделить следующие формы надзора, осуществляемого вышестоящими судами:

1) прием граждан и рассмотрение их жалоб на судебные постановления, по итогам которого решается вопрос внесения протеста в порядке надзора;

2) осуществление Верховным судом Республики Узбекистан контроля за выполнением судами разъяснений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан;

3) заслушивание Пленумом Верховного суда докладов о деятельности судебных коллегий Верховного суда Республики Узбекистан, а также докладов председателей верховных судов Республики Каракалпакстан, областных и Ташкентских городских судов, Военного суда Республики Узбекистан о практике применения законодательства, а также о выполнении разъяснений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан по вопросам применения законодательства;

4) заслушивание на президиуме областных и приравненных к ним судов докладов о деятельности судебных коллегий, докладов председателей межрайонных, районных (городских) судов о деятельности этих судов и о практике применения законодательства.

Отдельное внимание хотелось уделить такой форме судебного надзора как прием граждан и рассмотрение их жалоб на вступившие в законную силу судебные постановления. Данная процедура в процессуальном законодательстве подробно не регламентирована, а вытекает из полномочий председателей Верховного суда, областных судов и их заместителей по личному

приему граждан, закрепленных в Законе "О судах". Анализ норм закона "О судах" показывает, что он содержит специальные процессуальные нормы, которые отсутствуют в процессуальных кодексах. Формально, ГПК предусматривает возможность рассмотрения дела только в 3-х инстанциях, и последней инстанцией является надзорная инстанция. При этом, ГПК не содержит конкретное правило, ограничивающее возможность повторной проверки решения надзорной инстанции суда. Нормы закона "О судах" и статья 354 ГПК, наоборот, допускают повторную проверку решения надзорной инстанции, пока дело не будет рассмотрено на Пленуме Верховного суда (или Высшего хозяйственного суда, если дело относится к компетенции хозяйственных судов), который является окончательной инстанцией.

На наш взгляд, такое положение дел в определенном смысле не способствует повышению и укреплению авторитета судебной власти, а также может побуждать недобросовестную сторону судебного разбирательства бесконечно тянуть процесс с целью избежания исполнения неблагоприятного для нее судебного решения. Еще одним обстоятельством, показывающим на несоответствие многоступенчатой системы надзорной инстанции целям и задачам, поставленным перед судебной властью, является затруднительность поворота исполнения судебного постановления, если промежуток времени между моментом вступления в юридическую силу первоначального судебного решения и решения суда надзорной инстанции, отменившего первоначальное решение, составляет значительное время. Особенно, по таким вопросам, как установление отцовства, определение ребенка для передачи на попечение одного из родителей, отмена вступившего в силу и исполненного первоначального решения суда и поворот исполнения может иметь негативные последствия для лиц, права и обязанности которых затронуты решением суда.

В гражданском процессе стабильность судебных решений, особенно по спорам, где затрагиваются неимущественные личные права, послужит с одной стороны, повышению авторитета судебной власти, с другой стороны вносит определенность и уверенность в общественных правоотношениях.

Еще в Древнем Риме юристами был разработан и введен в римское право принцип "res iudicata pro veritate habetur", что означало обязательную силу и окончательности решения суда по представленному в суд спору. Термин res

iudicata в настоящее время широко применяется теоретиками для обозначения принципа правовой определенности, который вытекает из смысла верховенства права, закрепленного во многих источниках международного права.

По мнению Л.А.Тереховой, правовая определенность предполагает уважение принципа *res iudicata*, т.е. принципа недопустимости повторного рассмотрения однажды решенного дела. Принцип закрепляет, что ни одна из сторон не может требовать пересмотра окончательного и вступившего в законную силу постановления только в целях проведения повторного слушания и получения нового постановления. Полномочие вышестоящего суда по пересмотру дела должно осуществляться в целях исправления судебных ошибок, неправильного отправления правосудия, но не пересмотра по существу. Пересмотр не может считаться скрытой формой обжалования, в то время как лишь возможное наличие двух точек зрения по одному вопросу не может являться основанием для пересмотра. Отступления от этого принципа оправданы только тогда, когда являются обязательными в силу обстоятельств существенного и непреодолимого характера. Недопустимо, чтобы окончательное, имеющее обязательную юридическую силу судебное постановление являлось бы недействующим в ущерб одной из сторон².

Рассуждая многоступенчатость надзорной инстанции, для проведения сравнительно-правового анализа, хотелось бы рассмотреть опыт зарубежных стран по данному вопросу.

Изучение гражданских процессуальных кодексов зарубежных стран показывает, что надзорное производство присуще в основном для стран СНГ, правовые системы которых были созданы взамен ранее существовавших институтов советского права. В процессуальном законодательстве ФРГ, Франции, Австрии, Италии, Японии, Кореи отсутствует надзорная судебная инстанция, и вообще полномочие вышестоящих судов по надзору за деятельностью нижестоящих судов. В этих странах, пересмотр судебных решений возможен только в порядке апелляции или кассации, а также по вновь открытым обстоятельствам. При этом, если в ходе апелляционного рассмотрения разрешается представить суду новых фактов и доказательств, а также допускается их оценка судом, тогда как в кассационной инстанции может быть рассмотрена только правовая сторона вопроса, т.е. вопрос интерпретации норм закона.

В 90-е и в начале 2000 годов во всех странах СНГ гражданское процессуальное законо-

дательство предусматривало надзорную инстанцию. В последние годы в РФ и Казахстане была пересмотрена надзорная инстанция с целью оптимизации гражданского судопроизводства, а также исходя из требований Европейской конвенции по правам человека и решений Европейского суда по правам человека.

Изменениями в Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации, вступившими в силу 1 января 2012 года, существенно модернизирована надзорная судебная инстанция. Эти изменения, по мнению российских ученых, были обусловлены с рекомендациями Европейского суда по правам человека, в частности, необходимостью усиления принципа правовой определенности³. Нововведения предусматривают возможность подачи надзорной жалобы в отношении вступившего в законную силу судебного постановления лицами, участвующими в деле, и другими лицами, если их права, свободы и законные интересы были нарушены этими судебными постановлениями. Единственной судебной инстанцией, имеющей полномочие по рассмотрению дела в качестве надзорной инстанции, определен Президиум Верховного суда Российской Федерации, решения которого имеют окончательную силу и не подлежат обжалованию⁴.

В пути реформирования многоступенчатости судебных инстанций Казахстан пошел еще дальше, полностью исключив из гражданского процесса надзорную инстанцию. В новом Гражданском процессуальном кодексе Казахстана, введенного в действие с 1 января 2016 года, исключена надзорная инстанция и внедрена трехзвенная система судебных инстанций, которая состоит из первой, апелляционной и кассационной инстанций⁵.

Последней инстанцией определен Верховный суд, который в кассационном порядке рассматривает дела по представлению председателя Верховного суда Казахстан или протеста Генерального прокурора Казахстан.

Рассуждая о надзорном производстве в гражданском процессе, необходимо учесть, что, как правило, гражданские суды разрешают споры о праве, возникающие между равноправными сторонами. Каждая из сторон стремится защищать свои интересы и представлять аргументы в пользу своей позиции. В надзорном производстве пересматривается вступившее в законную силу, может быть, уже исполненное решение суда на предмет законности, обоснованности и справедливости.

Категории законность, обоснованность и

справедливость носят больше всего абстрактный, теоретический характер, и в каждом определенном случае эти качества определяются в индивидуальном порядке.

Законность в то же время является универсальным принципом, применяемым во многих отраслях права, законодательных актах. Общее теоретическое значение законности предполагает соответствие нормам законодательства поведения субъекта правоотношения. В общем виде законность закреплена в статье 15 Конституции Узбекистан, где установлено, что государство, его органы, должностные лица, граждане действуют в соответствии с Конституцией и законами.

В теории гражданского процессуального права принцип законности предполагает выполнение судом и всеми участниками процесса требований как материального права, так процессуального закона. Эти требования вытекают из статей 7, 34 и 36 ГПК, в которых установлены обязанности по соблюдению требований законов.

В отношении суда принцип законности предполагает соответствие судебных актов и процессуальных действий суда требованиям закона, как материального, так и процессуального. Из этого можно сделать вывод, что при проверке судебного постановления на предмет их законности, вышестоящий суд проверят также обоснованность и справедливость судебного акта, поскольку процессуальный закон вменяет в обязанности суда вынести обоснованное и справедливое решение.

Широкое понимание принципа законности требует критический подход к возможным обстоятельствам, при которых вступившие в законную силу судебные акты могут быть пересмотрены в порядке надзора, результатом чего может стать отмена или изменение первоначального судебного постановления. Сторона гражданско-правового спора, в пользу которого состоялось решение суда первой инстанции, после вступления в силу судебного решения и истечения срока кассационного обжалования, справедливо будет предполагать стабильность судебного решения и строить свое дальнейшее поведение с учетом этого. Такая позиция еще может объясняться уважением и доверием к государственной власти в лице судебного органа.

В этом контексте, уважение и доверие к судебной власти означает наличие и развитие в обществе высокого уровня правосознания, как того требует необходимость создания правового

демократического государства и формирования гражданского общества. Ведь, "выбор нами демократического пути развития требует, прежде всего, изменения сознания и мышления наших людей, отказа от пережитков и стереотипов прежней, тоталитарной системы не на словах, а на деле, в нашей повседневной жизни. Конечно, это не легкая работа, которую можно проделать за один день, — для ее выполнения необходимо время, и каждый человек, который мечтает построить новую жизнь в своей стране, должен стремиться к этому всей душой"⁶.

Из вышеизложенного можно сделать вывод о том, что в процессе формирования и развития в нашей стране правового демократического государства нам предстоит еще раз критически проанализировать существующую в гражданском процессе многоступенчатную надзорную инстанцию с точки зрения соблюдения прав и законных интересов обеих сторон спора, а также в целях повышения авторитета судебной власти, укрепления доверия к суду, и самое главное, повсеместного внедрения и развития принципа правовой определенности.



¹ И.Каримов. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. Т-1, Т., "Узбекистон", 1996 г. ст.305

² Терехова Л.А. Система пересмотра судебных решений в ГПК РФ // Вестник гражданского процесса. 2012. №3. С. 30-31

³ <http://justicemaker.ru/view-article.php?id=3&art=2719>

⁴ О внесении изменений в Гражданский процессуальный кодекс РФ: Федеральный закон от 9 декабря 2010 г. № 353-ФЗ // Собрание законодательства РФ. 2010. № 50. Ст. 6611.

⁵ http://online.zakon.kz/Kocument/?doc_id=34329053

⁶ <https://www.gazeta.uz/2015/12/05/justice/> /из выступления Президента Узбекистана И.Каримова на торжественном собрании, посвященном 23-й годовщине Конституции страны/

Илҳом ТУРПУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш
бошқармаси бошлиғи, подполковник

ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

- ✦ Мазкур мақолада мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар ички ишлар идоралари ходимларида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш масаласига ҳам алоқадор эканлиги илмий асослаб берилган.
- ✦ Данная статья раскрывает основы проводимой в стране правовой реформы, а также научное обоснование взаимосвязи с формированием культуры прав человека у сотрудников органов внутренних дел.
- ✦ This article covers the basics ongoing national legal reform, as well as the scientific basis relationship with the formation of a human rights culture among internal affairs officers.

Таянч сўзлар: ҳуқуқий ислоҳот, ҳуқуқий тизим, инсон ҳуқуқлари маданияти, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ички ишлар идоралари, ҳуқуқий тарғибот, қонунчилик тарғиботи.

Ключевые слова: Правовая реформа, правовая система, культура прав человека, правовые знания, правовая культура, органы внутренних дел, правовая пропаганда, законодательная пропаганда.

Key words: legal reform, legal system, culture of human rights, legal knowledge, legal culture, police, legal propaganda.

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шунингдек мамлакат ҳуқуқий тизимида кенг қамровли ислоҳотлар изчиллик билан давом этмоқда. Ҳуқуқий ислоҳотлар тушунчаси замирида жамият ҳуқуқий тизимини комплекс ислоҳ этиш, уни маърифий дунё кадриятлари ва халқаро миқёсда умум-этироф этилган принциплар асосида демократик тарзда янгилаш назарда тутилади. Ҳуқуқий ислоҳотлар борасида амалга оширилган ишлар алоҳида таҳлил ва тавсифни талаб этади.

Ҳуқуқий ислоҳотлар авваламбор, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий сиёсатининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб амалга оширилиши зарур. Профессор З.М.Исломов таъкидлаганидек, бундай устуворликлар сирасига ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш,

инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, қонун ижодкорлигининг узоқ муддатли стратегияси (концепцияси)ни ишлаб чиқиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини, ҳуқуқий тартибга солиш механизминини такомиллаштириш, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш, мамлакатимизда амалга ошириладиган ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш, ҳуқуқий ниғилизмни бартараф этиш кабиларни киритиш мумкин¹.

Хўш, ҳуқуқий ниғилизм нима? У қачон юзага келади? Унинг салбий оқибатлари нималарни келтириб чиқаради? — деган саволлар асрлар мобайнида кўпчиликни ўйлантириб келмоқда.

Юридик энциклопедияларда изоҳ берилишича, ҳуқуқий ниғилизм — ижтимоий онгнинг элементи бўлиб, эътиборсизлик ва ҳуқуқ субъект(лар)ининг (шу жумладан, давлат органлари ман-

сабдор шахсларининг) амалдаги нормаларни менсимаслиги, уларга нисбатан ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш ёки инкор қилишда намоён бўлади².

Бундай ижтимоий онгнинг элементи бўлиб, фуқаролар ва давлат органлари мансабдор шахслари томонидан ҳуқуққа, қонунга, қонунчиликка, давлат ва унинг тизимига бўлган эътиборсизлик, ишончсизлик ёки эҳтиётсизлик каби кўринишларда намоён бўладиган муносабатлардир.

Ижтимоий муносабатларда ҳуқуқни очикдан-очик инкор қилиш ҳуқуқий нигилизмнинг фаол кўриниши бўлса, жамият аъзолари томонидан амалдаги ҳуқуқ нормаларини менсимаслик унинг сушт кўриниши ҳисобланади.

Айниқса, бу нарса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларида авж олса, у янада хавфли тусга киради. Бу тарзда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қуйидаги фикрларини билдириб ўтди: "Қадимги дунёнинг буюк донишмандлари "Нимаки қонуний бўлса, у — адолатлидир", деб таъкидлаганлари бежиз эмас. Улар шу тариқа айнан қонун адолат манбаи ва мезони эканини уқтирганлар, десак, ҳар томонлама ўринли бўлади.

Ва аксинча, агар қонун бажарилмаса, қонунда бир нарса ёзилиб, ҳаётда ҳаммаси бошқача бўлса, одамларнинг Конституциямиз ва қонунларимизда муҳрлаб қўйилган адолат ва демократия нормаларига нисбатан ҳар қандай ишончи йўқолади. Бундай ҳолат барчамизга аён. Қонун ва қонун устуворлиги бўлмаган жойда аввало унинг ўрнини коррупция деган бало эгаллайди"³.

Шу сабабли ҳам Президентимиз: "... барча тузилмалар, аввало, мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қонунларни ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш бўйича жавобгарлигини кучайтириш зарур. Бунда қонунни бажармаслик билан боғлиқ ҳар бир конкрет ҳолат бўйича аниқ жазо турлари, ҳуқуқий таъсир чоралари кўзда тутилиши керак"лигини таклиф этади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг янада чуқурлаштирилишини тақозо этади.

"Ҳуқуқий ислохотлар" ибораси замирида эса жамият ҳуқуқий тизимини ислох этиш, уни маърифий дунё кадриятлари ва умумэтироф этилган тамойиллар асосида демократик тарзда ян-

гилаш ҳамда такомиллаштириб бориш тушунилади⁴.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохот ва модернизация жараёнлари барча жабҳалар каби ҳуқуқий соҳага ҳам собитқадамлик билан жорий этилмоқда. Чунки, ҳуқуқий демократик давлатда эътибор кўпроқ ҳуқуқнинг ривожига, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятига қаратилади. Зеро, ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири — бу ҳуқуқнинг устуворлиги ҳисобланади.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барқарор тараққиётга замин яратувчи, фаол ҳаракатда бўлган, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла-тўқис рўёбга чиқарувчи ҳамда уларга хизмат қиладиган ҳуқуқий тизимга таянади. Бундай ҳуқуқий тизимни жорий этиш бугунги кундаги асосий устувор масалалардан биридир. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, мамлакатни модернизациялаш билан боғлиқ жараёнлар миллий ҳуқуқий тизимни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ҳуқуқий ҳаётдаги воқеликларни, жараёнларни, институтларни ўзида тўлалигича қамраб олувчи ҳуқуқий тизим — модернизация шароитида ислохотларнинг асосий объектига айланади. Ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни, ҳуқуқ манбалари, норматив-ҳуқуқий актлар тизими, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий тартибга солиш механизми, юридик муассасалар тизими, юридик амалиёт, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий мафкура каби ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмлари бир бутун механизм сифатида модернизация қилинмоқда⁵.

Инсон ҳуқуқларини изчил муҳофаза этишнинг самарали механизм ва кафолатларини вужудга келтирмай туриб, мамлакатда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш мумкин эмас. Жамиятни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг долзарб масалалардан бири қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий тизимни изчил эркинлаштириш ва инсонпарварлаштиришдан иборатдир.

Маълумки, ҳар қандай бузилган ҳуқуқ ва эркинликлар борасида ҳеч бир монеликсиз судга мурожаат этиш ҳуқуқи 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ўз ифодасини топган. Халқаро-ҳуқуқий нормаларга асосланган ҳолда ҳуқуқий ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини, хусусан, жинсий жазоларни либераллаштириш, жиноятлар тас-

нифини ўзгартириш, ярашув институтини жорий этиш, ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш таомилини киритишга доир қонунчилик ҳужжатлари яратилиб, тизимли такомиллашиб бораётгани алоҳида эътиборга моликдир.

Шунингдек, жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича биринчи марта ҳуқуқий тажриба амалга оширилди. Хорижий экспертларнинг фикрига кўра, ноёб хусусиятга эга бўлган ушбу тажриба сифатли, ҳаётнинг бугунги талабларига жавоб берадиган қонунчилик ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилишнинг замонавий усулларини синов кўриш имконини берди⁶.

Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан 2013 йилнинг март-декабрь ойларида Самарқанд ва Бухоро вилоятларида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси синови ўтказилган эксперимент жараёнида давлат бошқаруви органларига фуқаролар, нодавлат ноtijорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари томонидан Самарқанд вилояти бўйича — 2836 та, Бухоро вилояти бўйича — 1513 та сўров келиб тушган бўлиб, уларнинг 91 фоизи қаноатлантирилган. Бу давлат идоралари фаолияти ҳақида ахборот олувчиларнинг салмоғи кескин ортганини кўрсатади. Синов ўтказиш даври мобайнида лойиҳани такомиллаштириш юзасидан 700 га яқин фикр, таклиф ва тавсиялар келиб тушган. Ҳуқуқий эксперимент туфайли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун лойиҳасида белгиланган очиқлик режимида фаолият кўрсатишига доир нормалар, тартиб-қоидалар синов, текшириб олинди. Аynикса, давлат бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолияти сезиларли даражада такомиллашди⁷.

Кенг миқёсда ўтказилган ҳуқуқий тажриба якунлари асосида қабул қилинган, халқаро экспертлар ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотган ва юксак баҳоланган Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонунининг амалиётга жорий этилганлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзлари қабул қилаётган қарорлар сифати учун масъулиятини оширишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ислохотларда давлатнинг роли, унинг бош ислохотчилик

хусусиятлари ҳақида фикр юритар эканмиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг: «...ушбу сермазмун ишларни амалга оширишда давлатнинг, давлат органларининг ва энг асосийси, давлат механизмининг тутган ўрни бекиёсдир»⁸, деган фикрлари нақадар тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Ҳуқуқий модернизациянинг муҳим таркибий қисми инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш механизмларини такомиллаштиришдир. "Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар", деган конституциявий қоида айнан давлат идоралари ва лавозимли, муайян ҳокимият ваколатларига эга бўлган шахслар томонидан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш фаолиятини, уларни муҳофаза этиш билан боғлиқ бурчларини англади⁹.

Ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда барча давлат органлари қатори ички ишлар органлари ҳам асосий субъектлардан бири сифатида намоён бўлади. Шунингдек, ҳуқуқий ислохотлар ички ишлар органларининг бевосита ўзида ҳам кузатилаётганини кўришимиз мумкин. Бу ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини ишончли ҳимоя қила оладиган, жамоат тартиби ва хавфсизлигининг кафили бўлмиш тинчлик посбонларини шакллантиришдан иборатдир.

Мазмун ва моҳияти бўйича бутунлай янгидан ташкил этилган милиция таянч пунктларини ҳақиқатан ҳам ҳар қачон ва ҳар қандай ҳолатда кўмакка муҳтож фуқароларга амалий ёрдам кўрсатадиган, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қиладиган, вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил эта оладиган, ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари ва аҳоли билан узвий ҳамкорликда фаолият юритишига барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган масканга айлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 май кундаги қарори талабларига асосан профилактика инспекторлари билан ўзини ўзи бошқариш органлари, улар ҳузуридаги жамоат тузилмалари бир бинода, яъни милиция таянч пункти биносида фаолият кўрсатишлари йўлга қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 июлдаги қарори билан вазирлик Академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курс, Тошкент, Олмалик, Самарқанд ва Фарғона шаҳарлари-

да Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакаси ошириш марказларининг ташкил этилиши бевосита фуқаролар билан ишловчи ички ишлар органларининг сафдор ва сержант ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини мунтазам равишда ошириб боришларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Юқоридаги ислохотлар баробарида, бевосита ички ишлар идоралари ходимларининг инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш йўлида ҳам талайгина ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2008 йил 12 сентябрда Ички ишлар вазирлигида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ҳамда ҳудудий ички ишлар идораларида мазкур бошқарманинг бўлим ва бўлинмалари ташкил қилиниб, улар зиммасига ички ишлар идораларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бир қатор вазифалар юкланди.

Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи миллий институтлар ўртасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Бош прокуратура ҳамда Адлия вазирлиги ўртасида "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида"ги битимлар ҳамда Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида меморандумлар тузилди. Тузилган битим ва меморандумлар доирасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан биргаликда мониторинглар ўтказиш; фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятлари бўйича биргаликда текширувлар ўтказиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уларга риоя этиш соҳасидаги вазиятни таҳлил этиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ахборот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари бўйича амалдаги қонунчилик ижроси юзасидан амалиёт самарадорлигини ошириш бўйича доимий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси

томонидан ратификация қилинган ва мамлакатимиз қўшилган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро конвенция, пакт, битим ва шартномаларнинг ижроси ва уларни ички ишлар идоралари фаолиятида татбиқ этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақидаги таҳлилий маълумотлар Ўзбекистоннинг миллий маърузаларига киритиш учун Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Адлия, Ташқи ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Хотин қизлар қўмитаси ва бошқа манфаатдор идораларга юбориш ишлари амалга оширила бошланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2012 йил 23 июлдаги "Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида 2012 йил 4 апрелда Ички ишлар вазирлигида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари тизимида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги фармойишда аҳоли ва ходимларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини ошириш ва қонунчиликни мустаҳкамлашга, фуқароларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишга, уни ўргатишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланди.

Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан аҳоли ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданиятини мунтазам равишда ошириб бориш ишларини тизимли такомиллаштириш мақсадида 2014 йилда Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси таркибида қонунчилик тарғиботи бўлими ташкил этилди.

Ички ишлар идораларида амалга оширилган ҳуқуқий ислохотларнинг бош мезони ҳам инсон омили бўлиб, бу аввало ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган бўлса, иккинчи бир томондан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш орқали ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат — деган хулосага келиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги

қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида: "Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир"¹⁰, деб таъкидлаган эдилар.

Ҳуқуқий ислохотлар бутун ҳуқуқий тизимда амалга оширилади. Ички ишлар идоралари ҳам ҳуқуқий тизимнинг муҳим элементи сифатида шу жараёнларнинг марказида намоён бўлиб келмоқда. Ҳуқуқий ислохотлар жазолар тизи-

мининг либераллашишида бўладими, ташкилий бирликларни ўзгартиришда бўладими буларнинг барчаси, энг аввало, инсон омили билан боғлиқ эканини тасаввур этиш қийин эмас, албатта. Таҳлилий маълумотлардан кўринадики, ички ишлар идораларидаги ислохотлар дастлаб уларнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларда намоён бўлишини кўрсатмоқда. Юқорида қайд этиб ўтилган ўзгаришлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда ҳамда ички ишлар идоралари ходимларида инсон ҳуқуқлари маданиятини ҳар томонлама шакллантиришга бирламчи мезон сифатида қараб келинмоқда.



¹ Исламов З. М. К вопросу о формировании правовой политики независимого Узбекистана // Хуқуқ-Право-Law. - 2003. - № 3. - С. 6-10.

² Ўзбекистон юридик энциклопедияси. - Тошкент, 2010. - Б. 652.

³ Каримов И.А. Асосий вазифамиз - жамиятимизни ислох этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат // Халқ сўзи. № 236 (6416) 2015 йил 6 декабрь

⁴ Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик. Қайта ишланган 2-нашр / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулъетев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. ? Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. - Б.416.

⁵ Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадрлар. Монография. -Т.:SMI-ASIA, 2010. - Б. 72-72.

⁶ Президент Ислам Каримовнинг 2015 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси.

⁷ "Инсон ва қонун", 2014 йил 4 февраль.

⁸ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. -Т., 2005. - 40-б.

⁹ Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадрлар. Монография. -Т.:SMI-ASIA, 2010. - Б. 73.

¹⁰ Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Тошкент, 2010. - Б. 27.

Аброржон ОТАЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси бошлигининг ўринбосари, юридик
фанлари номзоди, доцент.

АМАЛГА ОШМАГАН ИШТИРОКЧИЛИК: ЖАВОБГАРЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ

◆ Мақолада амалга ошмаган иштирокчилик ҳолатида бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчининг жавобгарлиги масалалари таҳлил қилинган ҳамда бу борадаги қонунчилик нормаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

◆ В статье проанализированы вопросы ответственности исполнителя, организатора, подстрекателя и пособника при неудавшемся соучастии, а также сформулированы предложения по совершенствованию соответствующих законодательных норм.

◆ The article deals with the analysis of questions related to liability of the committer, head, instigator and helpmate in failed complicity, and reflects the author's proposals on improvement of respective legislative regulations.

Таянч сўзлар: бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи, амалга ошмаган иштирокчилик.

Ключевые слова: неоконченное соучастие, неудавшееся соучастие, исполнитель, организатор, подстрекатель, пособник.

Key words: committer, head, instigator, helpmate, failed complicity.

Жиноят иштирокчиларининг мустақил жавобгарлиги принципи ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчининг жавобгарлиги бажарувчи содир этган жиноят бўйича келиб чиқиши шартлигини англаб билиш, чунки Жиноят кодексининг XII боби ёки бошқа моддаларида назарда тутилган қоидалар жиноятнинг барча иштирокчиларига нисбатан ҳам татбиқ этилишини инкор этмайди. Шунинг учун жиноят содир этилиши жараёнида бирор иштирокчининг қилмиши кам аҳамиятли деб топилса ёки у қилмишнинг жиноийлигини истисно этса, бундай иштирокчи қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Аммо бажарувчининг жиноий жавобгарликдан озод қилиниши жиноятнинг бошқа иштирокчиларини ҳам жавобгарликдан озод қилиш лозимлигини англаб билиш керак. Масалан, бажарувчи, ташкилотчи томонидан ташкиллаштирилган ёки далолатчи томонидан далолат қилинган жиноят содир этилмаса ёки бажарувчи уни содир этишга рози бўла туриб, кейинчалик жиноят содир этишдан ихтиёрий равишда қайтса

ёхуд бошқа сабабларга кўра (вафот этиши, оғир касалга чалиниши, ақли норасолиги, енгиб бўлмас куч оқибатида ва ҳ.к.) жиноят содир этилмаса, бажарувчини жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқиши мумкин. Аммо бундай ҳолатда ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчиларнинг жавобгарлиги масаласи кўриб чиқиши керак. Чунки, уларнинг субъектив муносабати билан қамраб олинган жиноят оқибати уларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра келиб чиқмайди. Зеро, бажарувчи ҳеч қандай тўсиқларсиз жиноятни охирига етказганида бу жиноят содир этилган бўларди.

Мазкур вазият эса, ўз навбатида, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчиларнинг жавобгарлигини қандай тартибда белгилаш муаммосини юзага келтиради. Адабиётларда учраб турадиган жиноят бўлмаса, жавобгарлик ҳам бўлмайди¹, деган фикр бу масалага аниқлик киритишни талаб этади. Кўриб турганимиздек, бундай вазиятларда жиноятнинг иштирокчилиги содир этилиши кузатиб билинади. Бироқ, Ўзбекистоннинг амал-

даги жиноят қонунчилиги амалга ошмаган иштирокчиликни жиноятда иштирокчилик институти доирасида ҳуқуқий тартибга солинмаган. Шу нуқтаи назардан қараганда, кўриб чиқиладиган масаланинг амалдаги ҳолати ва уларни такомиллаштириш истиқболларини таҳлил қилиш долзарб вазифа ҳисобланади. Сабаби, амалга ошмаган иштирокчилик ҳолатида бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчиларнинг жавобгарлик доирасини аниқлаш бу борада ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалардан саналади. Гарчи амалга ошмаган иштирокчилик ё жиноят иштирокчиларининг содир этилиши келишилган жиноятни ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказмаганликларида ё бажарувчи (ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи) содир этилиши келишилган жиноятдан ихтиёрий равишда қайтганида юз беради.

Юридик адабиётларда "туғалланмаган иштирокчилик"² ва "амалга ошмаган иштирокчилик"³ ибораларини учратиш мумкин. Айти пайтда иштирокчиликда содир этилиши керак бўлган жиноятнинг у ёки бу сабабларга кўра амалга ошмаганлиги унда қатнашган шахсларнинг жавобгарлигини белгилашда муайян қийинчиликларни юзага келтиради. Жиноятда иштирокчилик амалга ошмаган ҳолатда бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчининг жавобгарлигини белгилаш масаласи юридик адабиётларда турлича ҳал қилинади. Масалан, айрим муаллифлар жиноят содир этилишида ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчининг қилмиши ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра амалга ошмаганида, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчининг жавобгарлиги бажарувчининг жавобгарлигига боғлиқ ҳолда (иштирокчиликнинг аксессуар принципи бўйича) кўриб чиқилиши зарурлигини таъкидлайдилар⁴. Уларнинг назарида, агар бажарувчи жиноятдан ихтиёрий қайтса ёки бошқа иштирокчилар билан режалаштирилган жиноятни амалга оширгунига қадар вафот этган бўлса ёхуд жиноятни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир эта олмаса, қолган иштирокчилар ҳам жавобгарликка тортилмасликлари лозим. Айти вақтда, бошқа муаллифлар иштирокчилик амалга ошмаса, ташкилотчи ёки далолатчининг жавобгарлиги жиноятни уюштиришга ёки унга далолат қилишга суиқасд қилиш бўйича келиб чиқишини, ёрдамчининг жавобгарлиги эса бундай ҳолда умумий асосларга кўра ҳал қилинишини таъкидлайдилар⁵. Бошқа бир гуруҳ муаллифлар фикрича эса, амалга ошмаган иштирокчиликда ҳар бир айбдор ўз айби билан қамраб олинган жиноят бўйича жавобгарликка тортилиши, шу боис бажарувчи келишилган жиноятни содир этмаса ёки охирига етказа-

маган бўлса, қолган иштирокчилар жиноятга тайёргарлик кўрганлик ёки суиқасд қилганлик учун жавобгарликка тортиладилар⁶. Жумладан, А.С.Якубов амалга ошмаган иштирокчилик ҳолатида ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчининг хатти-ҳаракатини жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш сифатида баҳоланиб, Жиноят кодексининг 25-моддаси биринчи ёки иккинчи қисмига биноан ҳамда Жиноят кодекси Махсус қисмининг содир этилмай қолган қилмиш учун жавобгарликни назарда тутувчи моддасига мувофиқ квалификация қилиш зарурлигини таъкидлайди⁷.

Айти пайтда суд амалиётида амалга ошмаган иштирокчиликка Жиноят кодексининг 25-моддасида белгиланган қоидалардан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий баҳо берилмоқда. Ҳолбуки, амалга ошмаган иштирокчиликка доир ўрганилган деярли барча жиноят иши материаллари бўйича Жиноят кодексининг 25-моддаси қўлланилган. Аммо ҳозирги жиноят қонунчилигида амалга ошмаган иштирокчилик учун жавобгарлик белгилаш тартиби назарда тутилмаган. Айти шу ҳолатни ангалаган ҳолда жиноятда иштирокчиликнинг амалга ошмаслиги ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жавобгарлик асосларини белгиловчи норманинг қайси асосларга кўра жиноятда иштирокчилик амалга ошмаганида улар жавобгар бўлишларини мазкур норма билан белгилаб бўлмаслигига аниқлик киритиш талаб этилади. Шу нуқтаи назарга таянган ҳолда, Жиноят кодексининг 25-моддасида белгиланган қоидаларни таҳлил қилсак, қуйидаги асосларга кўра ушбу норма амалга ошмаган иштирокчиликни юридик жиҳатдан қамраб олмаслигини кўришимиз мумкин:

биринчидан, шахснинг жиноят содир этишга қасддан шароит яратувчи қилмиши, жиноят содир этиш қуроли ёки воситаларини излаш, тайёрлаш, мослаштириш, жинорий шерикларни топиш, тил бириктириш ёки келишув ва жиноят содир этишга шароит яратувчи бошқа ҳаракатларда⁸ (жиноят содир этиш режаларининг ишлаб чиқилишида⁹) ифодаланади. Шундан келиб чиқилса, жиноятга тайёргарлик кўриш, авваламбор, алоҳида шахснинг иштирокчиликда жиноят содир этиш учун ўзига шерик танлаши ва жиноятни биргалашиб содир этиш мақсадида бошқа шахсни ҳар қандай усулда жиноят содир этишга ёллашини назарда тутати. Амалга ошмаган иштирокчилик эса жиноят иштирокчилари жиноятни ҳамкорликда содир этиш масаласида келишувга эришиб бўлганларида юз беради. Шу боис агар "қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш-

га шарт-шароит яратиш" ибораси мазмунидан келиб чиқилса, икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноятни биргаллашиб содир этиш бўйича келишувга эришган қилмишининг ўзи жиноятга тайёргарлик кўришни ташкил этади;

иккинчидан, Жиноят кодексининг 25-моддасида белгиланган қоида "шахснинг..." (жиноятга тайёргарлик кўриш) ёки "шахсга" (жиноят содир этишга суиқасд қилиш) деб битта шахс билан боғлиқ бўлган вазиятни белгилайди. Аммо жиноятда иштирокчилик икки ёки ундан ортиқ шахслар бирлашувини, яъни шахсларнинг икки ёки ундан ортиқлигини назарда тутаяди;

учинчидан, Жиноят кодексининг 25-моддаси жиноятда иштирокчиликка тайёргарлик кўриш ёки унга суиқасд қилишни эмас, балки аниқ жиноятга тайёргарлик кўриш ёки аниқ жиноятни содир этишга суиқасд қилиш учун жавобгарлик асосларини белгилайди;

тўртинчидан, Жиноят кодексининг 25-моддасида белгиланган қоида фақат тамом бўлмаган жиноятларга нисбатан татбиқ этилишини назарда тутаяди, аммо амалга ошмаган иштирокчилик жиноят содир этиб бўлганидан сўнг ҳам юз бериши мумкин. Масалан, А. ва Б. биргаликда ўғирлик содир этишга келишиб, жиноят режасини ишлаб чиқадилар. Режага кўра, А. тунги 23:00да С.нинг хонадонида ўғирлик содир этиши ва ўзаро келишув бўйича Б. 23:15ларда А.ни ташқарида кутиб туриши керак бўлади. Лекин Б. ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, белгиланган жойга келишилган вақтда етиб кела олмайди. Шу боис А. режалаштирилган ўғирлик жиноятини содир этиб, Б.ни белгиланган жойда маълум муддат кутади ва у келмагандан сўнг воқеа жойидан яширинади. Мазкур мисолда кўриб турганимиздек, амалга оширилиши лозим бўлган иштирокчилик амалда юз бермайди, аммо режалаштирилган жиноят содир этилади;

бешинчидан, иштирокчилик амалга ошмаганида бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчиларнинг жиноий жавобгарлиги масаласини ҳал қилиш керак бўлади, аммо Жиноят кодексининг 25-моддасида жиноят иштирокчиларининг жавобгарлиги уларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланмайди.

Айтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, Жиноят кодексининг 25-моддасида белгиланган қоидалар амалга ошмаган иштирокчилик билан боғлиқ ҳолатларни ҳуқуқий тартибга солмайди. Ҳолбуки, бу каби ҳолатлар амалга ошмаган иштирокчилик масаласи ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши лозимлигидан далолат беради.

Таъкидланганидек, амалга ошмаган иштирок-

чилик қўйидаги ҳолатларда рўй бериши мумкин: бажарувчи келишилган жиноятни бошламасдан уни содир этишдан воз кечса; бажарувчи жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида жиноятни охирига етказмасдан туриб, жиноятдан ихтиёрий қайтган бўлса; бажарувчининг бошланган жинояти унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноятга тайёргарлик кўриш ёки унга суиқасд қилиш босқичида тўхтаган бўлса. Ўз навбатида, мазкур ҳолатлар ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчининг фаолияти ҳам амалга ошмаслигига олиб келади. Хусусан, мазкур вазият сабабли ташкилотчи томонидан уюштирилган жиноят унга боғлиқ бўлмаган ҳолатда амалга ошмайди ёки далолатчи томонидан далолат қилинган жиноят содир этилмайди ёхуд жиноятга ёрдам беришга қаратилган фаолият амалга ошмайди. Натижада ташкилотчилик, далолатчилик ва қисман ёрдамчилик фаолиятининг амалга ошмай қолишига бевосита бажарувчининг қилмиши сабаб бўлади. Аммо ёрдамчилик фаолиятининг амалга ошмай қолишига бошқа ҳолатлар ҳам сабаб бўлиши мумкин (буни юқорида келтирилган мисолдан кўришимиз мумкин).

Шу боис бу ерда жиноятда иштирокчилик бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчиларга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра амалга ошмаса, уларнинг жавобгарлигини қай тарзда белгилаш лозимлиги масаласи юзага келади. Мазкур ҳолат, биринчидан, жиноят иштирокчиларининг жиноятни биргаликда содир этишга қаратилган умумий жиноий ниятини; иккинчидан, иштирокчиликда содир этилиши келишилган жиноятни тайёрлаш ёки содир этишга қаратилган реал ҳаракатларни амалга ошириш бошланганлигини; учинчидан, бажарувчининг бошқалар билан биргаликда содир этилиши келишилган жиноятнинг содир этилмай қолишига унинг ушбу жиноятдан ихтиёрий қайтганлиги ёки унга боғлиқ бўлмаган ҳолат сабаб бўлганлигини; тўртинчидан, иштирокчиликда содир этилиши келишилган қасддан қилинадиган жиноятнинг қайси босқичда тўхтаганлигини; бешинчидан, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчининг жиноятни содир этишга реал шарт-шароит яратувчи қилмиши ҳамда уларнинг жиноят содир этишга қаратилган қатъий хулқ-атвори ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра амалга ошмаганлигини аниқлашни тақозо этади.

Қоидага кўра, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятлар барча иштирокчиларнинг умумий жиноий нияти билан қамраб олинган бўлиши зарур. Бироқ, айрим ҳолларда иштирокчиликда содир этилиши керак бўлган жиноят маълум бир сабабларга кўра содир этилмаса, улар-

нинг жавобгарлигини Жиноят кодекси Махсус қисмининг қайси моддаси билан белгилаш муаммоси ҳам юзага келади. Чунинчи, иштирокчиликда содир этиладиган жиноят қасддан қилинадиган жиноятнинг суиқасд босқичида тўхтаган бўлса, иштирокчилар қилмишини Жиноят кодекси Махсус қисмининг қайси моддаси билан квалификация қилиш кераклиги аниқ бўлади. Аммо, агар жиноят содир этилмаган бўлса, иштирокчиларни Жиноят кодекси Махсус қисмининг қайси моддаси бўйича жавобгар қилиш кераклигини аниқлаш қийинлашади. Шунинг учун ҳам бу ерда жиноят иштирокчиларининг умумий жиноий нияти нимага қаратилганлигини аниқлаш керак бўлади.

Айтиш жоизки, жиноятга тайёргарлик кўриш факти бажарувчи томонидан бошқа иштирокчилар билан келишилган жиноятни содир этишга қаратилган ҳеч қандай қилмиш содир этилмаганда (масалан, у тайёргарлик босқичининг ўзида ихтиёрий равишда жиноят содир этиш мақсадидан қайтганида ёки уни содир этишни умуман хоҳламаганида) ҳам, уни тайёрлашга бажарувчининг ўзи киришганида (бажарувчи иштирокчиликдаги жиноятни содир этишни англаган ва унинг оқибатларини келиб чиқишини хоҳлаган ҳолда унга шароит яратганида) ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Шу боис ҳам бу ерда иштирокчилик юз бермаган ва юз берган вазиятда жиноятга тайёргарлик кўриш каби иккита ҳолатни фарқлаш мумкин бўлади.

Шубҳасиз, биринчи ҳолатда айбдор шахсларнинг жавобгарлиги Жиноят кодексининг 25-моддасида белгиланган қоида доирасида ҳал қилинади. Бироқ, иккинчи ҳолатда уларнинг жавобгарлиги қандай белгиланиши керак: иштирокчиликни ташкил этадиган жиноятга тайёргарлик кўриш тарзида ёки у ҳам умумий асосларда Жиноят кодексининг 25-моддасида белгиланган қоидалар асосида ҳал қилинадими? Бизнингча, юқорида келтирилган сабабларни инобатга олсак, иштирокчиликдаги бундай вазиятни Жиноят кодексининг 25-моддаси доирасида ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун қўшимча ҳуқуқий асослар керак бўлади. Аммо мазкур вазиятни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар айтилганда амалдаги Жиноят кодексига назарда тутилмаган.

Яна бир ҳолат. Жиноятда иштирокчилик юз берган вазиятдаги жиноятга тайёргарлик кўриш ҳолатида иштирокчиларнинг жавобгарлиги Жиноят кодекси Махсус қисми моддасининг иштирокчилик учун жавобгарлик белгилловчи қисми бўйича белгиланадими ёки бу ҳолат уни истисно этадими? Агар диққат билан эътибор берилса, жиноятга тайёргарлик кўришнинг биринчи ва

иккинчи ҳолати ижтимоий хавфлилик нуқтаи назаридан ўзаро фарқ қилади. Зеро, иштирокчилик юз берган вазиятдаги жиноятга тайёргарлик кўришнинг ижтимоий хавфи биринчисига нисбатан оғирроқдир. Чунки, иштирокчилик юз берган вазиятда жиноятга тайёргарлик кўришнинг ҳажми ва миқдори бир шахс жиноятга тайёргарлик кўришдан юқорироқ бўлади. Шундай экан, уларнинг жавобгарлиги ҳам турлича бўлиши керак. Шу сабабли, агар иштирокчилик юз берган вазиятда жиноят тайёргарлик босқичида тўхтатилган ва натижада иштирокчилик амалга олмаган бўлса, уларнинг қилмиши иштирокчиликда содир этиладиган жиноятга тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши керак.

Амалга олмаган иштирокчиликнинг навбатдаги кўриниши жиноятга суиқасд қилиш босқичида рўй беради. Бироқ, мазкур масалада ҳам юридик адабиётларда турлича фикрлар илгари сурилган. Масалан, А.М.Трухин амалга олмаган иштирокчиликни тугалланмаган иштирокчилик деб баҳолаб, уни иштирокчиликка суиқасд қилиш деб номлашни тавсия этади. Шу сабабли муаллиф "иштирокчиликка суиқасд қилиш" ва "жиноятга суиқасд қилиш" тушунчаларини ўзаро фарқлаш кераклигини таъкидлайди. Айтилган пайтда муаллиф бажарувчининг жиноят содир этишига реал ҳисса қўшадиган иштирокчиликни иштирокчиликка суиқасд қилиш деб баҳолаш кераклигини айтади. Муаллиф бажарувчининг жиноят содир этишида реал ҳиссасини кўриши деганда бажарувчининг қилмишида ҳеч бўлмаганда жиноятга суиқасд қилиш ҳаракатлари бўлиши лозимлигини тушунади ва бундай ҳолатни жиноятга тайёргарлик кўриш деб баҳолайди¹⁰. Биз мазкур фикрда илгари сурилган "тугалланмаган иштирокчилик" иборасини қўллаб-қувватлаймиз, лекин бу тарздаги тугалланмаган иштирокчилик ҳолатида иштирокчиларнинг жавобгарлиги жиноятга тайёргарлик кўриш учун белгиланиши ҳақидаги фикрга қўшилмаймиз. Боиси, жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилишнинг ижтимоий хавфи турлича бўлади. Шу боис ҳам улар учун белгиланадиган жавобгарлик чоралари фарқланиши зарур. Негаки, бажарувчи ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, жиноятни тайёргарлик босқичида тўхтатган бўлса, қолган иштирокчилар ҳам жиноятга тайёргарлик кўриш учун жавобгарликка тортилиши керак. Шунингдек, агар бажарувчининг қилмиши жиноятга суиқасд қилиш босқичида тўхтаган бўлса, қолган иштирокчилар ҳам жиноятга суиқасд қилинган иштирокчилик учун жавобгар бўлиши лозим. "Ва ниҳоят, қачонки бажарувчи жиноят содир этишни тамомлаган бўлса, қолган иш-

тирокчиларнинг қилмиши ҳам тамом бўлган жиноят тариқасида баҳоланиши керак"¹¹. Шунинг учун ҳам амалга ошмаган иштирокчиликни квалификация қилишда иштирокчиликнинг тури ва жиноятнинг содир этилиш босқичлари кўрсатилиши зарур бўлади. Бу эса мазкур тоифадаги жиноятларнинг аниқ ва тўлиқ квалификация қилинишига имкон беради. Бироқ, мазкур вазиятда ўзаро келишилган ёрдамчилик ҳаракатлари ёрдамчига боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра амалга ошмай қолгани натижасида бажарувчи иштирокчиликда содир этилиши кўзда тутилган жиноятни содир этиб бўлганида ёрдамчининг жавобгарлиги қандай аниқланади, деган ўринли савол туғилади. Кўриб турганимиздек, мазкур ҳолатда иштирокчиларнинг жавобгарлиги "бажарувчи жавобгарлигига боғлиқ ҳолда аниқланади" деган қоидани истисно этади. Хўш, унда мазкур вазиятда бажарувчи ва ёрдамчининг жавобгарлиги нимага асосланиши керак? Назаримизда, бу ерда ҳар бир иштирокчи ўз айби билан қамраб олинган қилмиши учун жавоб бериши лозим. Демак, мазкур ҳолатда ёрдамчининг жавобгарлиги ўз айбига боғлиқ ҳолда ҳал қилинади. Модомики, амалга ошмаган ёрдамчиликда унинг жавобгарлиги белгиланиши, нима бўлганда ҳам, қисман бажарувчининг қилмишига боғлиқ бўлади. Шу сабабли мазкур ҳолатда юз бериши мумкин бўлган икки вазиятни баҳолаш мумкин.

Биринчиси — иштирокчиликда содир этиладиган жиноятда ёрдамчилик қилиниши келишилган, бироқ бажарувчи ўзаро келишув асосида амалга оширилиши керак бўлган жиноятни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра содир этмаган ёки уни тайёргарлик босқичида тўхтатган ва айти пайтда ёрдамчи ҳам ёрдамчилик ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра амалга ошира олмаган вазият. Бундай вазиятда бажарувчи ва ёрдамчилар амалга ошмаган иштирокчилик учун жавоб беришлари лозим, яъни бажарувчи ва ёрдамчилар жиноятга тайёргарлик кўрилгани учун жавобгар бўладилар.

Иккинчиси — иштирокчиликда содир этиладиган жиноятда ёрдамчилик қилиниши келишилган, аммо бажарувчи ўзаро келишув асосида амалга оширилиши керак бўлган жиноятни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабга кўра жиноятга суиқасд қилиш босқичида тўхтатган ёки жиноятни содир этиб бўлиб, ёрдамчининг ёрдамидан фойдалана олмаган вазият. Айти пайтда ёрдамчи ҳам ёрдамчилик ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра амалга ошира олмаган. Бундай ҳолда ёрдамчининг жавобгарлигини унинг жиноий ниятидан келиб чиқиб, бажарувчи томонидан содир этилган жиноятнинг суиқасд босқичида тўхтаганлиги ёки

жиноят тамом бўлганидан қатъи назар, жиноятга суиқасд қилганлик учун жавобгар бўлади. Бажарувчи эса режалаштирилган жиноятни содир этиб бўлган, бироқ иштирокчилик рўй бермаган, аммо жиноятнинг иштирокчиликда содир этилиши ангиланиши ва буни исташ унинг айби доирасига кирганлиги сабабли мазкур ҳолат иштирокчиликка суиқасд қилишни ташкил этади.

Бундан ташқари, юқорида таъкидлаганимиздек, агар бажарувчи унга кўмаклашаётган, далолат қилаётган ёки жиноятни уюштираётган шахс ҳақида аниқ билмасдан ҳаракат қилса-ю, аслида улар реал ҳолатда жиноий жавобгарликка тортилмайдиган шахслар бўлса, унда бажарувчининг жиноий жавобгарлиги қандай ҳал қилинади?, деган ўринли савол туғилади. Бизнингча, бундай вазиятда ҳам бажарувчининг қилмиши иштирокчиликка суиқасд қилиш деб баҳоланиши керак. Аммо амалдаги қонунда қилмишни иштирокчиликка суиқасд қилиш деб баҳолаш борасида мустақил норма назарда тутилмаган. Шу боис мазкур муаммони бартараф қилиш мақсадида Жиноят кодексида иштирокчиликка суиқасд қилишнинг ҳуқуқий асосини яратиш керак.

Айти пайтда Германия Жиноят кодексининг жиноятда иштирокчиликка суиқасд қилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи 30-параграфи таъкидлаш ўринли бўлади. Мазкур қонунда бундай суиқасднинг иккита шакли фарқланган.

Биринчиси бошқа шахсни жиноят содир этишга ундашга қаратилган ҳаракат қилган шахс қилмишини қамраб олади. Мазкур ҳолатда Германия қонунчилиги жиноятга далолат қилишга суиқасд қилишга жиноийлик тусини беради.

Суиқасднинг иккинчи шаклида эса, жиноятга ундалувчи шахс далолат қилинувчи шахснинг қилмиши натижасида бошқа шахснинг жиноят содир этишда қатнашишига розилик беришга қаратилган қилмишини ифода этади. Мазкур ҳолатда шахс биргаликда жиноят содир этиш ҳақидаги таклифни қабул қилиб, бажарувчилик ёки далолатчиликка суиқасд қилади.

Бундан ташқари, хорижий давлатлар қонунчилиги нормаларини қиёсий-ҳуқуқий ўрганиш шундан далолат берадики, айти пайтда амалга ошмаган иштирокчилик масаласининг ҳуқуқий тартибга солиниши ушбу давлатлар жиноят қонунчилигида ўз ифодасини топган. Масалан, амалга ошмаган иштирокчиликка оид масала Россия Федерацияси (34-м. 5-қ.), Беларусь (16-м. 8-қ.), Арманистон (39-м. 4-5-қ.), Тожикистон (37-м. 5-6-қ.), Грузия (25-м. 7-қ.), Туркменистон (35-м. 4-қ.), Озарбайжон (33-м. 5-қ.), Қозоғистон (29-м. 5-қ.) ва Латвия (20-м. 8-қ.) республикалари жиноят қонунчилигида назарда тутилган.

Юқорида баён қилинганлардан хулоса қилиш мумкинки, жиноятда иштирокчиликда содир этиладиган жиноят у ёки бу иштирокчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра охирига етмаганлиги ҳамда амалдаги жиноят қонунчилигида амалга ошмаган иштирокчиликка оид вазиятларни тўлиқ камраб олмаганлиги боис жиноят қонунчилигида "амалга ошмаган иштирокчилик" атамасини жорий қилиш ҳамда у билан боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган вазиятларда иштирокчилар жавобгарлигини назарда тутувчи аниқ қоидаларни алоҳида нормада белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Назаримизда, уни қуйидаги мазмунда белгилаш ижобий натижа беради:

301-модда. Амалга ошмаган иштирокчилик учун жавобгарлик

Икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан иштирокчиликда содир этилиши келишилган қасддан қилинадиган жиноятнинг уларга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаслиги, шунингдек, уларга боғлиқ бўлмаган ҳолат туфайли жиноятда иштирокчиликнинг амалга ошмаслиги амалга ошмаган иштирокчилик учун жавобгарликни келтириб чиқаради.

Иштирокчиликда содир этиладиган жиноят бажарувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, қолган иштирокчилар бажарувчининг қасддан қилинадиган жинояти қайси босқичда тўхтаганлигидан келиб чиқиб, ушбу Кодекс 25 ва 28-моддаларининг тегишли қисмига ҳавола қилган ҳолда иштирокчиликда содир этилиши кўзланган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилганликда жавобгар бўлади.

Агар ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчининг қилмиши уларга боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра амалга ошмаса, улар ушбу Кодекс 25 ва 28-моддаларининг тегишли қисмига ҳавола қилинган ҳолда иштирокчиликда содир этилиши кўзланган жиноятга тайёргарлик учун жавобгарликка тортилади.

Ўйлаймизки, жиноятда иштирокчилик институти юқорида баён этилган мазмундаги норма билан тўлдириш, ушбу институтни янада такомиллаштиришга ва бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.



¹ Қаранг: Нарбутаев Э.Х. Преступление и уголовный процесс: перспективы развития уголовного и уголовно-процессуального законодательства: монография. - Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2013. - С. 37.

² Трухин А.М. Проблемы оконченного и неоконченного соучастия в преступлении // Государство и право. - 2012. - №6. - С. 62-69.

³ Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. - Б. 243-245.

⁴ Безбородов Д. А. Принципы уголовной ответственности за совместное совершение преступления. Криминалистика. - 2013. - № 2 (13). - С. 95.

⁵ Здравомыслов Б.В. Уголовное право России. Общая часть. - М.: Юристъ, 2010. - С. 156.

⁶ Бердиев Ш. Жиноят қонунларининг либераллаштирилиши жараёнида жинойи жавобгарликдан озод қилишни такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. д-ри дис. ... - Т., 2011. - Б. 246.

⁷ Қаранг: Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2005. - Б. 243-245.

⁸ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I Том. Умумий қисм, Жиноят тўғрисида таълимот. Олий ўқув муассасалари учун дарслик. - Т.: "ILM ZIYK", 2010. - Б. 243.

⁹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. - Т.: Адолат, 2010. - Б. 183.

¹⁰ Трухин А.М. Проблемы оконченного и неоконченного соучастия в преступлении // Государство и право. - 2012. - №6. - С. 66, 69.

¹¹ Джулай Д.И. Предупредительная функция уголовной ответственности за преступления, совершенные в соучастии. Вестник Пермского университета. - 2013. - № 2 (20). - С. 213.

Хасан АБДУРАХМАНОВ,
Начальник отдела Секретариата Центральной
избирательной комиссии Республики Узбекистан

НОВЫЙ ЭТАП В РАЗВИТИИ ИЗБИРАТЕЛЬНОЙ ПРАКТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

- ◆ Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими ва қонунчилигининг шакллантирилиши, унинг босқичлари, сайлов жараёнининг такомиллаштирилиб бориши ва сайлов комиссиялари тизимини ёритишга бағишланган.
- ◆ Статья посвящена в целом проделанной работе в сфере формированию избирательной системы и законодательства Республики Узбекистан, о этапах, совершенствование выборного процесса и структуре избирательных комиссий.
- ◆ Article is devoted in general to the done work in the sphere to formation of an electoral system and the legislation of the Republic of Uzbekistan, about stages, improvement of elective process and structure of election commissions.

Таянч сўзлар: сайлов тизими, сайлов қонунчилиги, сайловлар ўтказилишига қўйиладиган талаблар, сайловчилар ҳуқуқлари, сиёсий партиялар, кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши, парламент сайловлари, сайлов комиссиялари, Марказий сайлов комиссияси.

Ключевые слова: избирательная система, избирательное законодательство, требования предъявляемые к выборам, избирательные права граждан, политические партии, становление и развитие многопартийной системы, парламентские выборы, избирательные комиссии, ЦИК Центральная избирательная комиссия.

Key words: electoral system, electoral laws, requirements the imposed to elections, electoral rights of citizens, political parties, formation and development of a multi-party system, parliamentary elections, election commissions, Central Election Commission.

Свободные и справедливые выборы — важнейший инструмент демократии, средство формирования органов власти демократического государства. За годы независимости в Узбекистане сложилась избирательная система, отражающая, с одной стороны, международные избирательные стандарты, с другой, — природу и менталитет узбекского народа, а также сформировалось избирательное законодательство. Выборы относятся к основным институтам современной демократии. Более того, необходимо иметь в виду, что именно всеобщие, свободные и периодические выборы являются необходимым условием реальности и развития демократии в обществе. Однако свои функции в полной мере выборы могут осуществлять лишь в условиях демократии. Коренные начала и идеи, лежащие в основе демократии, определяют требования, предъявляемые к выборам в демократическом государстве, обуславливают принципы избирательного процесса и основные гарантии избирательных прав граждан.

Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов отмечал: "Как показывает мировая прак-

тика, избирательная система имеет важное значение в правовом гражданском обществе. Исходя из этого мы постоянно совершенствуем наше законодательство в этом отношении в соответствии с современными требованиями".

Практика избирательных кампаний современного демократического государства показывает, что выборы в которых непременно участвуют политические партии. Поэтому процесс демократизации выборов, порядка формирования парламента предполагает становление и развитие многопартийной системы. Создание в Узбекистане развитой избирательной системы, с одной стороны, вобравшей многие позитивные достижения в этой области зарубежной практики, а с другой — учитывая, сохраняя и развивая собственный лучший опыт, собственные традиции, весьма высоко оценено многими зарубежными экспертами.

Говоря об итогах парламентских выборов, прошедших 21 декабря 2014г. на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 23 января 2015 г. Президент Узбекистана И.А.Каримов от-

метил "В первую очередь, эти выборы продемонстрировали значительно возросшие общественно-политическую активность нашей общественности и народа, авторитет и зрелость политических партий, гражданских институтов. В то же время они стали ярким отражением практических результатов демократических преобразований и реформ, осуществляемых в нашей стране в целях защиты прав, свобод и интересов человека, построения демократического государства и сильного гражданского общества.¹"

Важнейшей гарантией демократичности избирательного процесса и реализации конституционных прав и свобод избирателей и иных участников выборов выступает действующая система избирательных комиссий в Республике Узбекистан, статус которых подробно регламентируется избирательным законодательством. Практика проведения выборов последних лет убедительно доказывает ведущую роль этих органов в создании условий, обеспечивающих свободное волеизъявление избирателей.

Государственные и общественные органы, органы политических партий, предприятия, учреждения, организации, должностные лица обязаны содействовать избирательным комиссиям в осуществлении ими своих полномочий, предоставлять необходимые для их работы сведения и материалы.

Избирательная комиссия имеет право обращаться по вопросам, связанным с подготовкой и проведением выборов, в государственные и общественные органы, органы политических партий, к предприятиям, учреждениям, организациям, должностным лицам, которые обязаны рассмотреть поставленный вопрос и дать избирательной комиссии ответ не позднее чем в трехдневный срок.

В Узбекистане систему избирательных органов страны возглавляет Центральная избирательная комиссия Республики Узбекистан (ЦИК), правовой статус и деятельность которой регулируется Конституцией Республики Узбекистан и рядом законов. Порядок деятельности ЦИК определяется её Регламентом. Статья 117 Конституции Республики Узбекистан была дополнена путём принятия Закона № ЗРУ-366 от 16 апреля 2014 года частями шестой-девятой, которые гласят буквально следующее: "Для организации и проведения выборов Президента Республики Узбекистан, в Олий Мажлис Республики Узбекистан, а также референдума Республики Узбекистан Олий Мажлисом Республики Узбекистан образуется Центральная избирательная комиссия Республики Узбекистан, основными принципами деятельности которой являются независимость, законность, коллегиальность, гласность и справедливость. В результате внесенных поправок осуществлено конституционное закрепление по-

рядка организации и основных принципов деятельности Центральной избирательной комиссии (ЦИК). Кроме того, в Закон "О Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан" внесены следующие изменения и дополнения:

во-первых, раскрыты суть и содержание основных принципов деятельности ЦИК: независимость, законность, коллегиальность, гласность, справедливость. В соответствии с принципом независимости ЦИК осуществляет свою деятельность независимо от государственных органов, общественных объединений и должностных лиц, при этом не допускается вмешательство в ее деятельность, которое влечет за собой юридическую ответственность. Согласно принципу гласности ЦИК осуществляет открытое проведение своих заседаний, в том числе путем участия в них представителей политических партий, СМИ, наблюдателей от других государств, международных организаций и движений;

во-вторых, исключена норма, предусматривавшая прекращение Олий Мажлисом полномочий ЦИК — парламент вправе лишь прекратить полномочия отдельных членов ЦИК. Указанная новелла существенно укрепила гарантии независимости ЦИК.

Центральная избирательная комиссия Республики Узбекистан осуществляет свою деятельность на постоянной основе и в своей деятельности руководствуется Конституцией Республики Узбекистан, законами о выборах и референдуме Республики Узбекистан и другими законодательными актами².

Республика Узбекистан как полноправный член международного сообщества признаёт международные принципы в области выборов, избирательных прав граждан и последовательно принимает соответствующие законодательные и другие меры в целях создания надлежащих условий для их реализации, а также усиления гарантий избирательных прав и свобод для проведения демократических выборов. Международные избирательные стандарты обеспечиваются путём их имплементации в избирательные законы страны, а также последовательной реализации в избирательной практике. Избирательное законодательство в Узбекистане прошло последовательный путь формирования и развития. Первоначально была поставлена задача создать принципиально новые институты демократической избирательной системы. После обретения независимости в Узбекистане были созданы конституционные основы функционирования многопартийной системы, ее участия в формировании представительных органов государственной власти. Соответствующие статьи Конституции Республики Узбекистан закрепили положения, послужившие основой для создания правового меха-

низма создания и деятельности политических партий (ст.ст.12,34,56,60). Выборы в новый парламент страны — Олий Мажлис в 1995 году осуществлялись уже на многопартийной основе. В условиях переходного периода, когда демократические традиции многопартийности только начали формироваться, происходило накопление опыта цивилизованного партийного строительства и парламентской демократии. Оценивая тот период, можно сказать, что благодаря продуманному эволюционному подходу к этим вопросам, удалось избежать кризисов и силового (а значит — непродуктивного) противостояния партий как в парламенте, так и вне его.

Избирательное законодательство Узбекистана состоит из Конституции Республики Узбекистан (ст.117), законов "О выборах Президента Республики Узбекистан" (1991)³, "О референдуме Республики Узбекистан" (1992)⁴, "О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан" (1993)⁵, "О выборах в областные, районные и городские Советы народных депутатов" (1994)⁶, "О гарантиях избирательных прав граждан" (1994)⁷, "О Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан" (1998)⁸ и др.

Следует особо отметить, что в текущем законодательстве создавались и закреплялись механизмы реализации конституционных норм и принципов избирательной системы. Так, в целях реализации конституционных избирательных прав граждан и их надежной защиты был принят закон Республики Узбекистан "О гарантиях избирательных прав граждан"⁹. Данный закон закрепил механизм правовой охраны и практического осуществления активного избирательного права, гарантии свободы волеизъявления граждан в соответствии со стандартами, зафиксированными в основополагающих международных актах по правам человека. Законом введены законодательные гарантии избирательных прав и свобод граждан. Осуществлено правовое регулирование избирательного процесса, установление результатов голосования и подведения итогов выборов.

Для Республики Узбекистан международными стандартами демократических выборов являются:

во-первых, международные стандарты в области избирательного права — право избирать и быть избранными в органы государственной власти и органы местного самоуправления на основе универсальных принципов избирательного права — всеобщего равного прямого избирательного права при свободном и тайном голосовании или использовании иных процедур, обеспечивающих свободное волеизъявление гражданина, на основе периодического и обязательного проведения выборов, их свободного, подлинно-

го, справедливого, открытого и гласного характера;

во-вторых, такие важнейшие условия обеспечения демократического избирательного процесса, как уважение, соблюдение и защита демократических прав и свобод человека и гражданина, многопартийность и идеологическое многообразие, стабильность правовых норм в области регулирования выборов и одновременно их динамичное демократическое развитие;

в-третьих, процедурно-процессуальные гарантии — организация голосования и подсчета голосов независимыми избирательными органами либо иными специально уполномоченными органами, наличие и эффективное функционирование механизмов защиты избирательных прав и свобод всех участников избирательного процесса, обжалования итогов голосования и результатов выборов в судебных и иных уполномоченных на то органах, действенный гражданский контроль и беспристрастное международное наблюдение за выборами, в том числе за таким важнейшими избирательными действиями, как организация процесса голосования, подсчета голосов, опубликование результатов выборов, разрешение избирательных споров.

Анализ основных правовых источников международных избирательных стандартов позволяет сделать вывод, что международные избирательные стандарты это обязательства Республики Узбекистан не только формально предоставить гражданам Узбекистана оговоренные стандартами права и свободы на участие в свободных и периодических выборах, но и гарантировать своим внутренним законодательством их реализацию. Лишь в исключительных случаях допускаются те или иные ограничения этих прав и свобод, что, прежде всего, опять-таки оговаривается международными стандартами.

В 1991 году Генеральный секретарь ООН заявил: "Сами по себе выборы не являются демократией. Они являют собой не конечную цель, а лишь шаг, хотя важный и зачастую значительный, на пути к демократизации общества и к реализации права принимать участие в управлении страной, как это предусмотрено в основных документах по правам человека. Было бы прискорбно смешивать цель и средства и забывать о том, что демократия подразумевает намного больше, чем простой акт периодического голосования. Она охватывает весь процесс участия граждан в политической жизни своей страны"¹⁰.

Республика Узбекистан как демократическое по форме и правовое по конституционно провозглашенным принципам своего существования государство просто не мыслится без свободных и демократических выборов, соответствующих об-

щепризнанным международным критериям избирательных прав и свобод граждан, всех участников избирательного процесса.

В стране последовательно и системно реализуются меры, направленные на дальнейшее совершенствование избирательного законодательства в соответствии с международными стандартами в этой области. Так, с учетом осуществляемых демократических реформ, реализуемых мер по дальнейшему расширению участия политических партий в управлении делами общества и государства, а также повышения политико-правовой культуры населения, его активного участия в политических процессах в 2003, 2008, 2012 и 2014 годах внесены изменения и дополнения в ряд законов о выборах. В условиях дальнейшей демократизации государственного управления 29 августа 2003 года Закон Республики Узбекистан "О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан" был принят в новой редакции. В нем были отменены нормы, связанные с правом местных органов власти выдвигать кандидатов в депутаты парламента страны. Была предусмотрена тридцати процентная квота для женщин при выдвижении кандидатов в депутаты представительных органов власти. Также были уточнены нормы, связанные с финансированием политических партий, участвующих в выборах.

В результате модернизации избирательного законодательства, внесения в него соответствующих изменений и дополнений значительно были усовершенствованы законы "О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан", "О выборах в областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов", "О выборах Президента Республики Узбекистан", "О финансировании политических партий", другие акты законодательства. В них было закреплено принципиальное положение о проведении выборов в представительные органы власти исключительно на многопартийной основе, о том, что кандидаты в депутаты Законодательной палаты выдвигаются политическими партиями, а кандидаты в депутаты местных Кенгашей — соответствующими органами политических партий на местах. Огромное значение имело принятие Конституционного закона "Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны" (2007)¹¹. Закон четко определил правовой статус партийных фракций, придерживающихся различных политических ориентаций, впервые определил статус парламентского большинства и парламентской оппозиции, ее исключительные права, гарантии эффективной деятельности, обеспечил дальнейшую демократизацию парламентской деятельности, законодательно закрепив, что руководители фракций политических партий, создан-

ных в Законодательной палате замещают должности заместителя Спикера Законодательной палаты.

Содержание указанных законов полностью соответствует положениям Декларации о критериях свободных и справедливых выборов Совета Межпарламентского Союза, Декларации принципов международного наблюдения за выборами ООН и Кодекса поведения международных наблюдателей за выборами. Узбекистан имплементировал международные стандарты в свою правовую систему, тем самым признав, что обеспечение демократических свобод волеизъявления граждан, процедур их реализации в соответствии с общепризнанными принципами и нормами международного права является целью и обязанностью государства, одним из неотъемлемых условий общественной стабильности и модернизации страны.

Это обеспечило поэтапную, последовательную либерализацию национальной избирательной системы, проведение выборов в двухпалатный парламент в полном соответствии с требованиями закона и общепризнанными международными принципами и нормами. Вместе с тем, как отметил Президент страны И.А.Каримов, "избирательная система, являющаяся важнейшей составляющей демократических преобразований, модернизации страны, постоянно развивается, и сама практика, накопленный нами опыт, особенно в ходе последних выборов, ставят на повестку дня вопросы дальнейшей демократизации выборных процессов"¹².

Важным этапом в развитии избирательной системы стали изменения, внесенные в законодательство о выборах в 2008 году. Согласно им увеличено количество депутатских мест со 120 до 150, из которых 135 депутатов избираются от политических партий. Исходя из важности и растущей актуальности вопросов охраны окружающей среды, 15 депутатских мест в Законодательной палате предоставлены депутатам, избранным от Экологического движения Узбекистана. Следует особо отметить, что квотирование депутатских мест для Экологического движения осуществлено не за счет и не в ущерб существовавшему на тот период количеству депутатских мест. Наоборот, количество депутатских мест увеличено на 15. Помимо этого дополнительно создано еще 15 мест, предназначенных для депутатов от Экологического движения.

В законодательство введены нормы, обеспечивающие дальнейшую либерализацию избирательного процесса. Шестимесячный срок, установленный для регистрации политических партий, необходимый для их участия в выборах, был сокращен до 4 месяцев. Количество подписей избирателей, необходимых для решения вопроса

о допуске политических партий к участию в выборах, было сокращено с 50000 до 40000. Увеличено с 5 до 10 возможное количество доверенных лиц кандидатов в депутаты. Введен новый институт — уполномоченного представителя политической партии, который наделен правом участия при проверке правильности составления подписных листов и подсчете голосов на избирательных участках¹³.

В Концепции формирования гражданского общества была сформулирована законодательная инициатива, направленная на дальнейшее совершенствование избирательного законодательства. Так, в 2012 году были внесены изменения и дополнения в статью 27 Закона "О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан", направленные на повышение эффективности механизмов обеспечения равных условий кандидатам в депутаты, политическим партиям в ходе проведения предвыборной агитации. В частности, установлены формы и методы предвыборной агитации, сроки ее проведения, дано четкое определение данному понятию. Так, предвыборная агитация — это деятельность, осуществляемая в период избирательной кампании и направленная на побуждение избирателей к голосованию за кандидата в депутаты или политическую партию. На законодательном уровне определено, что предвыборная агитация в день выборов и за день до начала голосования не допускается. Установление подобных ограничений призвано предоставить избирателям дополнительное время, необходимое для определения своих взглядов и политических предпочтений¹⁴.

Также в статью 8 Закона "О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан" введена норма о том, что избирательные участки могут быть образованы, в том числе в местах содержания под стражей. В целях более широкого разъяснения правил и процедур голосования лиц, содержащихся под стражей, Центральной избирательной комиссией разработано и утверждено Положение о порядке образования избирательных участков в местах содержания под стражей. Предоставление возможности проголосовать лицам, содержащимся под стражей, является еще одной гарантией обеспечения избирательных прав граждан.

- ◆ Мақолада давлат бошқарувида қонунийликка риоя этилиши, давлат бошқаруви органлари тизими ва улар фаолияти устидан прокурор назоратининг олиб борилиши масалалари ёритилган.
- ◆ В статье освещены вопросы законности в государственном управлении, о системе государственных органов и прокурорском надзоре над их деятельностью.
- ◆ The article highlights the issues of the legality in public administration, the system of state bodies and public prosecutor's supervision over their activities.

Таянч сўзлар: қонунийлик, контроль, назорат, прокурор назорати, қонунлар ижро этилиши устидан назорат, давлат бошқаруви органлари.

Ключевые слова: законность, контроль, надзор, прокурорский надзор, контроль над исполнением законов, органы государственного управления.

Key words: legality, control, supervision, prosecutor's supervision, control over the execution of laws, governments.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётида юз берган кенг қамровли ўзгаришлар юртимизда ҳуқуқий демократик қадриятларнинг шаклланишига, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга замин яратилишига олиб келди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда қонун устуворлигини, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийликни таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ишончли механизмига айлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Адолатли жамият қуриш учун қонунийликни таъминлаш лозим. Чунки ҳар қандай давлатнинг қудрати, халқининг тинч ва фаровон ҳаёти нафақат жорий этилган қонунлар билан, балки уларнинг устуворлигига ҳамда бажарилишига ҳам боғлиқ.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, жамиятда қонунийлик, қонун устуворлигини тўлиқ таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири — бу одамларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни шу руҳда камол топтириш, фуқароларнинг қонунни пухта билиши, юксак ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлишидан иборат¹.

Давлат бошқарувида давлат органларининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларининг сама-

рали амалга оширилиши, кўп жиҳатдан уларнинг фаолиятида қонунийликнинг таъминланганлигига ёки унга қай даражада риоя этилаётганлигига боғлиқдир.

Қонунийлик — демократик ҳуқуқий жамият мавжуд бўлиши ва ривожланишининг асосий белгисидир. У фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, демократик институтларни, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва амалга оширишни, давлат аппаратини қуриш ва фаолият кўрсатишини таъминлаш учун зарурдир.

Қонунийлик барча давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва аниқмай бажарилишидир.

Ҳуқуқшунос олим Ю.М.Козлов, давлат бошқарувида қонунийлик тушунчасига тўхталиб:

биринчидан, барча учун қонунларнинг умуммажбурийлигини;

иккинчидан, қонунийликнинг ягоналигини; учинчидан, қонунийлик ва мақсадга мувофиқликнинг мос келишини;

тўртинчидан, қонунийлик ва аҳоли ҳуқуқий маданиятининг чамбарчас боғлиқлигини;

бешинчидан, ҳар қандай қарор қабул қилинганда, қонунийлик ва адолатнинг бир ўринда туришини;

олтинчидан, давлат бошқарувида қонунийлик

уни бузганлик учун жавобгарлик муқаррар белги-ланганида таъминланиши мумкинлигини кўрсатиб ўтади².

Хуқуқшунос олим А.А.Кармолицкийнинг фикрича эса, қонунийлик — давлат бошқаруви жараёнида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб:

биринчидан, бошқарув жараёнида давлат органларининг иқтисодиёт, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилишга раҳбарлик қилиш сингари фаолияти амалга оширилади. Қонунийликка риоя қилиш — мазкур тизим олдидан турган вазифа ва функцияларнинг самарали амалга оширилишини белгилаб берувчи асосий восита ҳисобланади;

иккинчидан, бошқарув субъектлари ўзларининг функциялари ва ваколатларини амалга ошириш орқали ҳуқуқни қўллаш фаолиятини олиб борадилар. Бу бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан боғлиқдир;

учинчидан, бошқарув фаолияти кўпгина субъектлар (ижро ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ва бошқалар) томонидан амалга оширилади. Улар фуқаролар ва турли хилдаги ташкилотлар билан муносабатга киришади. Айнан уларнинг қонунга риоя қилиши ва ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларни аниқ ва тўғри ижро этиши жамият ҳаётига ўз таъсирини кўрсатади;

тўртинчидан, бошқарув органлари жамият ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олувчи ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини амалга оширадилар. Давлат бошқаруви органлари томонидан меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, биринчи навбатда қонунийликка асосланади. Давлат органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг қонун доирасида олиб борилиши, улар кафолатини мустаҳкамлайди;

бешинчидан, бошқарув органлари маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш соҳасида кенг ваколатларга эгадир. Давлат органлари маъмурий юрисдикцияни амалга ошира бориб, юзага келган низоларни мустақил ҳал этадилар ва давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш орқали ҳуқуқбузарларга таъсир кўрсатадилар³.

Хуқуқшунос олимларнинг қонунийлик ва унинг хусусиятларига нисбатан билдирган фикрларини умумлаштириб, шундай хулосага келиш мумкинки, қонунийликни таъминлаш:

биринчидан, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятида қонунийлик талабидан четга чиқишига йўл қўймаслик;

иккинчидан, қонунбузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш;

учинчидан, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш;

тўртинчидан, бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни қайта тиклаш;

бешинчидан, қонунбузилишига йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш;

олтинчидан, қонунбузилишларига йўл қўймас-

лик мақсадида, маълум бир чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутати.

Аксарият юридик адабиётларда давлат бошқаруви жараёнида қонунийлик ва интизомни таъминлашнинг асосий усули сифатида — контроль, назорат, текшириш ва шикоят қилиш кўрсатиб ўтилган.

Контроль — қонунийлик ва интизомни таъминлаш усули сифатида ёки давлат органларининг функцияси, яъни бошқарув фаолиятининг йўналиши сифатида намоён бўлиши мумкин.

Контроль — ижтимоий бошқарув тизимида катта аҳамиятга эга бўлиб, у ҳокимият субъектларининг мавжуд ҳолатлари тўғрисида, қарорларнинг ижро этилганлиги ҳақида маълумотларни олишда хизмат қилади.

Контролни амалга ошириш жараёнида:

— контроль остига олинган объектнинг ҳолати таҳлил қилинади ва унга баҳо берилади;

— ҳал этилмаган масалалар аниқланади;

— амалий тажриба умумлаштирилади ва қўлланилади;

— ижро этувчиларга турли хилдаги ёрдам берилади.

Демак, контроль — давлат органлари олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини, уларнинг фаолиятида қонунийлик ва интизомнинг таъминланишини белгиловчи асосий воситадир.

Хуқуқшунос олим Д.Н.Бахрах фикрича, контроль ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, агар фаолиятнинг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги текшири-лаётган бўлса, бу — контроль, агар фаолиятнинг қонунийлиги текширилаётган бўлса, бу — назоратдир. Назорат — бу қискартирилган контрол-дир⁴.

Назорат — махсус ваколатли давлат органлари томонидан ўзига бўйсунмаган объект фаолиятида қонунийликни таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган бошқарув фаолиятининг бир туридир.

Назорат олиб бориш жараёнида назорат остига олинган объектнинг фаолиятига фақатгина қонунийлик нуқтаи назаридан баҳо берилади, уларнинг маъмурий-хўжалик фаолиятига аралаш-ишга йўл қўйилмайди.

Назорат махсус давлат назорати органлари томонидан ёки прокуратура органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат назорати, кўпгина юридик адабиётларда, иккига бўлинган: прокурор назорати ва маъмурий назорат.

Давлат бошқарувида прокурор назоратни ташкил этиш ва уни олиб бориш, аввало, давлат мустақиллигига эришилиши билан Ўзбекистон миллий прокуратурасининг ташкил топишига асосланади. Бунинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида"ги Фармони⁵га ҳамда Ўзбе-

кистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунлар аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан олий назоратни таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, жумҳурият суверенитетини ҳимоя қилиш мақсадида собиқ Иттифоқ қармоғидаги Ўзбекистон ССР прокуратураси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилишини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз прокуратура органларининг мақоми ва ваколатларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлади. Қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишдек конституциявий вазифа Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар зиммасига юкланди.

1992 йил 9 декабрь куни "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун⁶нинг қабул қилиниши билан прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди.

Прокуратура тизимини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичи прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиши, уларнинг ҳуқуқий мақомига ўзгартиришлар киритилиши ва унинг демократик асосларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлиб, 2001 йил 29 августда янги таҳрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун⁷ қабул қилинди.

Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Юқорида келтирилган ҳуқуқий асосларга кўра, Давлат бошқаруви органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича назоратни олиб бориш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Яъни бу вазифаларни вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонида кўра, давлат бошқаруви органлари жумласига вазирликлар, давлат кўмиталари, кўмиталар, агентликлар, шунингдек улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқа-

руви тузилмалари киради. Фармонга мувофиқ давлат бошқаруви органларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда рўёбга чиқарилишини, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилишини таъминлаш;

ташқи ва ички сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигини таъминлаш; мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқариш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ижтимоий соҳада умумдавлат бошқарув тизими фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш;

солиқлар, божхона тўловларини йиғиш, давлат даромадларини тақсимлаш йўли билан хазинага оид вазифаларни амалга ошириш.

Демак, мамлакатда давлат бошқаруви органлари томонидан олиб бориладиган мазкур вазифа ва функцияларни тўла қонун ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари доирасида олиб борилишининг назорати прокурор назоратининг асосий объектларидан бири ҳисобланади. Яъни мазкур йўналишда прокурор назорати — прокуратура органларининг давлат бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши, улар томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Республика Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан тизимли, самарали назоратни ташкил этади, қонунийлик аҳволини таҳлил қилади, ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги қонунбузилишларини, суиистеъмолликларни ўз вақтида аниқлайди ва уларни бартараф этиш чораларини кўради.

Давлат бошқаруви органлари фаолиятида қонунийлик аҳволини ўрганиш мақсадида прокурор назоратини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасига асосан, мазкур органларнинг ҳужжатлар ва материалларини кўриши, текширишлар ўтказиши, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни та-

лаб қилиб олиш, тўплаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш орқали амалга оширилади.

Прокурор назорати натижасида аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг 38-42-моддаларида қайд этилган ҳужжатлардан, яъни протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув каби прокурор назорати ҳужжатларидан бири қўлланилади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлисининг 2001 йил 29 август куни бўлиб ўтган 2-чақириқ 6-сессиясидаги "Адолат — қонун устуворлигида" номли маърузасида прокуратура идоралари хусусида: "Прокуратура қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислохотларнинг ўтказилишида, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал этувчи ўрин тутди", "Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва контроль органларининг ҳуқуқий ҳужжатлар қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир"⁸, деб берган таърифлари бу идора олдида турган масъулиятнинг нақадар салмоқли эканини белгилайди.

Ушбу вазифанинг тўлақонли бажарилишининг таъминланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2014 йил 24 июлдаги Фармони⁹га биноан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибида Қонунчилик ижроси устидан назорат бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар таркибида — Бош бошқарманинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди.

Мазкур Бош бошқарма зиммасига ҳуқуқ ва қонун устуворлигини ҳимоя қилиш ва таъминлаш билан бирга қўйидаги энг асосий вазифа юклатилди:

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларининг ижроси ҳамда улар томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йилнинг ўтган даврида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича қўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботида қайд этилишича, мазкур Бош бошқарма томонидан Қонунларнинг ижро этилиши юзасидан ҳисобот даврида ўтказилган 17 мингдан ортиқ текшириш якунлари бўйича прокуратура органлари томонидан 115228 та прокурор назорати ҳужжати қўлланилган, 87 094 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланган. Давлат органларининг қонун ҳужжатларига зид бўлган 19 578 та ҳужжатига протест келтирилиб, кейинчалик улар бекор қилинди ёки қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилган.

Қонунбузилиши, унинг келиб чиқиши сабаблари ва бунга имконият бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 20 185 та тақдимнома киритилган. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида 14 406 нафар мансабдор шахсга қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирув эълон қилинган. 66 мингдан ортиқ шахснинг интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиши таъминланган. Қарийб 175 миллиард сўм миқдорда етказилган моддий зарарни ундириб олиш тўғрисида судларга 27 849 та ариза киритилиб, 4 195 та жиноят иши қўзғатилган¹⁰.

Бундан аёнки, давлат бошқарувида қонунийлик ва уни таъминлашда прокурор назоратининг бутун эътибори — бошқарув жараёнида давлат органларининг иқтисодиёт, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилишга раҳбарлик қилиш фаолиятида қонунийликка риоя қилиш ва ўз олдида турган вазифа ва функцияларнинг самарали амалга оширилишини назорат қилишга қаратилган.

¹ И.А.Каримов. Асосий вазифамиз - жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. -Тошкент: Ўзбекистон, 2015. 27-б.

² Козлов Ю.М. Административное право. - М., Юристъ, 2003. -с.210-215.

³ Алексин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право Российской Федерации. Учебник. - М., Зерцало, 1998. -с.361.

⁴ Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Стариков Ю.Н. Административное право: Учебник для вузов. - М., Норма, 2004. -с.710-712.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 2-сон, 97-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 29-модда; 6-сон, 266-модда.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 168-модда; 2003 йил, 5-сон, 67-модда.

⁸ И.А. Каримов. Адолат - қонун устуворлигида. Халқ сўзи. 2001 й., 30 август.

⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил., 32-сон, 395-модда.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг СҚ-70-III сонли қарори. 2015 йил 4 декабрь.



Шухрат АБАКУЛОВ,
 Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг
 Криминалистика лабораторияси катта криминалисти

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА АМАЛДА ПУШАЙМОН БЎЛИШНИНГ ХУСУСИЯТИ ВА ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

- ◆ Мақолада жиноят содир этган шахснинг амалда пушаймон бўлиш ҳолатининг хусусиятлари, аломатлари ва ижтимоий-ҳуқуқий аҳамияти, унинг механизми ва шаклларининг намоён бўлиши ёритилган.
- ◆ В статье раскрываются сущность, признаки и социально-правовое значение деятельного раскаяния, механизм и формы его проявления лицом совершившего преступления.
- ◆ The article addresses the essence, characteristics, social and legal importance of active repentance, mechanisms and forms of its demonstration by a person committed a crime.

Таянч сўзлар: амалда пушаймон бўлиш, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, келтирилган зарарни бартараф қилиш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш.

Ключевые слова: деятельное раскаяние, заявление о повинной, заглаживание причинённого вреда, освобождение от уголовной ответственности.

Key words: active repentance, statement of guilt, reparation of damages, exemption from criminal liability.

Асрлар мобайнида мамлакатимизнинг ва хорижий давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашиш сиёсати тажрибаси фақат жазони кучайтириш орқали жиноятлар содир этилишини камайтириш ва уларни тўла фош этишга эришиб бўлмаслигидан далолат бермоқда. Бундай тажрибани эътиборга олиб, Ўзбекистоннинг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари зарур ҳолларда рағбатлантирувчи нормаларга мурожаат этиб, фуқароларга жазодан озод қилиш кафолатини таъминлаш орқали ихтиёрий равишда жиноий фаолиятини тўхтатиш, содир этган қилмиши учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки истисно қилувчи амалда пушаймон бўлишни намоён этишни тақлиф қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрь кунги "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 277-сонли Қонуни билан амалда пушаймон бўлиш институтини такомиллаштириш юзасидан қўшимча нормалар киритилганлиги бундай фикрнинг яққол намунаси.

Таъкидлаш жоизки, ушбу Қонун билан Жиноят кодексининг 66-моддаси номи ўзгартирилиб, "Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган-

лиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш" деб номланди ва моддага қўшимча иккинчи қисм киритилди. Мазкур модданинг биринчи қисмида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин қўнғилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги, шунингдек 277-сонли Қонуни билан қўшимча киритилган иккинчи қисмига мувофиқ, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда жавобгарликдан озод қилиниши тўғрисидаги норма мустаҳкамланган. Шу тариқа, амалда пушаймон бўлиш жиноят содир этган шахснинг ижобий ва қонунчилик билан рағбатлантирувчи хулқ-атвори ҳисобланади. Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини самарали қўллашнинг муҳим шартлардан бири жиноят содир этган шахснинг индивидуал хулқ-атворини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда жиноий-ҳуқуқий соҳани тартибга солишда жиноий жавобгарликни ва жазо-

лашни табақалаштириш ҳамда индивидуаллаштиришнинг аҳамияти тобора ошмоқда. Жиноят ҳуқуқи соҳаси етакчи мутахассис ва олимлари томонидан оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун қаттиқ жавобгарликни сақлаган ҳолда, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганлик учун жазони енгиллаштириш ёхуд жиний жазони бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари билан алмаштириш мутлақо одилона амалиёт эканлигини қайд этмоқдалар.

Жиноятларнинг олдини олиш, фош этиш ва тергов олиб боришда фуқароларнинг фаоллигини намоён қилишга ундайдиган ҳуқуқнинг рағбатлантирувчи нормаларини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотлар олиб борилмоқда. Давлат субъектларнинг ижобий фаоллигини рағбатлантиришга эътибор қаратган ҳолда, содир этган жинояти учун қонуний асосларда жазони енгиллаштиришга, алоҳида ҳолларда эса бутунлай жиний жавобгарликдан озод қилишга интилоқда ва жамиятимизнинг ҳозирги замонавий ривожланишида қонунни бундай қўллаш амалиётига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимиздаги каби аксарият хорижий давлатларнинг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳам айбдорнинг жамият учун ижтимоий фойдали йўналтирилган фаол ҳаракатларига ижобий қарашлар тўғрисидаги рағбатлантирувчи нормалар мавжуд. Хусусан, Болгария, Вьетнам, Монголия Жиноят кодексларида, агар жиноятни содир этган шахс ўзининг қилмишлари оқибатида келиб чиқаётган зарарни ихтиёрий равишда бартараф этса, жазога тортилмаслиги белгиланган. Шу билан бирга, бундай ҳаракатлар жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб ҳисобланмайди. Бинобарин, шахснинг зарарни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари фаол ҳамда муваффақиятли натижаларда намоён бўлиши зарур. Агар шахснинг зарарни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари муваффақиятсиз тугалланган бўлса, бундай ҳолда судга фавқулодда енгилроқ жазо тайинлаш ҳуқуқи берилган.

"Амалда пушаймон бўлиш" тушунчаси кўпгина хорижий мамлакатларнинг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган ва кенг қўлланмоқда. Германиянинг Жиноят кодексига суд томонидан жазо тайинлашда айбдорнинг жиноят содир этганидан кейинги хулқ-атвори ва аниқса келтирилган зарарни бартараф қилишга қаратилган уринишларини ҳисобга олиш заруриги назарда тутилган.

Япония Жиноят кодексининг нормаларига мувофиқ, агар шахс жиноятни содир этганидан сўнг айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиб келса, башарти ушбу жиноят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан олдин аниқланмаган бўлса, жазонинг енгилроқ тури қўлланилиши

мумкин.

АҚШнинг жиноят-процессуал қонунчилигида айбланувчининг ўз айбини бўйнига олишлиги ҳақида айбловчи ва ҳимоячи ўртасида келишув тузилган бўлса ҳамда ушбу келишувга мувофиқ айбланувчи ўз айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилса, унинг иши судда (судьянинг яққа ўзи) тезлаштирилган ёки соддалаштирилган суръатда кўрилиши ва анча енгилроқ жазо тайинланиши кафолатланадиган самарали келишув институти кенг қўлланилади. Бундай ҳолда, айбланувчи ўзига нисбатан кўзғатилган жиноят ишини кўриб чиқиш учун ўзига маъқул бўлган ва мурувватли одам сифатида тан олинган судьяни танлаш ҳуқуқига эга.

Бельгия ва Голландиянинг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида олти йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоси тайинланиши назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар унинг ҳаракатларида амалда пушаймон бўлиш аломатлари мавжуд бўлса (ўз айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилса, ихтиёрий равишда етказилган зарарнинг ўрни қопланган бўлса), жиний жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган.

Италия жиноят қонунчилигида эса, амалда пушаймон бўлиш институти мафияга қарши қўлланилади. Амалда пушаймон бўлишни намоён қилган жиноятчи, агар у ўз айбига иқрор бўлса ва шериклари ҳақида кўрсатувлар берса, жазо муддати беш мартагача камайтирилиши мумкин.

Бундан ташқари, Франция, Греция, Норвегия, Туркияда ҳам амалда пушаймон бўлишни намоён этган шахсларга нисбатан судда иш юритилмасдан жиний жавобгарликдан озод қилиш амалиёти кенг тарқалган.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилиги ҳам айбдор шахсларнинг жиноят содир этганидан кейинги ижтимоий фойдали хулқ-атворини (амалда пушаймон бўлиш) ҳисобга олиш назарда тутилган ривожланган нормалар тизими эга.

Амалда пушаймон бўлиш ниҳоятда ноёб ҳуқуқий ва психологик ҳодиса бўлиб, иш юритиш жараёнининг барча босқичларида дастлабки тергов органлари ҳамда суд томонидан ҳар томонлама тадқиқ ва таҳлил қилиниши ҳамда баҳо берилиши лозим, негаки у ўзида субъектнинг жавобгарлигини ёки жазони енгиллаштирадиган ёхуд бутунлай озод қилиш ҳолатларини қамраб олади.

Амалда пушаймон бўлишнинг объектив ва субъектив аломатлари (жиноят содир этган шахснинг айбига иқрор бўлиши ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиши, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш, келтирилган зарарни бартараф

етиш ёки етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш) бўлган асосий таркибий қисмларини ўзаро боғлиқликда пухта ва ҳар томонлама таҳлил қилиш алоҳида аҳамият эга, чунки бундай таҳлил уларнинг хусусияти ва аҳамиятини, механизм ва шакллари ва намоён бўлиши, исбот қилиш усуллари, процессуал воситалари ҳамда уларга ҳуқуқий баҳо беришда чуқур мазмунли тушунишга имконият беради.

Жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида юқорида кўрсатилган ҳар бир ҳолатнинг аҳамияти ва ролига баҳо бериш жуда ҳам мушкул. Шунинг учун назаримизда амалда пушаймон бўлишнинг объектив аломатларининг энг муҳими ҳисобланган, шахснинг ўз айбига иқрор бўлиш ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ҳолатини кўриб чиқиш мантиқан тўғри ва мақсадга мувофиқ.

Амалдаги қонунчилигимизда жиноят содир этган шахснинг ўз айбига иқрор бўлиш ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ҳолатининг тушунчаси ва мазмун-моҳияти ёритилмаган. Ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиш ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ижтимоий-ахлоқий, руҳий категорияга тегишлидир. Ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, ўз айбига иқрор бўлиш ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиш чуқур ички қайғуриш, жиноят содир этганидан афсусланиш, содир этган ҳаракатлари жамият учун зарарли эканлигини англаб етиш, ҳаққоний кўрсатувлар бериш, қилмишининг ғайриқонуний салбий сифатида баҳолаш билан тавсифланади. Иқрорликнинг пайдо бўлишига орномус, виждон, содир этган жиноят учун жавобгарликнинг мавжудлиги ва муқаррарлигини тушуниш, англаш, фуқаролик бурчи, ўзини ўзи жазолаш ва қоралаш, шунингдек қонунлар, ахлоқ қоидалари ҳамда жамоат нормаларини ҳурмат қилиш каби одамнинг туйғулари сабаб ва ички туртки бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бундай ҳолат кўрқув, оилада аввалги яхши муносабат ҳамда алоқаларни йўқотиш, натижада ёлғизликда қолиб кетишни истамаслик, яқинлари, дўстлари ва атрофдагилар ўртасида ишонччи йўқотиш, жабрланувчига раҳми келиши оқибатида юзага келиши ҳам мумкин. Кўпинча иқрорлик қилишга ундайдиган сабаблар қаторига жазоланишдан кўрқиб, жиноий жавобгарликдан озод бўлиш ёки енгилроқ жазога тортилишга интилиш, худди шунингдек бундай ҳолат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари томонидан айбдорга қонунчилигимизда назарда тутилган амалда пушаймон бўлишнинг ижобий томонларини, яъни жавобгарлик ёки жазодан озод қилиниши ёхуд енгилроқ жазога тортилиши юзасидан мантиқий ва ишонарли тушунтириш орқали пайдо бўлади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш амалда пушаймон бўлишнинг шарт бўлган қисмидир. Миллий жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигимизда айбини бўйнига олиш тўғри-

сида арз қилиш тушунчаси ва мазмун-моҳияти етарли таърифланмаган бўлса-да, бундай юридик аҳамиятли ҳолат ЖК (55-моддаси биринчи қисмининг "а" банди) ва ЖПК (113-моддаси ва 322-моддаси биринчи қисмининг 5-банди)ларда акс эттирилган. ЖПКнинг талабларига мувофиқ, айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз жиноят ишини кўзғатиш учун сабаб бўлади ҳамда суриштирувчи, терговчи ва прокурорга бундай ҳолатни процессуал тартибда қайд қилиш мажбурияти юкланади. Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган шахс, содир этган жинояти ёки жиноятлари ҳақида тўла ва ҳаққоний иқрорлик қилиши даркор. Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз — ариза берувчининг ўзи содир этган жинояти тўғрисида у шу жиноятни содир этишда гумон қилинмасдан ва унга айблов эълон этилмасдан олдин берган хабардир (ЖПКнинг 113-моддаси биринчи қисми). Мазкур норманинг талабларига мувофиқ, содир этган жинояти учун ушланган шахс айна ушланган жинояти юзасидан арз қилмоқчи бўлса ёхуд у тақдим этилган далиллар мажмуаси унинг аҳволини чорасизликка солиб қўйилиши оқибатида арз қилишга интилса, айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз деб эътироф этилмайди.

Демак, айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз — шахснинг содир этган ҳар қандай жинояти ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳаққоний ва чин кўнгилдан бевосита, худди шунингдек ихтиёрий равишда берилган хабардир. Амалда пушаймон бўлишнинг таркибидаги айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилишнинг аҳамияти яна шундан иборатки, у иқрорликнинг амалий хусусияти сифатида ифодаланади ҳамда ҳақиқийлигини тасдиқлайди.

Жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш деганда, гумон қилинувчи, айбланувчи ўзининг ҳаракатлари билан ихтиёрий равишда ҳамда ички ишончлари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноят содир этиш кўроли, излари ва воситаларини, иш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларни, жиноятнинг бошқа иштирокчиларини аниқлаш, фош этиш ва қўлга олишда, шунингдек жиноят қилиш шароити ва сабабларини аниқлашда фаол кўмаклашишни англатади.

Шунингдек, жиноят содир этиш оқибатида келтирилган зарарни бартараф қилиш, амалда пушаймон бўлишнинг таркибида аҳамиятли қисми бўлиб ҳисобланади. Келтирилган зарарни бартараф қилиш — жиноятчи томонидан бундай зарар келиб чиқишининг олдини олиш, йўл қўймаслик ёки унинг миқдори ва ҳажмини қамайтиришга қаратилган онгли ҳамда ихтиёрий равишда йўналтирилган ҳаракат деб тушунилади.

Миллий жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида айбдорнинг жиноят содир этганидан кей-

инги хулқ-атвориға катта аҳамият берилмоқда, яъни унинг содир этган қилмишиға муносабати, криминал хатти-ҳаракатининг зарарли оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш, келтирилган зарарни қоплашға ва жамият олдида айбини ювишға интилиши шулар жумласидандир.

Амалда пушаймон бўлишнинг ҳуқуқий аҳамияти шундан иборатки, бу ҳол содир этилган жиноятни очишни осонлаштириш билан бир қаторда, қонунда назарда тутилган жиний жавобгарликни енгиллаштириш, ҳаттоки жазодан озод қилиш шарти ва асосларидан ҳисобланади. Шу сабабли жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида, шунингдек дастлабки тергов органлари ва судларнинг одил судловни таъминлашға қаратилган амалий фаолиятида амалда пушаймон бўлиш институтини кенг қўллаш жиноят содир этган шахсларға нисбатан табақалаштириш ва индивидуал ёндашишни таъминлашға йўналтирадиган муҳим омил ҳисобланади.

Амалда пушаймон бўлишнинг асосий моҳияти, жиноят содир этган шахс ўз айбига иқрор бўлганини ифода қилишдан иборат бўлиб, бундай иқрор бўлиш фақатгина оғзаки эмас, балки унинг аниқ ҳаракатлари ва ишлари билан тасдиқланиши лозим. Бундай ҳаракатлар қаторига содир этган жинояти бўйича ўз айбига иқрор бўлгани тўғрисидаги аризасидан ташқари, айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, жиноятнинг очилишиға фаол ёрдам бериш ва келтирилган зарарни бартараф қилиш киради.

Агар шахс ўзининг жиний қилмишларини содир этганидан сўнг зарарли оқибатларни бартараф қилиш, жабр кўрган шахсға биринчи навбатдаги тиббий ёрдам кўрсатиш, ички ишлар органлари ходимларини чақириш ва шу каби бошқа фаол ҳаракатларни бажаришға интилса, бундай ҳолда унда амалда пушаймон бўлиш аломатлари намоён бўлганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Икки ёки бир неча шундай ҳаракатлар ўзаро ўзвий ва бир-бириға боғлиқ ҳолда содир этилган бўлсагина, амалда пушаймон бўлиш ҳолати пайдо бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Юқорида кўрсатилган ҳаракатларнинг фақат биттаси мавжуд бўлган тақдирда амалда пушаймон бўлиш ҳолати сифатида эмас, балки жавобгарликни енгиллаштирувчи алоҳида ҳолат деб қаралиш лозим.

Бошқа сўз билан айтганда, амалда пушаймон бўлиш — бу ижтимоий фойдали, жиноят содир этилганидан кейинги иқтисодий, ижтимоий, психологик, маънавий, ахлоқий ҳамда айбни ювиш истагини уйғонишға ундайдиган ижобий хулқ-атвор ҳисобланади. Бундай ҳолат шахснинг содир

этган жинояти учун фақат маънавий ва руҳий ҳолати билан чегараланиб қолиши мумкин эмас. Амалда пушаймон бўлиш фақатгина қайғуриш ва содир этган қилмиши учун ўзини қоралаш билан етарли бўлмайди, ваҳоланки, бундай ҳолат албатта фаол ҳаракатларда ифода этилиши лозим. Одамнинг руҳий ҳолати ва хусусияти, ҳаракатларининг сабаби ва мақсадлари, агар улар аниқ ҳақиқий ишлар билан ифодаланмаган бўлса, амалда пушаймон бўлиш деб ҳисобланмайди. Одам ва унинг хулқ-атвори тўғрисида фақат унинг амалда қилган ишлари бўйича фикр юриштиш ва баҳо бериш мумкин. Шу тарика, амалда пушаймон бўлиш субъектнинг содир этган жиноятиға шахсий ва руҳий муносабатида акс эттирилиб, бундай хусусият қоида тариқада унинг қилган қилмиши бўйича афсусланиш ва қайғуриш шаклида намоён бўлади.

Амалда пушаймон бўлишнинг жиний-ҳуқуқий аҳамияти фақатгина инсонпарварлик ва одиллик принципларини тўлароқ амалға оширишнинг имкониятини бериши билангина эмас, балки жиноятчиликка ва айниқса уюшган жиноятчиликка қарши курашишда ҳамда аниқ жиноятларни фош этишда самарали ва аҳамиятли натижаларға эришишға имконият бериши шубҳасиздир. Бундай ҳол жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси, айрим ҳолларда эса содир этилган жиноятнинг ўзи ижтимоий хавфлилик даражаси камайганлиги (яъни айбдор ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқилишининг олдини олган ёки келтирилган зарарни қоплаган) тўғрисида гувоҳлик бериши мумкин.

Амалда пушаймон бўлиш ҳолатини исбот қилиш жараёни ўзининг мазмуниға кўра, бир қатор ўзига хослиги билан шартланган. Гумон қилинувчи, айбланувчининг амалда пушаймон бўлиш ҳолатининг келиб чиқиш сабаблари ўзига хос хусусиятлардан иборат ва бунда жиноят содир этган шахснинг нафақат моддий ёки шахсий манфаатлардан, балки унинг руҳий ҳаяжонланишини бошдан кечириш билан изоҳланади.

Амалда пушаймон бўлишнинг жиний-ҳуқуқий оқибатлари пушаймон бўлган шахс томонидан янги жиноят содир этишнинг олдини олиш ҳамда унинг ахлоқини тузатиш ва уни қайта тарбиялашда имконият ва замин яратишда ифодаланиши мумкин. Бундан ташқари, шахснинг жиноят содир этганидан кейинги ижобий хулқ-атвори жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда самарали восита бўлиши шубҳасиздир.



Алишер ҲИДОЯТУЛЛАЕВ,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари кафедраси бошлиғи в.б.

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ШАКЛИ СИФАТИДА АККРЕДИТИВ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

- ◆ Мақолада нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари ҳуқуқий тартибга солиш масалалари муҳокама этилган.
- ◆ В данной статье обсуждены вопросы правового регулирования форм безналичных расчетов.
- ◆ In the article it is discussed the issues of legal regulation of the forms of non-cash calculations.

Таянч сўзлар: Нақд пулсиз ҳисоб-китоб, аккредитив, шартнома, тарафлар, тўлов.

Ключевые слова: Безналичный расчет, аккредитив, договор, стороны, оплата.

Key words: Cashless, letter of credit, agreement, side, payment.

Жамиятдаги муайян турдаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда дастлаб мазкур муносабатларни ташкил этувчи элементлар доирасидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш зарур. Хусусан, фуқаролик ҳуқуқи субъектлари ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш Фуқаролик кодексининг 790-моддасига кўра, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ва фуқаролар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пуллар билан ёки нақд пулсиз суммаси чекланмаган ҳолда амалга оширилиши мумкинлигини белгилайди.

Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳолда улар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, нақд пулда ҳам амалга оширилиши мумкин. Агар қонундан бошқача тартиб келиб чиқмаса ва бундай тартибни фойдаланилаётган ҳисоб-китоблар шакли тақозо этмаса, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар уларда қатнашаётган шахсларнинг ҳисобварақлари очилган банклар, бошқа кредит ташкилотлари орқали амалга оширилади¹.

Ҳозирги кунда ҳисоб-китобга оид ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда турли хил ёндашувлар мавжуддир. Ушбу муносабатларнинг юридик табиатига кўра, маълум бир пул суммаларини тўлаш, мол-мулкни бошқа шахсга топшириш, ўзида маълум бир қимматликларни ифода этувчи эквивалентга эга бўлган усуллар орқали ҳисоблашишга доир мажбуриятларни тугатишга қаратилган ҳаракатлардир.

Кўпгина муаллифларнинг таъкидлашича, ҳисоб-китоблар — пул мажбуриятлари бўйича қарздорликни қоплашга қаратилганлиги билан изоҳланади. Хусусан, И.А.Ивановнинг эътирофича, ҳисоб-китоблар қачонки, тўловлар билан яқунланганда ушбу мазмунни ўзида касб этади. Шу билан биргаликда тўловлар қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича ўз қарздорлигини қоплашга қаратилганлиги ҳисоб-китоблар жараёнининг мантиқий давоми сифатида қаралади.

Ҳисоб-китобларга оид ҳуқуқий муносабатларни кенг маънода талқин этганда, унга кўра фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинувчи у ёки бу асосларда хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида товар-пул муносабатларидан келиб чиқадиган мустақил пул мажбуриятлари тушунилади. Мазкур ҳуқуқий муносабатга тор маънода қаралганда эса, улар пул мажбуриятининг ало-

ҳида бир кўриниши ҳисобланиб, қарздор ўз зиммасидаги мажбуриятини ўзаро келишувга мувофиқ, маълум бир миқдордаги пул суммасини кредиторга тўлашни тижорат банклари ёки кредит муассасалари орқали амалга оширилиши тушунилади.

Амалдаги қонунчиликка биноан нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари ФКнинг 791-моддасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилганда тўлов топшириқномалари, аккредитивлар, чеклар билан ҳисоб-китоб қилишга, инкассо бўйича ҳисоб-китоб қилишга, шунингдек қонунга мувофиқ чиқариладиган банк қоидаларида ҳамда банк амалиётида қўлланилаётган иш муомаласи одатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳисоб-китоб қилишга ҳам йўл қўйилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб термини асосан икки хил маънода тушунилади. Кенг маънода тушунилганда пул мажбуриятларини ундириш жараёнини нақд пулсиз шаклда амалга оширишдир, тор маънода эса, муайян мижознинг топшириғига кўра, банкдаги ҳисобидан олдиндан келишилган ва маълум бир ҳақ эвазига белгиланган муддатда мижоз ҳисобидан бирор шахс ҳисобига пул ўтказиш ёки ҳисобига пул тушириш мажбуриятларини амалга ошириш жараёни тушунилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимидаги яна бир муҳим элементлардан бири бу нақд пулсиз ҳисоб — китоблар шакллари дир. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган тўловлар ва ҳужжатларни қўллаш услублари мажмуидир.

Амалда Ўзбекистон Республикасининг банклари томонидан қуйидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шаклларида кенг фойдаланилмоқда:

- 1) тўлов топшириқномалари;
- 2) аккредитивлар;
- 3) инкассо;
- 4) чеклар²;

Ҳозирги кунга қадар фуқаролик ҳуқуқида нақд-пулсиз ҳисоб-китоблар шакли категориясига оид бир қанча мунозарали баҳслар ҳамда турли хилдаги фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Хусусан, Ф.Х.Либерман томонидан билдирилган фикрга кўра, нақд-пулсиз ҳисоб-китоблар шакли деганда — қарздор қонун билан ўрнатилган усуллардан фойдаланган ҳолда, банк муассасалари орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар билан биргаликда ихтиёрий равишда ўз мажбуриятларини бажаришдир³.

Юқорида келтирилган таърифга қўшилган ҳолда, Л.Н.Зайцев ҳисоб-китоблар шакли деганда муомалада бўлган ташкилий ҳужжатлар ва тўлов усулларининг мажмуи сифатида баҳолайди⁴.

И.Б.Иловайскийнинг таъкидлашича, барча нақд-пулсиз ҳисоб-китоблар учун умумий мезон сифатида ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг объек-

ти кредит ташкилотлари тўловчининг ҳисобварағидан пул маблағларини олувчининг ҳисобварағига ўтказишга қаратилган ҳаракатлар ҳисобланади. Ҳисоб-китоб усуллари ва ҳисоб-китоб кўринишига эга бўлган ҳужжатлар амалдаги ҳисоб-китоб шакллари бир-биридан фарқловчи ягона хусусият сифатида намоён бўла олмайди. Чунки, нақд-пулсиз ҳисоб-китобларнинг шакли бир-биридан фарқловчи хусусиятларидан бири ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни ва субъектлар таркибидир. Шу билан биргаликда ҳисоб-китоблар шакли деганда нақд пулсиз тўловларни амалга ошираётган субъектлар ўртасида вужудга келаётган мажбуриятлар мажмуи тушунилади⁵. В.А.Беловнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шаклига билдирган фикрига кўра, унда банк ҳисобварағи эгасининг хоҳишига кўра, ўз ҳисобварағидан бошқа бир шахс ҳисобварағига ўтказилаётган пул маблағларига оид бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш ва тасдиқлашдан иборатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда халқаро савдо муносабатларида ҳамда ҳужжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолият доирасида экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда аккредитив ҳисоб-китоб шаклидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Шунингдек, ушбу ҳисоб-китоб шакли бошқа нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларига нисбатан муайян афзаллик жиҳатларга эга эканлиги, шартномавий муносабат иштирокчилари ҳисобланган тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишда кенг имкониятлар мавжудлиги билан алоҳида равишда ажралиб туради.

Фуқаролик кодексига кўра, аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилинганида мижознинг (тўловчининг) топшириғи билан ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент) маблағларни олувчи ёки у кўрсатган шахс ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида нақд-пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида"ги низомда аккредитив ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклида, мижознинг (тўловчининг) топшириғига ва унинг кўрсатмасига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент), ўз зиммасига унинг контрагенти — маблағ олувчи фойдасига тўловни амалга ошириш мажбуриятини ёки маблағ олувчи томонидан аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатларни ва бошқа шартларни бажариш шarti билан ушбу тўловларни амалга ошириш бўйича ваколатларни бошқа банкка тақдим этишни ўз зиммасига олади.

Келтирилган таърифлардан шундай хулоса келиш мумкинки, бугунги кунда аккредитивга нисбатан юридик нуқтаи назарга асосланган ягона доктринал тарзда ёндашув мавжуд эмас.

Шу боисдан аккредитивнинг ҳуқуқий табиатини аниқлашга доир турли хил ёндашувлар ва назариялар мавжудлиги шундан гувоҳлик берадики, амалдаги қонунчилик билан ҳозирги савдо муносабатлари ривожланиши давомида аккредитивга оид бўлган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ нормаларнинг аксарият ҳолларда миллий қонунчилик ўзаро номувофиқлиги боис ҳам ҳозирда ҳуқуқни қўллаш амалиётда қўллашда бир қанча муаммоли вазиятларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Л.А.Новоселовнинг эътирофича, аккредитив ҳисоб-китоб шаклларида келиб чиқадиган мажбуриятлар "чигаллик" ҳолатига келиб қолганлиги сабабли, бу ерда қандай муносабатлар вужудга келиши ва унинг асосларини аниқлашда калаванинг учи топилмасдан бу вазиятдан чиқиб кетиш қийиндир⁶.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, доктриналарда терминларни қўллашда чалкашликлар яъни битта термин турли хил тушунчаларни ифодалаш ва ҳар хил мазмунда ишлатилиши ҳолатлари орқали намоён бўлади. Масалан, баъзида адабиётларда аккредитивга оид битим, аккредитив бўйича мажбурият, аккредитив ҳуқуқий муносабатлар каби терминлар қўлланиб келинади.

Аккредитив ҳуқуқий муносабатлар деганда, фуқаролик ҳуқуқи нормалри билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг аккредитив доирасида юз берадиган тўловчи, банк ва маблағларни олувчи ўртасида вужудга келадиган юридик алоқалар мажмуидир.

Аккредитивга оид мажбуриятлар бу — тўловчи ва банк-эмитент ҳамда банк-эмитент ва ижрочи банк ўртасидаги, худди шундай муносабатлар банк-эмитент ва маблағларни олувчи (бенифициар) ўртасида вужудга келадиган муносабатларга айтилади.

Аккредитив битимлари — банк-эмитентнинг биртарафлама хоҳишига кўра таклиф этган (очилган) аккредитив юзасидан банк-эмитентнинг бенефициар олдида мажбурият пайдо бўлишида юридик факт бўлиб хизмат қилади.

Бизга маълумки, аккредитив ўзининг ривожланиш даврида уларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мукамал даражада амалга оширилган деб бўлмайди. Бугунги кунга келиб аккредитив ҳуқуқий муносабатлар халқаро ҳуқуқ нормалари ва давлатларнинг миллий қонунчилиги орқали тартибга солишга ҳаракат қилиб келинмоқда. Масалан: 1995 йил 11 декабрда БМТ томонидан "Захирали аккредитивларни мустақиллиги ва кафолатлари тўғрисида"ги конвенция, 1993 йилда Халқаро савдо палатаси томонидан

қабул қилинган "Ҳужжатли аккредитивлар учун одатлар ва қоидаларнинг унификацияси"нинг қабул қилиниши билан ифодалаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида аккредитив ҳуқуқий муносабатлар Фуқаролик кодексининг (706-803-моддалари) орқали ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 2013 йилнинг 26 апрелдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида"ги низом билан таритбга солиб келинмоқда.

Бундан ташқари, ушбу муносабатларни тартибга солишда юқоридаги норматив ҳужжатлардан ташқари, Л.А.Новоселовнинг фикрича, банк одатлари билан тартибга солиниши мумкин. Яъни бу кўп йиллик аккредитив муносабатларига оид бўлган амалий тажрибаларнинг мажмуи бўлиб, агарда амалдаги қонунчилик мазмунига зид бўлмаса ва қонунчиликда ушбу муносабатларни тартибга солиш бўйича нормаларнинг мавжуд эмаслиги, ўз навбатида банк одатларини қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини алоҳида равишда таъкидлаб ўтади.

Ҳозирги кун нуқтаи назаридан барча иқтисодий жараёнларда экспорт ва импорт қилувчилар томонидан аккредитив ҳисоб-китоб шаклидан фойдаланиш кенг қулайлик тўғдирмоқда шу сабабли ушбу шаклни янада уни кенгроқ моҳиятини очиш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ ўрганиш ушбу муносабат юзасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларнинг тўғри талқин этилиши ва мавжуд бўлган муаммолар ечимин топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

АҚШ Ягона тижорат кодексида аккредитив алоҳида турдаги шартномалар сифатида қаралиб, улар махсус нормалар билан тартибга солинади. Германия суд амалиёти аккредитивни топшириқ шартномаси сифатида эътироф этади. (Германия ФК 662-параграфи). Франция суд амалиётида эса, аккредитивни учинчи шахс фойдасига бажариладиган шартномалар туркумига киритишади. (Франция ФК нинг 119 параграфи).

Бугунги кунда асосий мунозорали масалалардан бири ҳисобланган 1993 йил Халқаро савдо палатаси томонидан ишлаб чиқилган ва нашр этилган "Ҳужжатли аккредитивлар учун одатлар ва қоидалар унификация"сининг (келгусида — УОП 500) юридик мақоми юзасидан турли хил фикр ва мулоҳазалар баён этилмоқда. Ҳужжатли аккредитив учун янги стандартлаштирилган шакллар сифатида захирали ва тижорат аккредитивларини ҳам киритиш мумкин. Унификация қоидаларидан келиб чиқадиган бўлсак, ушбу қоидалар барча ҳужжатли аккредитивларга қўлланилиб, агарда аккредитивга ушбу қоидаларга киритилган бўлса, унинг барча томонлари учун ушбу қоидалар мажбурий ҳисобланади⁷.

АҚШ, Франция, Германия, Италия ва бошқа

мамлакатлар суд амалиётини ўрганиб шундай хулосага келиш мумкинки, Унификация қоидалари халқаро амалиётдаги халқаро одатларни кодификациялаштирганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади⁸. 1978 йил 16 ноябрдаги Брюссел Тижорат судининг хулосасига кўра, УОП хўжалик фаолиятини амалга ошираётган томонларнинг аккредитивдан фойдаланишида уларнинг ўзаро келишуви эга эканлигидан қатъи назар, улар ўртасидаги вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларга татбиқ этилади. Франциядаги кассация судининг таъкидлашича, УОП худди Фуқаролик кодекси моддалари каби меъёрий — ҳуқуқий самарадорликка эга. 1976 йилги Париж тижорат судининг қарорида эса УОП фақатгина тавсиявий характерга эга эканлиги таъкидланган. Қарорда баён этилишича, ушбу қоидалар ҳуқуқ манбаи ҳисобланган одатларни ўзида ифода этиб, агарда ҳуқуқий муносабат тарафлари ушбу қоидаларни маълум бир босқичларда қўллашга ҳавола этилган ҳолатлар бундан мустаснодир. К.М.Шмиттгоффнинг фикрича, инглиз судлари аккредитив билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал этиш натижасида бебаҳо амалий тажрибага эга бўлиб, уларнинг маълум қилишича, Унификация қоидалари ҳуқуқ нормаси ёки савдо одатлари мақомига эга бўлмай, фақатгина томонлар шартномада ушбу қоидалардан фойдаланишни назарда тутган ҳолатлардагина қўллаш мумкинлиги таъкидланган.

М.Ф.Левинсоннинг таъкидлашича, УОПдан аккредитив ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ички қонунчилик сифатида фойдаланиш ва агарда уни қўллаш тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлса ҳам, уни татбиқ этиб бўлмаслигини билдиради. Шунга ўхшаш ҳавола этиш ҳолатлари амалдаги қонунчиликка зид бўлиши, аккредитивга оид бўлган УОП доктринасидаги ва Фуқаролик кодекси томонидан қабул қилинган кон-

цепцияларнинг принципал тарзда бир-бирдан фарқ қилиши ва шу билан биргаликда ушбу жараёнлар юзасидан қўлланилаётган терминлар ўртасида маълум бир тафовутнинг мавжудлиги ҳам ушбу ҳолатларни фақатгина шартнома шартлари орқали белгилаш мумкинлигини кўрсатади⁹.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, келажакда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда етарли даражада қулайликлар яратиш мақсадида аккредитив ҳуқуқий муносабатларга оид миллий қонунчилик нормаларини халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўзаро мувофиқлигини таъминланиши амалиётда тарафлар манфаатларини тўла қонли равишда ҳимоя қилишда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Аккредитив ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи субъектларнинг ички ва ташқи савдо муносабатларда аккредитивдан фойдаланишда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш ҳамда Фуқаролик кодексининг 796-моддасидаги аккредитив бўйича ҳисоб-китобларга оид умумий қоидаларни такомиллаштириш мақсадида ушбу моддага қўшимча банд сифатида мазкур қоидаларни киритишни лозим деб ҳисоблаймиз. Яъни аккредитив ҳисоб-китобларни амалга оширишда мазкур қонун билан биргаликда иш муомаласи одатларида қўлланилаётган банк амалиётига оид қоидалар ва одатларидан фойдаланишлари мумкин. Агарда мазкур қонун ёки одатлар ҳамда қоидалар томонларнинг аккредитив бўйича мажбуриятларига доир масалаларни ҳал этишда етарли деб топилмаса, томонлар аккредитив шартномаси амалга киритилган кундаги амалда бўлган халқаро қонун ҳужжатларига¹⁰ ҳавола этишлари мумкинлигини қайд этиш мақсадга мувофиқдир.



¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.. Т.: "Адолат" Б. 312

² Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2465.

³ Либерман Ф. Х. Расчетная дисциплина при поставках. М., 1974. С.40.

⁴ Л.Н. Зайцев. О формах расчетов, видах и способах платежа // Деньги и кредит.1985. №7. С. 27-30.

⁵ Иловайский И. Б. Аккредитив как форма безналичных расчетов: Дис. ... канд. Юрид. Наук. Волгоград, 2001. С. 71-74.

⁶ Новоселова Л.А. Гражданский кодекс Российской Федерации о расчетах// Вестник ВАС РФ. 1996. № 10. С. 35

⁷ Руководство МТП по операциям с документарными аккредитивами для УОП 500. Публикация МТП № 515 (Е). М., 1998. С. 10.

⁸ СМ.: Лунц Л. А. Курс международного частного права. М., 2002. С.628.

⁹ Левинсон М.Ф. Аккредитивы : новый Гражданский кодекс и международные договоры // Российский юридический журнал. 1997. № 3. С.52

Хуршид КАРИМОВ,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари кафедрa бошлиғи в.б.

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ПРИНЦИПИНING МОҲИЯТИ

◆ Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мустақамланган инсонпарварлик принципнинг моҳияти, жазо тизими ва мақсади, жиноий жазоларни либераллаштириш асослари ёритилган.

◆ В данной статье раскрыты сущность принципа гуманизма, система и цель наказания, закрепленные в уголовном кодексе Республики Узбекистан, а также основы либерализации уголовного наказания.

◆ In this article are disclosed the essence of the principle of humanism, the system and the aim of penalty which are stipulated in penal code of the Republic of Uzbekistan, as well as the basis of liberalization of criminal penalty.

Таянч сўзлар: инсонпарварлик, жазо мақсади, жазо тизими, тарбиялаш, афв этиш, либераллаштириш.

Ключевые слова: гуманизм, цель наказания, система наказания, воспитание, помилование, либерализация.

Key words: humanism, the system of penalty, the aim of penalty, education, forgiveness, liberalization.

Маълумки, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади.

Мазкур ҳуқуқий меъёрларнинг бузилиши у ёки бу инсоннинг ёхуд жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказиши. Натижада ҳуқуқбузарлик содир этилади. Ҳуқуқбузарликнинг энг оғир тури жиноят бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жиноят учун жавобгарлик асослари мустақамланган.

Жиноят учун жавобгарлик — жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир¹. Жиноят учун жавобгарликнинг белгиланиши Жиноят кодекси вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасида Жиноят кодексининг вазифалари мустақамланган бўлиб, "Жиноят кодексининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқаро-

ларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир"².

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг асосий вазифаларидан бири жазолаш эмас, балки фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини мустақамлаган муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Қайд этиш лозимки, Жиноят кодексининг 7-моддасида мустақамланган инсонпарварлик принципнинг мазмунида ҳам тарбиялаш вазифаси алоҳида ўрин эгаллаган.

Жумладан, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси

қўлланилиши керак.

Жазолашдан кўзланган мақсадга Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин.

Бундан ташқари, жазо маҳкуми ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасида жазо тизими белгиланган бўлиб, унда қуйидаги асосий ва қўшимча жазо турлари назарда тутилган.

Жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамок, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Шунингдек, маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, айниқса, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида самарали ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2005 йилнинг 1 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. 2007 йилнинг 11 июлида "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди ҳамда 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида жазо тури сифатида "ўлим жазоси" бекор қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига "ўлим жазоси" ўрнига "узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш" ҳамда "умрбод озодликдан маҳрум қилиш" каби жазо турлари киритилди.

Таъкидлаш лозимки, "узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш" ҳамда "умрбод озодликдан маҳрум қилиш" каби жазо турлари фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ёки одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган терроризм жиноятини содир этган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

"Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш" ҳамда "умрбод озодликдан маҳрум қилиш" каби жазо аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтимиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Бундан ташқари "озодликдан маҳрум этиш" жа-

зосини қўллашда ҳам аёллар, вояга етмаганлар ҳамда олтимиш ёшдан ошган эркакларга жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Жумладан, Жиноят кодексининг 50-моддасига асосан, "озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтимиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас"лиги мустаҳкамланган.

Шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

Шунингдек, вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳам озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 15-моддасига асосан, "ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради".

Юқоридаги нормаларнинг Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мавжудлиги ҳам жазо тизими нақадар инсонпарвар эканлигини кўрсатади.

Қайд этиш лозимки, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Жазо тайинлашда юқоридаги ҳолатларнинг инобатга олиниши ҳам инсонпарварлик принципнинг муҳим белгиларидан биридир.

Қайд этиш лозимки, Жиноят кодексигаги инсонпарварлик принципи нафақат жазо тайинлашда,

балки жавобгарлик ёки жазодан озод этиш жараёнида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Жиноят кодексида ярашув, амнистия ва афв этиш каби институтларнинг мавжудлиги ҳам инсонпарварлик принципининг муҳим белгиларидир.

Жиноят кодексида ярашув, амнистия ва афв этиш каби институтларнинг мавжудлиги жиноят содир этган шахсларни тарбиялашда муҳим ўрин тутди.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган барча жазолар шахсни жамиятга тарбияланган ҳолда қайтариш имкониятини беради. Ҳаттоки "умрбод озодликдан маҳрум этиш" жазосига ҳукм этилган шахсда ҳам афв этиш тўғрисида илтимоснома бериш имконияти мавжуд. Жумладан, афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома узоқ муддатда озодликдан маҳрум қилинган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тад-

бирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Юқоридаги норманинг қонунчиликда мавжудлиги шахсда жамиятга, ўз оиласига қайтишига, энг асосийси, тузалиш йўлига киришида муҳим мезон бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилиги инсонпарварлик принципини ўзида тўла акс эттирган бўлиб, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, жинойи жазоларни либераллаштириш мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Жумладан, 2015 йилнинг 10 августида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига "озодликни чеклаш" номли янги жазо тури киритилди. "Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат" бўлган жазо тури ҳисобланади. Суд озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахсга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида белгиланган қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин.

Қайд этиш лозимки, мазкур жазо тури ҳам ўз хусусиятига кўра шахсни ахлоқан тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жазо турлари шахсни ахлоқан тузатиш, унинг жинойи фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.



¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. "Адолат" 2014 й.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. "Адолат" 2014 й.

Боту АЛИМОВ,
Тошкент давлат юридик университети
«Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси ўқитувчиси

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИШТИРОКИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

◆ Мақолада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти ва унда Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган ҳамда мазкур соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

◆ В статье изучены особенности правотворческой деятельности Кабинета Министров Республики Узбекистан и участие в нем Президента Республики Узбекистан в ней, а также разработаны предложения по совершенствованию законодательства в данной сфере.

◆ The article studied features of lawmaking activity of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan and the participation of the President of the Republic of Uzbekistan in it, as well as developed proposals to improve the legislation in this area.

Таянч сўзлар: Конституция, қонун, фармон, қарор, фармойиш, Президент, давлат бошлиғи, Вазирлар Маҳкамаси, ҳукумат, Бош вазир, ҳуқуқ ижодкорлиги.

Ключевые слова: Конституция, закон, указ, постановление, распоряжение, Президент, глава государства, Кабинет Министров, правительство, Премьер-министр, правотворчество.

Key words: Constitution, law, decree, resolution, ordinance, President, head of state, Cabinet of Ministers, government, Prime minister, lawmaking.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси конституциявий нормалар доирасида ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мамлакатнинг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий тусдаги ёки муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шаклида, тезкор ва жорий масалалар бўйича қарорлари эса Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг қонуности характерга эга эканлиги яққол кўзга ташланади. Уларни тартибга солиш ва амал қилиш доираси жуда кенг бўлиб, жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилади ва аксарият ҳолларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорларига мувофиқ ҳамда уларнинг ижроси юза-

сидан қабул қилинади. Шунингдек, баъзи ҳолларда Президентнинг ҳуқуқий ҳужжатлари тўғридан-тўғри Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бошқача айтганда, Президент фармон ва қарорларида ушбу ҳужжатнинг ижросини таъминлаш мақсадида маълум муддат ичида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор қабул қилиш ва ушбу қарорда аниқ масалалар кўзда тутилиши белгилаб қўйилиши мумкин. Бундан ташқари, Президент томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда Вазирлар Маҳкамасига "таклифлар киритсин", "чоралар кўрилсин", "таъминласин", "вазифалар юклансин", "ташқил этилсин", "ишлаб чиқилсин", "тақиқлансин", "йўналтирилсин" каби шаклларда топшириқлар назарда тутилиб, одатда Вазирлар Маҳкамаси Президент фармон ва қарорларида белгиланган вазифаларни "амалга ошириш", "бажариш" ёки "ижро этиш" юзасидан қарорлар қабул қилади. Вазирлар Маҳкамасига юқоридаги шакллар асосидаги топшириқларнинг аксарият қисми айнан Президент фармонларида назарда

тутилади. Шунингдек, қарорларда асосан топшириқлар давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, банклар, турли хил ташкилот ва муассасалар фаолиятига йўналтирилган бўлади.

Умуман олганда, жаҳон амалиётида давлат бошқаруви оид ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда ҳам сон, ҳам самара жиҳатдан ҳукумат ҳуқуқий ҳужжатлари муҳим ўрин тутди. Уларнинг мажбурийлиги жиҳатдан қонунга ва давлат бошлиғи ҳуқуқий ҳужжатларига тенглаштирилганлиги муҳим хусусияти бўлса, сон жиҳатдан кўп бўлган ҳукумат ҳужжатлари давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тартибга солишини англатади.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигига эътибор берадиган бўлсак, қатор мамлакатларда (Россия, Озарбайжон, Туркменистон, Албания) Ўзбекистон Республикасида сингари айнан қарор ва фармойиш ҳукумат томонидан қабул қилинувчи ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Айрим мамлакатларда (Чехия, Македония, Руминия) ҳукумат фақат қарор қабул қилиш ваколатига эга. Баъзи мамлакатларда эса (Белорусия, Қозоғистон, Молдова, Венгрия, Польша) ҳукумат томонидан қабул қилинувчи қарор ва бошқа ҳужжатлардан (инструкция, ордонанс) ташқари, ҳукумат раҳбари фармойиш қабул қилиш ваколатига эга. Демак, бу давлатларда фармойиш ҳукумат раҳбари томонидан қабул қилинувчи ҳужжат ҳисобланади. Фикримизча, ижро ҳокимияти олий органи фаолиятига доир, кундалик ва тезкор масалаларни ҳал этиш бўйича коллегиял органнинг эмас, балки мансабдор шахсининг фармойиши ўринли ва самарали ҳисобланади. Негаки, ҳукумат мажлисларини чақириб ва унинг кун тартибига тезкор масалаларни қўйиб мантиқан нотўғри бўлар эди (процессуал муддатларни инобатга олган ҳолда). Шунингдек, ўз хусусиятига кўра фармойиш индивидуал ҳужжат ҳисобланади, унинг хусусиятларини ўз ичига олган ҳужжатнинг ҳукумат мажлисида овозга қўйиб қабул қилиниши эса фармойишнинг юридик табиати таъсир этади. Бундан ташқари, ҳукумат (ёки унинг раёсати), яъни коллегиял орган мажлисларида овозга қўйилиб қабул қилинган ҳужжатда "қарор қилди" деган қисм бўлиши лозим, бизга маълумки, фармойишда бундай қисм бўлмайди. Бу коллегиял тартибда қабул қилинган ҳужжатни индивидуал ҳужжатдан фарқлаб турувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ҳукумат мажлисида овозга қўйилмасдан унинг раҳбари томонидан шахсан қабул қилинган ҳукумат фармойиши эса ўзининг юридик хусусиятига кўра ҳукумат раҳбари фармойишидан фарқ қилмайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлар қабул қилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради¹. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида Вазирлар Маҳкамаси фармойиши ва Бош вазир фармойишини батаф-

сил фарқлаш масадга мувофиқ. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли равишда 15 ва 20-моддаларида ўз аксини топган Бош вазирнинг "ўз ваколатларига кирувчи масалалар" ва Вазирлар Маҳкамасининг "тезкор ва бошқа жорий масалалар" ибораларига ўзил-кесил оидлик киритиш лозим. Акс ҳолда амалиётда тушунмовчиликлар юзага келиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Фикримизча, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятига доир масалалар Бош вазир фармойиши билан ижро ҳокимияти олий органи ваколатига доир жорий ва тезкор масалалар эса Вазирлар Маҳкамаси фармойиши билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва имзолаш жараёнидаги иштирокига келсак, давлат бошлиғи томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби тўғрисида"ги фармойишнинг 2 ва 3-иловасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат бошлиғи билан келишиш учун тақдим этилувчи Ҳукумат қарор ва фармойишларнинг предмети бўлган масалалар, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси ваколатига доир масалалар юзасидан давлат аҳамиятига молик бўлган иқтисодий, ижтимоий, молиявий соҳадаги муҳим кўрсаткичлар келтирилган². Юқорида қайд этилган масалалар бўйича Ҳукуматнинг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиш учун тегишли тартибда киритилади³.

Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари (асосан қарорлар) лойиҳалари Бош вазир ёки Вазирлар Маҳкамаси мажлиси томонидан тегишли тартибда маъқуллангандан сўнг⁴, келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритилади. "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига⁵ мувофиқ, фақатгина Ҳукумат мажлисларида кўриб чиқиши лозим бўлган масалалар юзасидан қарор ва фармойишлар лойиҳалари Вазирлар Маҳкамаси мажлиси томонидан маъқулланиши лозим, бошқа масалалар бўйича Ҳукумат ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари Бош вазир томонидан маъқулланиши мумкин. Президент Девонида келишишни талаб қилмайдиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорлари эса Бош вазир томонидан тўғридан-тўғри имзоланади⁶.

Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси имзоланиши ёки келишилиши керак бўлган Ҳукумат қарорлар ва фармойишлар лойиҳаларини Бош вазирнинг розилик имзоси билан алоҳида ҳолларда эса, Бош вазир ёки ўринбосарларидан бирининг мазкур лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини асословчи ахборот хати билан

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг тегишли хизматига киритилади. Давлат бошлиғи Девонининг тегишли хизмати Ҳукумат қарорларининг киритилган лойиҳаларини батафсил ўрганиб чиқиб, улар юзасидан хулосалар тайёрлайди. Сўнг мазкур қарорлар ва фармойишлар лойиҳалари ёки уларнинг тегишли принципаал параметрларини кўриб чиқиш материаллари билан Давлат маслаҳатчиси томонидан Президентга ахборот берилади. Давлат бошлиғи томонидан мулоҳазалар билдирилган тақдирда, давлат маслаҳатчилари хизматлари Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати билан биргаликда Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини пухта ишлаб чиқадилар, шундан сўнг улар тўғрисида Президентга такроран ахборот берилади. Президент Девонига киритилган Ҳукумат қарорлари лойиҳалари Президент томонидан маъқулланган тақдирда улар имзолаш учун Вазирлар Маҳкамасига қайтарилади ва Бош вазир томонидан имзоланади⁷.

Юқорида қайд этилган ҳуқуқий муносабатни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг 54-бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш тавсия этилади: "Киритилган Ҳукумат қарорлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан маъқулланган тақдирда уларни имзолаш учун Вазирлар Маҳкамасига қайтарилади ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан маъқулланган ва имзолаш учун Вазирлар Маҳкамасига қайтарилган Ҳукумат қарорлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан имзоланади". Сабаби, ушбу Регламентнинг 50-бандида Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари Президент томонидан имзоланиши ёки у билан келишилиши учун давлат бошлиғи Девонига киритилиши белгилаб қўйилган⁸. Аммо регламентда тегишли тартибда келишилган ҳамда маъқулланган ҳукумат ҳуқуқий ҳужжати лойиҳасига Президент томонидан имзо чекилиши мумкинлиги белгилаб қўйилмаган. Ваҳоланки, амалиётда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Вазирлар Маҳкамаси қарорларига имзо чекиш амалиёти муваффақиятли қўлланиб келинмоқда⁹. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси қарорларига имзо чекиш ҳуқуқи унинг Ҳукумат мажлисларида раислик қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ. Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг 67-бандига мувофиқ, Ҳукумат мажлисларида қабул қилинган қарорлар баён билан расмийлаштирилиб, раислик қилувчи томонидан имзоланади¹⁰. Моҳиятан Президент раислигида ўтказилган Вазирлар Маҳкамаси мажлиси кун тартибига киритилган ёки ундаги масалалар юзасидан ишлаб чиқилган Ҳукумат қарори лойиҳасига давлат бошлиғи томонидан имзо чекиш қонунчиликка зид эмас, чунки ушбу қарорнинг предмети айнан

Президент раислигида кўриб чиқилади. Масалан, Францияда ҳукумат томонидан қабул қилинган ордонанс ва декретлар президент томонидан имзоланади¹¹, негаки, у ҳукумат мажлисларида доимий раислик қилади¹². Шу сабабли ҳам, Президентнинг тегишли тартибда давлат бошлиғи Девонига киритилиб, маъқулланган ҳукумат қарорларига нисбатан имзо чекиш ҳуқуқини қўллаш механизмини Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг 54-бандида акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирокининг ўзига хос предмети — бу давлат бошлиғининг Ҳукумат ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш ҳуқуқидир. "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, "Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишларини ҳамда Бош вазир фармойишларини бекор қилишга ҳақли"¹³. Демак, Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, шу жумладан Ҳукумат раҳбари фармойишларини бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Давлат бошлиғига хос бўлган ушбу ҳуқуқни асосан МДХ давлатларининг (Озарбайжон, Белорусия, Грузия, Қозоғистон, Украина (тўхта-тиб туради), Россия) қонунчилигида кузатишимиз мумкин. Президент Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари ҳамда Бош вазирнинг фармойишларини бекор қилар экан, бу унинг Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафили сифатидаги вазифаси ҳисобланади. Зеро, "Конституциянинг кафили сифатида Президент ҳукуматнинг ғайриҳуқуқий актлари бекор қилишга нафақат ҳақли, балки мажбурдир"¹⁴. Албатта, давлат раҳбарининг ҳукумат ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш ҳуқуқи унинг ижро ҳокимияти олий органи фаолиятидаги ўзига хос ролдан далолат беради, чунки аксиомага хос бўлган қоида мавжуд бўлиб, унга кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат, уни қабул қилган давлат органи ёки ушбу давлат органи бўйсунган мансабдор шахс томонидан бекор қилиниши мумкин¹⁵.

А.Шеян, Н.Колосова ва В.Лучинлар, ҳукуматнинг қонунга зид ҳужжатларининг бекор қилинишини конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик шакли ҳисоблаб, ушбу ҳужжатни қабул қилган органнинг фаолиятига нисбатан салбий баҳо берилиши, салбий баҳони эса конституциявий-ҳуқуқий санкция сифатида эътироф этадилар¹⁶. Фикримизча, давлат бошлиғи томонидан ижро ҳокимияти олий органи ҳуқуқий ҳужжатларининг бекор қилиниши ўзида тўғридан-тўғри Ҳукуматга нисбатан конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликни акс эттирмайди, балки унинг айрим аломатларини мужассамлаштириши мумкин. Бироқ, салбий баҳо ёки танбех ҳар доим ҳам реал

конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқармайди, чунки у юридик оқибатларга олиб келмаслиги ёки ижро ҳокимияти олий органи фаолиятига таъсир этмаслиги мумкин. Масалан, "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонуннинг 41-моддаси биринчи қисми "в" бандига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид қарорлар қабул қилган тақдирда Ҳукуматга нисбатан Президент томонидан жавобгарлик қўлланилиши мумкин, яъни Бош вазир лавозимидан озод этилади, Вазирлар Маҳкамаси таркиби эса у билан бирга истеъфога чиқади¹⁷. Бирок, бу ерда "бир неча марта" деган иборага эътибор қаратиш керак, чунки қонунга мувофиқ, бир марта гайриҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши Ҳукуматнинг жавобгарлигини келтириб чиқармайди. Вазирлар Маҳкамасининг жавобгарлиги келиб чиқиши учун у томонидан бир неча мартаба юқори турувчи ҳуқуқий ҳужжатларга зид ҳужжат қабул қилиниши лозим.

Хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги муносабатлари се-ркирра бўлиб, давлат ҳокимиятининг ушбу икки субъекти фаолиятининг айнан бир соҳада амалга оширилиши, уларнинг фаолияти бир-бири билан нақадар чамбарчас боғлиқ эканлигидан далолат беради. Мазкур ҳуқуқий муносабатларда Президент Вазирлар Маҳкамасига у ёки бу масала юзасидан қарор ёки фармойиш қабул қилиш бўйича топшириқ бериш, Ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармойишларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш, шунингдек айрим ҳолларда уларга имзо чекиш, Конституция, қонунлар ва давлат бошлиғи ҳуқуқий ҳужжатларига зид бўлган Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларини, шунингдек Бош вазир фармойишларини бекор қилиш каби ҳуқуқ ва ваколатларни амалга оширади. Ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатларининг юқорида таҳлил этилган шакл ва усулда йўлга қўйилганлиги давлат бошқаруви тизимининг барқарорлиги ва самарадорлигининг муҳим гарови ҳисобланади.



¹ "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги 2003 йил 29 августдаги 524-II-сонли Қонун (янги таҳрир). // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 138-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби тўғрисида"ги 2005 йил 4 февралдаги Ф-2118-сонли фармойиши. / http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1353666&query=undefined

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида"ги Ҳ2005 йил 14 февралдаги 62-сонли Қарори иловаси (Вазирлар Маҳкамаси Регламенти) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 7-сон, 55-модда.

⁴ Ҳша жойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида"ги 2005 йил 14 февралдаги 62-сонли Қарори иловаси (Вазирлар Маҳкамаси Регламенти) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 7-сон, 55-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 138-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида"ги 2005 йил 14 февралдаги 62-сонли Қарори иловаси (Вазирлар Маҳкамаси Регламенти) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 7-сон, 55-модда.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида"ги 2005 йил 14 февралдаги 62-сонли Қарори иловаси (Вазирлар Маҳкамаси Регламенти) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 7-сон, 55-модда;

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида"ги 2005 йил 14 февралдаги 62-сонли Қарори иловаси (Вазирлар Маҳкамаси Регламенти) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 7-сон, 55-модда.

⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 44-45-сон, 445-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 518-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 34-сон, 369-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 21-сон, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 18-сон, 179-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 38-сон, 493-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 2-сон, 23-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 22-сон, 288-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 22-сон, 290-модда.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида"ги 2005 йил 14 февралдаги 62-сонли Қарори иловаси (Вазирлар Маҳкамаси Регламенти) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 7-сон, 55-модда.

¹¹ Маклаков В.В. Конституции зарубежных государств. - М.: Инфотропик Медиа, 2012. - С. 87.

¹² Маклаков В.В. Конституции зарубежных государств. - М.: Инфотропик Медиа, 2012. - С. 85.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 138-модда

¹⁴ Болежневская А.Н. Правовая охрана Конституции Российской Федерации. Дисс. ... канд. юрид. наук. - Волгоград, 2006. - С. 120.

¹⁵ Конституция Российской Федерации. Проблемный комментарий. - М., 1997. - С. 360.

¹⁶ Қаранг: Колосова Н.М. Конституционная ответственность - самостоятельный вид юридической ответственности. // Государство и право, 1997. - №2. - С. 91.; Шеян А.Н. Институт правительственной ответственности в России. Дисс. ... канд. юрид. наук. - Краснодар, 2007. - С. 36.; Лучин В.О. Конституция Российской Федерации. Проблемы реализации. - М., 2002. - С. 361-363.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 138-модда.

Музаффар ДЎСТҚОРИЕВ,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари ўқитувчиси

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ГУВОҲНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

- ◆ Мақола одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслардан бири бўлган гувоҳнинг фуқаролик процессидаги иштирокининг процессуал хусусиятларига бағишланган.
- ◆ Статья посвящена процессуальным особенностям участия в гражданском процессе свидетеля как лица, содействующего осуществлению правосудия.
- ◆ The article focuses on the procedural peculiarities of participation in civil process a witness as the person promoting the administration of justice.

Таянч сўзлар: гувоҳ, одил судлов, процесс, субъект, кўрсатув, далиллар.

Ключевые слова: свидетель, правосудие, процесс, субъект, показания, доказательства.

Key words: witness, justice, process, subject, testimony, evidence.

Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилган ислохотлар жадал суръатларда кечмоқда. Мазкур ислохотларнинг асл мақсад-моҳияти шахснинг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш, жамиятда конун устуворлигини таъминлаш, пировардида, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашдир. Мана шу жараёни фуқаролик процессуал ҳуқуқи нормалари билан тартибга солишда процесс иштирокчиларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК)нинг 5-боби процесс иштирокчиларига бағишланган бўлиб, улар ичида одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларга алоҳида эътибор қаратилган. Кодексининг 35-моддасида ушбу шахслар доираси белгиланган бўлиб, уларга: гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, холислар ва ижро ишларини юритишда мол-мулкни сақловчилар киритилган.

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар доираси алоҳида мустақил институт сифатида тўлиқ шакллантирилиши одил судловнинг самарали амалга оширилишини таъминлайди. Айрим олимларнинг фикрича, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларга қандайдир муҳим ҳуқуқ ва ваколатлар берилмаган. Уларнинг фуқаролик процессидаги ҳуқуқий мақоми биринчи навбатда уларнинг ўзларига юклатилган процессуал мажбуриятларни бажаришлари билан белгиланади¹. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур шахсларни алоҳида тоифага аж-

ратиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш билан чегараланмасдан, ушбу институтнинг тўлақонли ва самарали ишлаш механизмларини яратиш ва мустаҳкамлаш лозим.

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар орасида гувоҳларнинг ўзига хос ўрни бор. Қайд этиш лозимки, процесснинг бошқа иштирокчилари (тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар, вакиллар)дан фарқи равишда, гувоҳ тушунчаси ва гувоҳ бўлиши мумкин бўлган шахслар доираси кодексининг "Далиллар" деб номланувчи 6-бобидан тўлиқ ёритилган. Бу эса фикримизча, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар сифатида гувоҳларнинг процессда у ёки бу тараф (даъвогар ва жавобгар) ёки бошқа шахсларнинг манфаати юзасидан кўрилатган ишда муайян вазифа ва мажбуриятларни амалга оширувчи шахслар сифатида эмас, кўпроқ уларнинг берган кўрсатувлари судда исботлаш воситаларидан бири сифатида эътироф этилиши ва шу орқали аҳамиятли эканлиги билан изоҳланади. Зеро, гувоҳларнинг кўрсатувлари бошқа исботлаш воситалари (тарафлар ва учинчи шахслар ҳамда уларнинг конуний вакилларининг тушунтиришлари, ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг ҳулосаси) каби иш бўйича муҳим аҳамиятга эгадир.

Манбаларда фуқаролик процессида гувоҳларнинг иштироки масаласига ўзига хос ёндашувлар кузатилади. Айрим олимлар гувоҳларни фақатгина уларнинг берган кўрсатувлари юзасидан аҳамиятини эътироф этмасдан, уларни та-

рафлар сингари ўзига хос жиҳатларини қайд этадилар. Масалан, М.К.Треушниковнинг фикрича, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар турли хил манбаларда мавжуд бўлган ҳуқуқий нормалар асосида юзага келади ва фақатгина иккита субъект: ишни кўраётган судья ва процесснинг ҳар қанақа иштирокчиси (суд — даъвогар, суд — жавобгар, суд — гувоҳ каби) ўртасида мавжуд бўлишини таъкидлайди². Унинг фикрича, суд билан гувоҳлар ўртасидаги муносабатларнинг объекти иш учун аҳамиятга эга бўлган фактлар ҳақидаги маълумотлар ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал қонунчилик гувоҳ бўлиши мумкин бўлган шахсларга битта талаб қўяди — у ҳам бўлса, судда кўриладиган муайян ишга доир бирор ҳолатдан хабардор бўлиш.

Айрим олимлар гувоҳ сифатида иштирок этиши мумкин бўлган шахсларнинг ишга доир маълумотларни бевосита ўзи кўрган-билганлигидан қатъи назар, уларни етказиб бера олиш қобилияти билан боғлайдилар. Масалан, Ш.Ш.Шораҳметовнинг фикрича, гувоҳ сифатида фуқаролик иши учун аҳамиятли муайян аҳамиятга эга бўлган фактни бевосита кўрган, билган ёки бошқа шахслардан эшитган маълумотларни судда айтиш қобилиятига эга бўлган шахслар қатнашади. Уларга қўйиладиган талаблардан бири далилларни тўғри қабул қила билишдир³.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, гувоҳ бўлиши мумкин бўлган шахсларга қўйиладиган талаб жиноят процессуал ҳуқуқи нормалари билан бир хилдир. Яъни жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин. Хўжалик процессуал қонунчилигида эса, гувоҳ тушунчасига бу борада бироз кенгроқ ёндашилган: хўжалик суди низони тўғри ҳал этиши учун аҳамиятга эга бўлган маълумотлар ва ҳолатлардан хабардор бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ бўлиши мумкин. Бунда шахснинг фақатгина иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолат эмас, балки маълумотлардан хабардор бўлишига эътибор қаратилган. Таъкидлаш жоизки, хўжалик процессидан фарқли ўлароқ, фуқаролик процессуал қонунчилигида шахс билиши лозим бўлган ҳолатнинг иш учун аҳамиятга эга бўлиши билан эмас, шунчаки ишга доир бўлиши лозимлиги билан характерланади. Бу эса фикримизча, шахснинг маълум бир ҳолат юзасидан билиши мумкин бўлган ахборот ва маълумотлар низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга ёки эга эмаслигидан қатъи назар, процесс доирасида эътиборга олиншини англатади.

ФПКда гувоҳ сифатида чақирилиши ва сўроқ қилиниши мумкин бўлган шахслар доираси асосан субъект жиҳатидан ва ушбу субъектларга

юклатилган вазифаларнинг қонунчиликда белгиланган хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади. Яъни қуйидагилар:

1) вакил ёки ҳимоячи вазифаларини бажаришлари муносабати билан ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида — фуқаролик ишлари бўйича вакиллар ёки жиноят ишлари бўйича ҳимоячилар;

2) жисмоний ёки руҳий нуқсонлари сабабли фактларни тўғри идрок қилишга ёки улар ҳақида тўғри кўрсатув беришга лаёқатсиз шахслар гувоҳ сифатида чақирилиши ва сўроқ қилиниши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Қандай шахслар жисмоний ёки руҳий нуқсонлари сабабли фактларни тўғри идрок қилишга ёки улар ҳақида тўғри кўрсатув беришга лаёқатсиз эканлиги кодексда аниқ кўрсатилмаган. Умумий қоидага мувофиқ, бу вазифани судда раислик этувчи амалга оширади. Шу ўринда қайд этиш лозимки, "жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс" тушунчаси ҳам аниқ ёритиб берилмаган. Ш.Ш.Шораҳметовнинг фикрича, гувоҳда қандайдир камчилик, нуқсонлар бўлиши гувоҳлик беришлик учун тўсқинлик қилмайди. Улар тушунтиришларини оғзаки ва ёзма тарзда беришлари мумкин⁴. Бироқ фикримизча, фактларни тўғри идрок қилишга лаёқатсизлик ва тўғри кўрсатув беришга лаёқатсизлик тушунчалари бир-биридан моҳиятан фарқ қилади. Биринчи ҳолда шахс ўзига маълум бўлган фактларни тўғри идрок қила олмаслиги унинг жисмоний ҳолати (яхши кўра олмаслик, эшита олмаслик ва бошқалар) ёки руҳий аҳволи (психик жиҳатдан соғлиғидаги бузилишлар ва ҳ.к.) билан боғлиқ бўлиб, бунда ўз ўзидан судда кўриладиган иш юзасидан шахснинг бериши мумкин бўлган кўрсатувлари иш ҳолатларини тўлиқ аниқламаслик ёки нотўғри тасаввур пайдо бўлиши каби ҳолатларнинг юзага келишига сабабчи бўлиши мумкин. Иккинчи ҳолатда эса, шахс иш бўйича ҳолат ҳақида аниқ ва тўғри маълумотга эга бўлса-да, ундаги жисмоний ва руҳий камчиликлар сабабли уларни судга тўғри етказиб бера олмаслигини англатиши мумкин. Бу эса, замонавий техника воситалари ёрдамида шахсдан тегишли маълумотларни олиш имконияти бўла туриб, ушбу имкониятлардан фойдаланмаслик натижасида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари чегаралаб қўйилиши мумкинлигини билдиради. Шу сабабли, фикримизча, қонунчиликда мазкур қоидалар юзасидан аниқ нормалар киритилиши мақсадга мувофиқ.

Одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг ҳуқуқлари кодекснинг фақатгина 36-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, ушбу шахслар ўз тушунтиришларини оғзаки ёки ёзма равишда баён қилишга, ёзувлардан фойдаланишга, шунингдек ушбу кодексда ўзларига берилган бош-

ка процессуал ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидирлар. Бироқ гувоҳларнинг ҳуқуқлари эмас, балки мажбуриятлари санаб ўтилган. Бу ҳолат Хўжалик-процессуал кодексида ҳам учрайди. Қуйидагилар гувоҳнинг мажбуриятлари сифатида белгиланган: гувоҳ сифатида чақирилган шахс судга келиши ва тўғри кўрсатув бериши шарт. Била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлик, суд узрсиз деб топган сабабларга кўра кўрсатув беришни рад этганлик ёки ундан бўйин товлаганлик учун гувоҳ Жиноят кодексининг 238 ва 240-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, айрим давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида гувоҳнинг кўрсатув беришдан бош тортиш ҳуқуқи бор. Масалан, Россия Федерацияси ГПКнинг 69-моддаси 4-қисмига кўра, ушбу ҳуқуқдан қуйидагилар фойдаланадилар:

1) фуқаро ўзига нисбатан;

2) эр-хотин бир-бирига нисбатан, болалар, шу жумладан фарзандликка олинганлар — ота-оналари, фарзандликка олганларга нисбатан, ота-оналар, фарзандликка олганлар — болалар, фарзандликка олинганларга нисбатан;

3) ака-ука, опа-сингиллар — бир-бирига нисбатан, бобо, бувилар набираларга нисбатан ва неваралар бобо ва бувиларига нисбатан;

4) қонун чиқарувчи органлар — депутатлик ваколатларини амалга оширишлари натижасида ўзларига маълум бўлган маълумотлар бўйича;

5) Россия Федерациясида инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил — ўз мажбуриятларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлган маълумотлар бўйича;

6) Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Вакил, Россия Федерацияси субъектларида тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Вакиллар — ўз мажбуриятларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлган маълумотлар бўйича.

Шунга ўхшаш қоидалар Беларусь, Молдова, Украина, Қозоғистон фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам мустаҳкамланган. Уларнинг аксариятида шахснинг ўзига ёки яқин қариндошларига нисбатан кўргазма беришдан бош тортиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилик нормаларига мувофиқ, гувоҳ ўзига қарши кўрсатув бермаслик ҳуқуқига эга (ЖПК, 66-модда). Гувоҳ фуқаролик, хўжалик ҳамда жиноят процессида юқорида таъкидланганидек, бир хил умумий вазифани бажаришини инобатга олсак, фуқаролик процессида ҳам шахсни ўзига ёки яқин қариндошларига нисбатан кўрсатув бериш мажбуриятидан озод этишни назарда тутувчи қоидаларнинг киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, фуқаролик процессида гувоҳларнинг одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар сифатидаги иштироки муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу шахсларнинг фуқаролик ишлари бўйича судларда иш кўрилишида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш орқали улар иштирокига доир ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштириш одил судловни самарали амалга оширишнинг ҳуқуқий воситаси бўлиб хизмат қилади.



¹ Ярков В.В. Гражданский процесс: учебник для вузов. -М., Издательство Волтерс Клувер, 2006.

² Гражданский процесс: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. / Под ред. М.К.Треушников. -М., Издательский дом Городец, 2007. -С.84.

³ Ш.Ш.Шораҳметов. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. -Тошкент: ТДҶОИ, 2010. 85-б.

⁴ Юқоридаги манбада. 85-б.

ЗЎРАВОНЛИКНИ ЁКИ ШАФҚАТСИЗЛИКНИ ТАРҒИБ ҚИЛУВЧИ МАҲСУЛОТНИ ТАРҚАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚИЛМИШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

✦ Мақолада тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш билан боғлиқ қилмишларнинг ҳуқуқий тавсифи ва уни квалификация қилиш масалалари ёритилган.

✦ В статье на основе результатов исследования раскрываются правовая характеристика деяний, связанных с распространением продукции, пропагандирующей культ насилия или жестокости, и вопросы их квалификации.

✦ In article on the basis research are opened legal the characteristic of actions, connected with distribution of production, which propagating a cult of violence or cruelty, and aspects of their qualification.

Таянч сўзлар: зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот, уни тарқатиш билан боғлиқ қилмишларнинг объекти, объектив томони, субъекти, субъектив томони, жавобгарликни оғирлаштирувчи таркиблари.

Ключевые слова: продукция, пропагандирующая культ насилия или жестокости, объект, объективная сторона, субъект, субъективная сторона деяний, связанных с распространением продукции, пропагандирующей культ насилия или жестокости, составы,отягчающие ответственность.

Keywords: production, which propagating a cult of violence or cruelty, object, subject, objective party, subjective party of actions, connected with distribution of production, which propagating a cult of violence or cruelty.

Бугунги кунда зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш билан боғлиқ қилмишларга қарши кураш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

"Табиийки, "оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий бузқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди. Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва қўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши кураш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда"¹.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш билан боғлиқ қилмишлар жамиятда умумэтироф этган анъана ва қадриятларга салбий таъсир кўрсатади, шунингдек фуқароларда шафқатсиз ва ахлоқсиз хулқ-атвор шаклланишига сабаб бўлади.

Шахсни зўравонликка, шафқатсизликка чорловчи турли суратлар, матбуот нашрлари, видеокассеталарнинг тарқатилиши инсонлар онгида салбий ўзгаришларни юзага келтиради. Бундай салбий мазмунга эга бўлган фильмлар аста-секин шахснинг онгига таъсир қилади, уни бузади, бу соҳадаги ижтимоий ва маънавий қадриятларни ўзгартиради, маънавий қизиқиш ва эhti-ёжлар доирасини торайтиради. Буларнинг ҳаммаси биргаликда шахснинг иродасига таъсир қилади, унда ижтимоий салбий хусусиятларнинг уйғонишига ва уларнинг таъсирига қарши тура олиш қобилиятини у ёки бу даражада сусайтириб боради ҳамда шахснинг маънавий-руҳий

шаклланишига салбий таъсир қилувчи шароит бўлиб хизмат қилади.

Шаҳвоний муносабатларга киришиш технологияси ва зўравонлик йўлларини, усулларини тарғиб қилувчи фильмлар шахсни назоратдан озод қилади, тарбия ва муҳит таъсирида шахсда шаклланган, уни салбий хатти-ҳаракатлардан тийиб турувчи энг ноёб ижобий хислатларни заифлаштиради, таъсирини йўқотади ва тўхтатиб қўяди. Буларнинг ҳаммаси шахсда ғайриижтимоий йўналишнинг шаклланишига ва унинг ижтимоий хавфли хатти-ҳаракат содир қилишига олиб келади.

Шафқатсизликни тарғиб қилувчи фильмлар шахс ахлоқий-маънавий кадриятларининг бузилишига олиб келади, яширин ҳиссиёт ва хоҳишларни уйғотади. Адабиётларда таъкидланганидек, бундай фильмлар асосан аёллар ва болалар, ўсмирлар учун хавфлидир. Зўравонлик, ёвузлик ва қонхўрликни тарғиб қилувчи фильмлар эса нафақат инсон руҳиятини жароҳатлайди, балки, кўпинча, оғир руҳий иллатларга олиб келади².

Шу боисдан ҳам, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 130¹-моддасида жавобгарлик белгиланган³.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш жиноятининг предметини зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотлар ташкил этади.

Жиноят кодексининг Саккизинчи бўлими (атамаларнинг ҳуқуқий маъноси)га кўра, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот деганда, бадий, илмий ёки маданий қимматга эга бўлмаган, зўравонлик ёки шафқатсизлик содир этишга ундайдиган материаллар ва нарсалар тушунилади⁴.

Бундай маҳсулотлар қаторига бераҳмлиқ, зўравонлик, жисмоний куч ишлатишни маҳв қилиш ва бошқа шу каби зўрлик қўллашни ўзида ифода этувчи адабиётлар, видеофильм, магнит ва лазер дисклар, фотосуратлар, аудио ёзувлар ва бошқа ахборот ташувчи материалларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкин, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш жиноятининг бевосита объектини ушбу жиноятга тайёргарлик кўрилиши ёки уни содир этишга суиқасд қилиниши ёхуд унинг содир этилиши натижасида зарар етказиладиган ёки зарар етказиш реал хавфи остида қолдириладиган, жамиятнинг ахлоқий ва маданий ҳаёт принципларининг дахлсизлигини таъминловчи жиноят қонуни билан

қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш жиноятининг объектив томони қуйидаги ҳаракатларда ифодаланади:

1) зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш;

2) зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш;

3) зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш;

4) зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни реклама қилиш;

5) зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни намойиш этиш.

Юқорида кўрсатилган ҳаракатлар учун аввал Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 189¹-моддаси бўйича маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин, бир йил ичида шундай қилмишлар қайта содир этилганлиги — Жиноят кодекси 130¹-моддаси 1-қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортишнинг зарур шарти ҳисобланади.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш деганда, ушбу предметларни яратишга қаратилган ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунилади. Шу билан бирга, тайёрлаш, нусха кўчириш усулидан қатъи назар, зўравонлик ёки шафқатсизлик хусусиятига эга материалнинг асл нусхасидан нусха кўчириш ёки бадий, илмий ёки бошқа мазмунга эга бўлган маҳсулотларга қўшимчалар киритиш ёки қайта ишлаш натижасида уларни зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот хусусиятига келтиришда ҳам ифодаланади.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш усуллари турлича бўлиши мумкин (сценарий матнини ёзиш, расм чизиш, фильм яратиш, зўравонлик ёки шафқатсизлик хусусиятига эга бўлмаган предметларни қайта ишлаш, уларни зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотга айлантириш ва бошқа ш.к.), бироқ улар жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

Жиноят кодекси фақат зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаганлик учун жиноий жавобгарликни назарда туттади. Шунинг учун зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотнинг ўзи учун шахсий мақсадларда тайёрлаганлиги жиноий жавобгарликни назарда тутмайди.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш жараёни албатта уни яратиш учун зарур бўлган воситаларни эгаллаш ҳамда уларни тасвирга олиш учун шароитларнинг яратилишини тақозо этади. Бундай вазиятда қилмиш шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра охирига етказилмаган бўлса, қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш сифатида квалификация қилиниши керак (ЖК 25-м. 1-қ.; 130¹-м.).

Шаҳвоний ҳаракатлар содир этиш орқали зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлашда ижрочи сифатида иштирок этиш таҳлил этилаётган жиноятнинг объектив томонини ташкил этмайди, чунки мазкур жиноят таркибини ташкил этувчи ҳаракат улар яратилишининг техник томонини ифода этади. Шу боис, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотнинг тайёрланишида ихтиёрий ёки зўрлик ишлатилиши натижасида иштирок этаётган шахсларнинг ҳаракатлари таҳлил этилаётган жиноят таркибини келтириб чиқармайди.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш мазкур предметларни бошқалар ихтиёрига вақтинча ёки доимий фойдаланиш учун ўтказиш ёхуд ҳеч бўлмаганда битта шахс томонидан унинг мазмунини идор қилиниши ёки англанилишида ифодаланган турли ҳаракатлар содир этилишини назарда тутади.

Тарқатилаётган материалларнинг сони ва ҳажми қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатаётган шахс ушбу предметларни тайёрлаган шахслар ёки бошқалар ҳам бўлиши мумкин. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш қайтармаслик (совға) ёки қайтариб бериш шарт билан ҳам (ижарага бериш ва ҳ.к.) содир этилиши мумкин.

Зўравонлик ёки шафқатсизлик мазмунидаги қўшиқларни хиргойи қилиш ва шеърларни ўқиш зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш деб баҳоланмайди. Шу билан бирга, телефон орқали ифодаланган овозли иборалар тарқатиш сифатида баҳоланмайди.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш деганда, божхона назоратини четлаб, божхона назоратидан яширин ҳолда ҳужжатлар ёки божхона идентификация қилиш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланган ҳолда республика ҳудудига олиб кириш тушунилиши лозим.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни реклама қилиш деганда, уларнинг тарқатилиши учун имконият яратиш ва мазкур маҳсулотларга бошқаларнинг қизиқишини

ошириш учун ноаниқ шахслар доирасини кенгайтириш мақсадида бундай мазмундаги ахборотларни ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида эълон қилиш тушунилади.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни реклама қилиш махсус реклама варақалари, жўнатма хат йўли билан, бундай мазмундаги ахборотларни оммавий ахборот воситалари, шунингдек интернет тармоқларига жойлаштириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни реклама қилиш, бундай маҳсулотларни эълон қилиш (улар мазмунини қўлёзма ёки нашр этилган шаклда айтиб бериш) ёки уларни қўлга киритиш усулларининг ошкор қилинишида ифодаланadi.

Таъкидлаш жоизки, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни Интернет жаҳон ахборот тармоғининг ижтимоий сайтларига ёки ушбу тармоқда очилган ўзининг шахсий анкетасига жойлаштириш ҳаракатлари зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни реклама қилиш деб баҳоланади ва бундай қилмиш Жиноят кодексининг 130¹-моддаси билан квалификация қилинади.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни намойиш қилиш уларнинг ҳар қандай шаклда ёки ҳар қандай воситалар ёрдамида бошқаларга маълум қилинишини назарда тутади.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни намойиш қилиш уларнинг оммавий кўриш учун осиб қўйилиши, уларни бошқалар томонидан эшитиладиган ва кўриладиган даражада қўйиб бериш кабиларда ифодаланadi. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни намойиш қилиш оммавий ахборот воситалари ёки интернет тармоғи орқали, компьютер техникаси воситасида, электрон кўринишида ёзувларни кўрсатадиган мобил телефон аппаратлари, плакатлар ва бошқалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни намойиш қилиш уларнинг кўрсатилишини ёки алоҳида парчаларининг (фрагмент) тасвирланишини талаб этади.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш жиноятнинг объектив томонини ташкил этадиган ҳаракатлардан бири содир этилган вақтдан эътиборан ушбу жиноят тугалланган деб топилади.

Жиноят кодекси 130¹-моддасининг иккинчи қисмида мазкур жиноятнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи таркиблари белгиланган.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 1301-моддаси 2-қисмининг "а" банди билан квалификация қилинади. Бунда:

— шахс томонидан Жиноят кодекси 1301-моддасининг айнан бир қисмида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноят турли вақтларда қасддан содир этилса ва у бу жиноятларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган ёхуд жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинмаган бўлса, унинг қилмиши такроран содир этилган деб баҳоланади;

— муқаддам қасддан содир этган Жиноят кодекси

1301-моддасининг муайян қисмида кўрсатилган жинояти учун судланганлик ҳолати мавжуд (судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган) шахс томонидан Жиноят кодекси 1301-моддасининг айнан шу қисмида назарда тутилган жиноят қасддан содир этилган бўлса, унинг қилмиши хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб баҳоланади.

Қилмишни Жиноят кодекси 1301-моддаси 2-қисмининг "а" банди билан квалификация қилишда айбдор мазкур жиноятни содир этишда жиноятнинг бажарувчиси ёки бошқа иштирокчиси бўлганлиги ҳамда жинояти тамом бўлган ёки бўлмаганлиги аҳамият касб этмайди.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намой-

иш этиш бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 1301-моддаси 2-қисмининг "б" банди билан квалификация қилинади. Бунда икки ёки ундан ортиқ шахс олдиндан ёки бево-сита жинойи қилмиш бошланишидан аввал ўзаро тил бириктирган ҳолда юқорида кўрсатилган қилмиш (зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш)ни биргаллашиб бажаради.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш жиноятининг субъектив томони тўғри қасдда ифодаланади. Бунда айбдор зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этишнинг ижтимоий хавфлилигини англайди ва бундай ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди.

Жиноят предметларини тайёрлаш учун жинойи жавобгарлик белгилашда айбдор шахснинг бундай маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаганлигини аниқлаш шарт. Жиноят предметларини тайёрлашда бундай мақсаднинг аниқланмаганлиги қилмишни Жиноят кодекси 1301-моддаси билан квалификация қилишни инкор этади.

Жиноят кодекси⁵ 17-моддасининг нормаларига асосланиб айтиш мумкинки, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш жиноятининг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.



¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -- Т.: "Маънавият", 2010. -- Б. 117-118.

² Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик / Р. Кабулов, А. Отажонов ва бошқ. -- Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. -- Б. 156.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-324-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. -- 2012 й. -- 15-сон. -- 166-м.; Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. -- 2015 й. -- 32-сон. -- 425-м.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: (2015 йил 1 апрелгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: "Адолат", 2015.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: (2015 йил 1 апрелгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: "Адолат", 2015.

Бахтиёр КАЮМОВ,
Самостоятельный соискатель Ташкентского
Государственного юридического университета

ОСНОВНЫЕ МОДЕЛИ И ФОРМЫ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА

- ◆ Мақолада турли хил ижтимоий муносабатларда давлат иштирокидаги хусусий ҳамкорликнинг асосий модели ва шакллари таҳлил қилинган.
- ◆ В статье анализируется участие государства основные модели и формы частного партнерства в различных общественных отношениях.
- ◆ Basic models and forms of public-private partnership in the articles.

Таянч сўзлар: давлатнинг хусусий ҳамкорлиги, ДХХ, маҳсулот тақсимотига оид битимлар, концессия

Ключевые слова: государственно-частное партнерство, ГЧП, соглашение о разделе продукции, концессии

Key words: public-private partnership, PPP, production sharing contracts, concession

В развитых, а в последнее время и в развивающихся странах широко применяется новая особая форма взаимодействия государства и частного бизнеса. Эта особая форма партнерства обычно обозначается термином Public-Private Partnership (PPP)¹ или общественно-частное партнерство. В странах СНГ, в том числе в Узбекистане применяется термин государственно-частное партнерство, исходя из сложившегося четкого понимания роли государства как главного реформатора².

Собственно термин "государственно-частное партнерство" появился в начале 90-х гг. XX в.³ Это связано, главным образом, с "британской моделью" ГЧП. В 1992 году правительство Д.Мейджора объявило о "частной финансовой инициативе" (Private Finance Initiative — PFI), которая представляла собой модернизированную концепцию управления государственной собственностью. Суть PFI состояла в том, чтобы в рамках договоров и соглашений о государственно-частном партнерстве передать частному сектору функции финансирования (строительства, реконструкции, эксплуатации, управления и т.д.) объектов социально-культурной и производственной инфраструктуры, находящихся в государственной собственности.

Данное кардинальное изменение системы государственного управления в Великобритании повлекло за собой существенную трансформацию в институциональной среде, а также во взаимоотношениях государственного аппарата и частного бизнеса.

Государственно-частное партнерство — это специфическая, различных видов форма взаимодействия государства и частного сектора в сфере экономики, основополагающей чертой которого является сбалансированность интересов, прав и обязательств сторон в процессе его реализации.

Государственные структуры и частный сектор вступают в партнерство, которое закрепляется определенными договорами, контрактами, соглашениями и т.д. В зависимости от степени интенсивности решаемых задач в рамках ГЧП все существующие формы партнерства можно классифицировать на отдельные модели. Для задач ГЧП различают организационные модели, модели финансирования и кооперации.

При организационной модели глубокого вторжения в отношения собственности не происходит, сотрудничество заключается путем привлечения третьих лиц, организаций, "пере-

уступки отдельных функций и контрактных обязательств, использования возможностей передачи объектов во внешнее управление". К этой модели относят наиболее распространенный тип — концессии.

Модель финансирования представляет собой коммерческий наем, аренда, лизинг и различные формы финансирования.

Модель кооперации это объединение усилий партнеров, представленное в различных формах и методах для создания новой потребительской стоимости как публичного блага. Обычно такая кооперация представляет собой сложную структуру, особенно в сфере производства.

Следует отметить, что в соответствии с правовым регулированием в рамках Европейского Союза выделяют "контрактные" и "институциональные" формы ГЧП. Контрактными ГЧП являются концессия, предоставления частному инвестору (концессия на осуществление работ, оказание услуг, лизинг и другие виды). Институциональные ГЧП является создание совместного предприятия с участием государственного органа или компании, с одной стороны, и частными инвесторами с другой стороны.

ГЧП имеет следующие основные формы.

Государственные контракты как административный договор, составленный между государством и частной фирмой для осуществления особо полезных и необходимых видов деятельности: контракты на выполнение работ по финансированию, проектированию, строительству, на оказание общественных услуг, на управление, на поставку государственных нужд, для оказания технической помощи и т.д. Особенностью такой формы является то, что государство не передает права собственности частному предпринимателю. Вся деятельность по контракту (строительство, закупка материалов) осуществляется на средства государства, а частный сектор выступает подрядчиком и не имеет права произвольно распоряжаться полученными средствами. Интерес же частного партнера состоит в получаемой доле в доходе и прибыли. Однако следует заметить, что это весьма привлекательный бизнес, т.к. кроме устойчивых доходов предоставляются всевозможные льготы и некий престиж.

Аренда государственной собственности (здания, оборудования и т.д.) и лизинг. Смысл арендных отношений заключается в передаче частному сектору государственного и муниципального имущества во временное пользование и за определенную плату. По традиции предпо-

лагается возврат арендованного имущества арендатору, при этом право на распоряжение остается за государством, но возможны исключения в виде выкупа арендованного объекта, в специально оговоренных случаях. Главной особенностью является получение государством прибыли в виде арендных платежей. В случае лизинга лизингополучатель, т.е. частный сектор в любом случае имеет право выкупить арендованное государственное или муниципальное имущество.

По нашему мнению следует отметить, что в целях упорядочения передачи в аренду государственного имущества созданы центры аренды государственного имущества в форме государственных унитарных предприятий при Госкомимуществе Республики Каракалпакстан, территориальных управлениях Госкомимущества Республики Узбекистан в областях и городе Ташкенте. Основными задачами данных центров являются организация и передача в аренду государственного имущества; учет и мониторинг средств, поступающих от аренды; формирование и ведение баз данных; контроль за целевым использованием и сохранностью объектов аренды; проведение инвентаризации; размещение объявлений о предоставлении в аренду неиспользуемого государственного имущества, в периодических изданиях и на веб-сайтах Госкомконкуренции и Торгово-промышленной палаты Республики Узбекистан⁴.

Совместные государственно-частные предприятия. Они создаются в основном путем акционирования или на основе долевого участия сторон без выпуска акций. Степень свободы частного сектора определяется доле сторон в капитале. Также в зависимости от такой доли распределяются риски между участниками.

Концессии (концессионное соглашение) — форма отношений между государством и частным бизнесом, получающее все большее распространение.

В законодательстве Республики Узбекистан концессия представлена как разрешение, выдаваемое от имени государства иностранному инвестору на осуществление определенного вида хозяйственной деятельности, связанной с предоставлением ему имущества, участков земли и недр на основе заключения концессионного договора⁵.

В научной литературе отмечается такая особенность концессии, согласно которой государство, оставаясь полноправным собственни-

ком имущества, уполномочивает частного партнера выполнять в течение определенного срока определенные функции, которые оговариваются в соглашении, наделяя его при этом соответствующими полномочиями. Одно из них заключается в том, что он получает исключительное право не допускать аналогичной деятельности других лиц и самого государства. За пользование государственной или муниципальной собственностью концессионер вносит плату, оговариваемую в соглашении. На выработанную продукцию концессионер получает право собственности. По этому соглашению концессионер (частный партнер) обязан подчиниться требованиям публичных интересов, оказывать соответствующие услуги, делать их общедоступными и устанавливать одинаковый тариф на эти услуги. В случае обстоятельств, приносящих угрозу обществу, государство принимает законные меры, не прописанные в соглашении.

Соглашения о разделе продукции.

В соответствии со статьей 3 Закона Республики Узбекистан "О соглашениях о разделе продукции" соглашение о разделе продукции является договором, в соответствии с которым Республика Узбекистан предоставляет иностранному инвестору на возмездной основе и на определенный срок исключительные права на поиски, разведку месторождений и добычу полезных ископаемых на участке недр, указанном в соглашении, и на ведение связанных с этим работ, а инвестор обязуется осуществить проведение указанных работ за свой счет и на свой риск⁶.

Эта форма напоминает традиционную концессию, но все же имеет некоторые отличия. В концессии говорится о том, что выпущенная продукция полностью принадлежит концессионеру, в случае такой формы частный партнер государства имеет право только на ее часть, которые оговариваются в специальном соглашении.

Различают концессии нескольких типов, обратим внимание на основные из них:

◆ СУП (ВкТ) (строительство — управление — передача (Build, kperate, Transfer) классический вариант концессии. Здесь инфраструктурный объект создается за счет концессионера, который после завершения строительства получает право эксплуатации сооруженного объекта в течение срока, достаточного для окупаемости вложенных средств. После этого объект передается государству. Частный партнер при этом имеет право пользования,

но не собственности.

◆ СВУ (Вкк) (строительство — владение — управление (Built, kwn, kperate) — так называемый "гринфилд" (Greenfield Project). Инвестор строит объект и управляет им на правах владения и пользования, концессионный срок не фиксируется. При таком раскладе созданный объект по истечении срока действия не передается публичной власти, а остается в распоряжении инвестора.

◆ СВУП (ВккТ) (строительство — владение — управление — передача (Built, kwn, kperate, Transfer). В этом случае частный партнер получает право пользования и право владения объектом в течение срока действия соглашения. После этого объект передается публичной власти.

◆ ПСВУП (КВккТ) (проектирование — строительство — владение — управление — передача (Kesign, Build, kwn, kperate, Transfer). Особенностью соглашений этого типа состоит в ответственности частного партнера не только за строительство инфраструктурного объекта, но и за его проектирование.

Изучение зарубежного опыта показало, что в ряде стран созданы правовые основы ГЧП. В Японии действует Закон "О содействии развитию общественных объектов за счет использования частных финансовых средств",

в Корее — Закон "Об участии частного сектора в развитии инфраструктуры",

в Польше — Закон "О государственно-частном партнерстве". Аналогичные законы приняты во Франции, Греции, Латвии, Бразилии.

Использование ГЧП в перечисленных странах способствовало снижению бюджетных расходов в решении социально значимых вопросов, повышению эффективности управления государственной собственностью и созданию новых рабочих мест путем организации взаимовыгодного сотрудничества органов государственного управления и частного сектора.

В частности, во Франции для повышения энергоэффективности

и энергосбережения реализуются проекты ГЧП в области систем коммунального теплоснабжения, уличного освещения и в других сферах коммунальной инфраструктуры.

В Германии ГЧП применяется в социальной сфере, водоснабжении, переработке твердых бытовых отходов, утилизации сточных вод.

С учетом изложенного, в целях формирования целостных правовых основ эффективного использования финансового, материального и трудового потенциала субъектов предпринима-

тельства в решении общественно значимых задач предлагается разработать проект Закона "О государственно-частном партнерстве".

Принятие Закона обеспечит создание целостных правовых основ развития ГЧП; внедрение новых социально значимых проектов за счет привлечения ресурсов субъектов предпринимательства; стимулирование предпринимательской инициативы в социально значимых сферах экономики; привлечение дополнительных инвестиций в экономику страны; повышение качества товаров и услуг, предоставляемых населению.

Подводя итог, можно отметить существенное влияние государственно-частного партнер-

ства и его результатов на общественные отношения: развитие новых отраслей инфраструктуры и общества, приток инвестиций и движение капитала в тех отраслях, где имелся некий "застой", развитие и внедрение технологий, новых методов управления и организации.

Партнерство государства с частным сектором является ключевым компонентом новой инновационной политики, поскольку, при правильной организации, оно обеспечивает получение более широких преимуществ от капиталовложений в государственные исследования, создавая благоприятные предпосылки для устойчивого инновационного развития, являющегося стратегическим фактором экономического роста.



¹ Варнавский В. Государственно-частное партнерство в России: проблемы становления. Журнал - Отечественные записки. www.strana-oz.ru.

² Каримов И.А. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. Т.1.- Т.: Узбекистан, 1996. с.64.

³ Айрапетян М.С. Зарубежный опыт государственно-частного партнерства. / Аналитическая записка Правового управления Аппарата Государственной Думы РФ. <http://wbase.duma.gov.ru>;

⁴ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О мерах по совершенствованию порядка передачи в аренду государственного имущества" от 8 апреля 2009 года № 102.- Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2009 г., № 15, ст. 186; 2010 г., № 52, ст. 513; 2011 г., № 48, ст. 494; 2013 г., № 37, ст. 485.

⁵ Статья 1 Закона Республики Узбекистан "О концессиях". -Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1995 г., № 9, ст. 185; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., № 52, ст. 513.

⁶ Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2002 г., № 1, ст. 12; 2003 г., № 9-10, ст. 149; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2007 г., № 52, ст. 533; 2008 г., № 52, ст. 513.

Хурсандбек ҚОДИРОВ,
Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

МАНСАБДОР ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ҲУЖЖАТЛАРНИ СОХТАЛАШТИРГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

- ✦ Мазкур мақолада мансаб сохтакорлиги учун жиноий жавобгарликни такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар баён этилган.
- ✦ В данной статье были рассмотрены вопросы совершенствования уголовной ответственности за подделку документов должностными лицами.
- ✦ This article outlines the issues of improving the criminal liability for falsification of documents by officials.

Таянч сўзлар: мансаб сохтакорлиги, мансабдор шахс, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, нодавлат сектор, уюшган гуруҳ, бир гуруҳ шахслар, ўта хавфли рецидивист, жуда кўп миқдор.

Ключевые слова: должностной подлог, должностное лицо, государственный орган, предприятие с участием государства, органы самоуправления граждан, негосударственный сектор, группа лиц, особо опасный рецидивист, особо крупный размер

Key words: forgery, an official, public body, the company with the participation of state bodies of self-government, private sector, group of persons, an especially dangerous recidivist, especially large size.

Мансабдорлик жиноятлари бу давлат аппаратининг қонун билан тартибга солинган фаолиятини бузишга йўналтирилган ижтимоий хавфли қилмишлар бўлиб, уларни мазкур давлат аппаратининг мансабдор шахслари ўз мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб содир этадилар¹. Қолаверса, ҳар қандай субъект каби мансабдор шахсларнинг расмий ҳужжатларни сохталаштириш билан боғлиқ ғайриқонуний хулқ-атвориға ҳуқуқий таъсир кўрсатишда жиноят қонуни катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов давлат бошқарувининг янгича самарали тизимини ташкил этиш ҳақида сўз юритар экан, "...бирор-бир мансабдор шахс давлат сиёсатидан чекиниб, қонунга хилоф ишлар билан шуғулланадиган, ўз манфаатини давлат, халқ манфаатидан устун қўядиган бўлса, у кимлиги, кимнинг қариндоши, қайси раҳбарнинг оғайниси эканидан қатъи назар, муқаррар равишда жазосини олиши шарт. Яъни шундай жазонинг муқаррарли-

гини шу одамдан юқори лавозимда ўтирганлар эмас, балки тизимнинг ўзи талаб этиши зарур"², деб таъкидлайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши билан кўплаб қонун ҳужжатлари қаторида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига, шу жумладан, кодекснинг мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган нормаларига принципаал ўзгартиришлар киритилди. Янги қонунга биноан, амалиётда юзага келадиган кескин муаммоларни бартараф этиш мақсадида масъул мансабдор шахс тушунчаси жиноят қонунчилигидан чиқариб ташланди ва ҳозирда ягона мансабдор шахс тушунчаси қол-

дирилди ва қонунда унинг аниқ мазмуни баён этилди.

Шу билан биргалликда, давлат ва нодавлат сектордаги мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарлиги дифференциация қилинди. Шу мақсадда ЖКнинг 205-212-моддалари, шу жумладан, мансаб сохтакорлиги учун жавобгарлик белгиланган 209-моддаси диспозицияси янги таҳрирда берилди. Яъни ушбу моддаларда эндиликда фақат давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун жавобгарлик назарда тутилди.

Қонунга киритилган мазкур ижобий ўзгартиришларнинг самараси юқори бўлишини эътироф этган ҳолда, мазкур таҳлилимизда қонунни қўллашда юзага келиши мумкин бўлган қийинчилик ва муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш имкониятлари хусусида фикр юритишни лозим топдик.

Жумладан, янги қонун мазмуни бўйича ЖКнинг 209-моддасида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахсининг қилмиши учун жавобгарлик назарда тутилди. ЖКга киритилган ўзгартишларга мувофиқ, нодавлат сектор бу модданинг таъсир доирасидан чиқарилди.

Шу билан бирга, нодавлат секторда ҳам мансабдор шахслар мавжудлигини эсдан чиқармаслигимиз, оддий фуқароларнинг қилмишига нисбатан уларнинг қилмишининг ижтимоий хавфи юқори эканлигини эътироф этиш жоиз.

Жумладан, фуқаро О.нинг аризасига биноан, "Турон банк" АТБнинг Фарғона филиали томонидан чорвачиликни ривожлантириш учун 4 млн. 200 минг сўм миқдорида кредит ажратиш ҳақида 2-сонли кредит шартномаси имзоланган ва бунга асосан фермер хўжалиги ҳисоб рақамига ушбу сумма келиб тушган. 2014 йил 2 апрель куни фуқаро О. кредитдан фойдалангани учун 80 минг сўм нақд пулларни "Турон банк" АТБнинг Фарғона филиалига олиб келиб, кредитлаш ва иқтисодий таҳлил бўлимида бошлиғи Н.га ғазнага топшириб қўйишни, квитанциясини кейинроқ олиб кетишини айтиб ташлаб кетади. Н. ушбу пулларни белгиланган тартибда банкнинг ғазнасига топширмасдан ўз мансаб мавқеидан фойдаланиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган ва расмий ҳужжатларга била туриб сохта ёзувлар киритиб, касса квитанциясини тайёрлаб Г.Каюмовга берган. ЖКнинг 209-моддаси олдинги таҳрири асосида мазкур қилмиш ЖКнинг 205, 209-моддалари

билан квалификация қилинган.

Қонунга киритилган ўзгартишлардан сўнг, юзага келган ҳолат бўйича илгари оқибати ва ижтимоий хавфлилиги давлат ташкилотининг қилмиши билан бир хил баҳоланиб, ЖКнинг 209-моддаси квалификация қилинадиган нодавлат сектордаги мансабдор шахсларнинг қилмиши эндиликда ЖКнинг 228-моддаси ёки 192¹¹-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин. Бизнингча, юқорида қайд этганимиздек, оддий фуқаронинг қилмишига нисбатан мансабдор шахсининг қилмиши ижтимоий хавфлилиги юқори бўлиб, бундай тоифадаги шахсларнинг жавобгарлиги дифференциация қилиниши лозим.

Шу мақсадда, ЖКга янги киритилган "Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар" деб номланган XIII¹ бобда нодавлат сектордаги мансабдор шахсларнинг ҳужжатларни сохталаштириши учун алоҳида жавобгарлик назарда тутилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг мансаб сохтакорлиги жиноятига бағишланган 209-моддаси иккинчи қисмида жавобгарликни оғирлаштирувчи қўйидаги ҳолатлар кўрсатиб ўтилган:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган мансаб сохтакорлиги;
- б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган мансаб сохтакорлиги.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида квалификация қилувчи белги сифатида "уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатини кўзлаб" ёхуд "уюшган гуруҳ аъзоси ёки мазкур гуруҳ манфаатини кўзлаб" жиноят содир этиш назарда тутилган. Шуни назарда тутиш керакки, мазкур белги жиноятнинг нафақат бевосита бажарувчиси ва уюшган гуруҳ аъзоси бўлган шахсга, балки унинг барча иштирокчиларига, агар улар жиноятни тайёрлашда иштирок этсалар ва буни умумий қасд асосида қилган бўлсалар, айб сифатида қўйилади. Бироқ мазкур белги уюшган гуруҳ аъзоси бўлмаган тақдирда жиноятни содир этишда уюшган гуруҳ таркибида бир марта иштирок этган ёхуд жиноятни мустақил равишда ўз ташаббуси билан ёки мазкур гуруҳ топшириғига биноан содир этган шахсларга ҳам тегишли бўлиши керак.

Бундан ташқари, яна шуни қайд этиш лозимки, амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмида санкцияланган жиноятларнинг 44 тасида қилмишининг "уюшган гуруҳ" билан боғлиқ ҳолда содир

этилиши назарда тутилган. Шулардан 32 тасида, 72,7 фоиз ҳолатда мазкур норма "уюшган гуруҳ аъзоси ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса" ёхуд "уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса" мазмунида келтирилган. Фақатгина 12 та жиноятда, яъни 27,3 фоиз ҳолатда мазкур норма фақатгина "уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса" ёки "уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса" мазмунида қайд этилган. Албатта, уюшган гуруҳ билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгилловчи норманинг "уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса" ёки "уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса" мазмунида белгиланиши, мазмунидан ҳам кўриниб турганидек, амалиётда ҳам ўзига хос қийинчиликларни юзага келтиради. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрда қабул қилинган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги (янги таҳрирдаги) Қонунининг 19-моддасида "норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунига қўйиладиган талаблар" қайд этилган бўлиб, унга кўра, "норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ, турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда қўлланилиши"³ лозимлиги белгиланган. Юқорида қайд этилган фикрларни инобатга олган ҳолда, уюган гуруҳ аъзоси ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлигига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 209-моддасининг 2-қисмига ўзгартиш киритган ҳолда 209-моддани 3-қисм билан тўлдириш ҳамда унда қуйидаги мазмундаги "в" банди назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир:

"в) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;"

Шуни эътиборга олиш лозимки, бир гуруҳ шахслар томонидан содир қилинадиган жиноятлар бир киши томонидан содир этилган жиноятга нисбатан хавфлироқ тусга эга бўлади, чунки бунда жиноятчиларнинг кучи ва имкониятлари бирлашади ва жиноий мақсадга эришишнинг қўшимча шароитлари вужудга келади. Бундай жиноятнинг бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан содир этилиши эса, қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини янада оширувчи ҳолат ҳисобланади. Маълумки, жиноят қонунини "бир гуруҳ шахслар" тушунчаси келтирилмаган. Аммо жиноят содир этишдаги ўзаро алоқадорлик, иштирокчилар ҳаракатни олдиндан тил бириктирган ҳолда амалга оширилиш даражаси, субъек-

тив алоқадорлиги ва хусусиятига кўра, фарқ қилувчи бир неча шахсларнинг биргаликдаги ҳаракати иштирокчилик шакли ҳисобланади⁴. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 29-моддасида иштирокчиликнинг шакллари келтирилган бўлиб, оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма шакллари қайд этилган. Оддий иштирокчилик деб икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда биргалашиб қатнашишига айтилади. Бундай ҳолатда икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмасдан жиноят объектив томонини биргаликда бажаришлари назарда тутилади. Агар иштирокчилар олдиндан тил бириктирмасдан, жиноят объектив томонини биргаликда содир қилсалар, яъни жиноят иштирокчилари фақатгина, бажарувчилардан ташкил топса — бу "бир гуруҳ шахслар томонидан" жиноят содир этиш деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг одиндан тил бириктириб қасддан жиноят содир этиши — бу жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан мураккаб иштирокчилик сифатида баҳоланади. Мураккаб иштирокчиликнинг "бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб" жиноят содир этишдан асосий фарқи, мураккаб иштирокчиликда вазифаларнинг тақсимланганлиги, яъни жиноят таркиби объектив томонини биргалашиб бажармаслигидир. Агар иштирокчилик олдиндан тил бириктириб, жиноят объектив томонини биргаликда содир қилсалар, яъни жиноят иштирокчиларининг барчаси бажарувчилардан ташкил топган бўлса, бу "бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб" жиноят содир этиш деб топилади. Албатта, мансаб сохтакорлигининг бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан содир этилиши унинг битта мансабдор шахс томонидан содир этилган қилмишга нисбатан ижтимоий хавфи анча юқори эканлигини кўрсатади. Юқоридаги таҳлилдан хулоса қилиш мумкинки, бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан жиноят содир қилиш ҳам ўз навбатида икки гуруҳга ажратилади: 1) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан одиндан тил бириктирмасдан жиноят содир қилиш; 2) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан одиндан тил бириктириб жиноят содир қилиш. Биринчи ҳолатга қараганда иккинчи ҳолатда содир этиладиган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги яққол ажралиб туради. Зотан, мансаб сохтакорлиги ҳам била туриб, одиндан ўйланган ҳолда, яъни қасддан содир этиладиган жиноят ҳисобланади. Шунинг учун бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этиладиган жи-

ноятларни умумий ҳолатдан ажратган ҳолда унга нисбатан оғирроқ санкция қўллаш, бизнингча мақсадга мувофиқдир. Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 209-моддасининг иккинчи қисмига қуйидагича қўшимча киритиш таклиф қилинади:

"б) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса".

Маълумки, XX аср техника юксак тараққий этган аср бўлди, инсоният ҳаётига мисли кўрилмаган кашфиётлар кириб келди. XXI аср том маънода ахборотлаштириш асри бўлди десак, муболаға бўлмайди. Албатта, замоннинг шиддат билан ўзгариши кўп жиҳатдан компьютер техникасининг яратилиши ва такомиллаштирилиши, қолаверса, унинг имкониятлари билан боғлиқдир. Айниқса, компьютер техникаси орқали ҳужжатлар билан ишлаш ва бу тизимни автоматлаштириш масалалари бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Компьютер техникасининг такомиллаштирилиши, ўз навбатида унинг имкониятларини кенгайтириб, у билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятларнинг ҳам ижтимоий хавфлилигини ошириб бормоқда. Айниқса, компьютер техникасининг ҳужжатлар (расмий ҳужжатлар) билан ишлашнинг асосий воситасига айланиб улгурганлиги расмий ҳужжатлар билан жиноятларнинг жиноят қонунида назарда тутилмаган янги турларини яратмоқда. Интерпол Бош қотибияти томонидан ҳам компьютер жиноятчилигининг махсус кодлаштирилган тизими ишлаб чиқилган бўлиб, 1991 йилда ушбу тизим автоматлаштирилган қидирув тизимида жорий этилиб, бугунги кунда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларида амал қилмоқда. Бунда компьютер жиноятларининг тавсифловчи барча кодлари Q ҳарфи билан бошланган бўлиб, унда QA-берухсат кириш ва ўзгартириш, QK-компьютер маълумотларини ўзгартириш билан бир қаторда "QFF-компьютердан фойдаланиб сохталаштириш" жинояти ҳам алоҳида қайд этилган. Ўзбекистон Республикасида ҳам шу соҳани тартибга солиш мақсадида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, шу кундаги "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, 2004 йил 29 апрелдаги "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги

"Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасига кўра, электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжат ҳисобланади. Электрон ҳужжат техника воситаларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилади, ишлов берилади ва сақланади. Шунингдек, мазкур Қонуннинг 7-моддасида "Электрон ҳужжатнинг юридик кучи" қайд этилган бўлиб, унга кўра электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади⁵. Шу сабабдан ҳам, мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, тегишли тартибда электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, уларни қалбакилаштириши ёки била туриб шундай ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилишда муаммолар юзага келиши тайиндир. Юқорида қайд этилганларни инobatга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 209-моддасининг иккинчи қисмига қуйидагича қўшимча киритиш мақсадга мувофиқдир:

"в) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса".

Маълумки, "такроран ёки хавfli рецидивист томонидан" содир этилган мансаб сохтакорлиги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 209-моддасининг 2-қисми билан жавобгарликка тортилади. Аммо айрим ҳолатларда қилмиш ўта хавfli рецидивист томонидан ҳам содир этилиши мумкин. Бундай ҳолатда қилмишни квалификация қилиш масаласи ҳам қонун нормасида ўз аксини топмаган. Ўта хавfli рецидивистнинг жиноят-ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб, бундай жиноятчилар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг хусусиятларини инobatга олган ҳолда, улар томонидан содир этилган мансаб сохтакорлигини квалификация қилишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 209-моддаси учинчи қисм билан тўлдирилиши ва унда қуйидаги норма назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир:

"3) Ўша ҳаракат:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;"

Мансаб сохтакорлигининг жазони оғирлаштирувчи ҳолатларини тадқиқ этар эканмиз, бу жиноятни квалификация қилишда яна бир муаммога дуч келамиз. Яъни 209-модданинг 1-қисми диспозициясида санаб ўтилган ҳаракатлар содир этилиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказган тақдирдагина мансаб сохтакорлиги сифатида квалификация қилинади. Айтиш лозимки, жиноят содир этилиши натижасида анча миқдордаги ёки кўп миқдордаги зарар етказилса ҳам маълум маънода жиддий зарар тушунчасини қўллаган ҳолда 209-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиш мумкин бўлади. Аммо амалиётда аксарият ҳолларда жиноятлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилганлиги қайд этилган. Бундай ҳолатда содир этилган қилмишни 209-модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноят билан ижтимоий хавфлилик жиҳатдан талқин қилиш

жиноят қонуни принципларига ҳам, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 42-моддасида белгиланган жиноий жазоларнинг қўлланилиши мақсади ва вазифаларига ҳам зиддир. Бундан ташқари, бошқарув тартибига қарши асосий мансабдорлик жиноятларининг аксариятида, хусусан, 205-модданинг 2-қисми "а" банди, 206-модданинг 2-қисми "а" бандида "жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда" содир этилган қилмиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида квалификация қилиниши лозимлиги қатъий белгиланган. Юқорида қайд этилган фикрларга асосланиб, бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 209-моддаси учинчи қисмида қуйидаги норма назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир:

"г) жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса."

Юқорида қайд этилган таклиф ва мулоҳазалар жиноят қонунини такомиллаштиришга, қонунни қўллаш амалиётида юзага келадиган ноаниқликлар, қонунни турли хил қўллаш ҳолатларини бартараф этишга хизмат қилади.



¹ Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. -Б.70.

² Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан куриб бўлмайди. Т.13. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. --Б.237.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 8-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 51-сон, 514-модда; 2013 й., 40-41-сон, 349,350,351-моддалар

⁴ Очиллов Х.Р. Саволлар ва жавоблар: жиноят ҳуқуқи (умумий қисм): Ўқув-услубий қўлланма. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. -Б.53.

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 20-сон, 230-модда.

**2016 йил 24 февраль куни Тошкент ша-
хар прокуратурасида Ўзбекистон Респуб-
ликаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув
курслари томонидан ташкил этилган "Тез-
кор-қидирув фаолияти қонунчилигини та-
комиллаштириш масалалари" мавзусида
илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

Семинар ишида Олий ўқув курслари, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Олий ҳарбий бож-хона институти, Тошкент давлат юридик университети, Тошкент олий ҳарбий техника билим юртининг профессор-ўқитувчилари, талабалари ва тингловчилари, прокуратура ва ички ишлар органлари ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш доира-сида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси-нинг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг мақсади тезкор-қидирув тадбирлари-ни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлик-ларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилиш-нинг ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналти-рилган. Ушбу Қонун демократик давлатларнинг умумэтироф этилган амалиётига мос келади

ҳамда жиноятларнинг олдини олиш ва ўз вақти-да тўхтатиш бўйича чораларнинг самарадорли-гини, шунингдек, суриштирув ва дастлабки тер-говнинг сифатини оширишга хизмат қилади.

Семинарда қонун қабул қилиниши билан со-ҳага оид илмий-тадқиқот ишлари фаоллашган-лиги, тезкор-қидирув фаолиятини кенг оммага тарғиб қилишга бағишланган шарҳлар, ўқув қўлланмалар ва илмий мақолалар чоп этилган-лиги, шунингдек, мазкур фаолиятни амалга оши-рувчи органларнинг идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ишлаб чиқилганлиги ҳамда улардан амалий фаолиятда кенг фойдаланилаётганлиги ҳақида фикрлар билдирилди. Ушбу фаолият на-фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хо-димларининг, балки фуқароларнинг ҳам соҳага оид ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қили-ши эътироф этилди.

Тадбир иштирокчилари "Тезкор-қидирув фао-лияти тўғрисида"ги Қонунни янада такомиллаш-тириш ҳамда унинг талабларини амалдаги қонун-лар ва қонунчилик ҳужжатларига уйғунлаштириш борасида ўз таклифларини билдиришди.

Семинар якуни бўйича тезкор-қидирув фао-лиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаш-тиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.



«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий тақлифлар акс этиши;
- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
- келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
- матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;
- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
- мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;
- ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим. мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: axborotnoma@vuk.uz

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
- исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
- достоверность и корректность приводимой в статье информации;
- к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
- представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;
- статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
- объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
- на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.
- ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языке
- статьи нужно направлять по адресу: axborotnoma@vuk.uz



Хоразм вилоят прокуратураси



**Урганч шаҳар
прокуратураси**



**Қўшқўпир туман
прокуратураси**

